



Р.А. Тұзмұхамедов  
Р.Т. Ҳакимов

# ХАЛКАРО ХУКУК АСОСЛАРИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ  
ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

**Р.А. Тузмуҳамедов**  
**Р.Т. Ҳакимов**

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

*Ўкув қўлланмаси*

“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи  
Тошкент — 1998

64. Гл. ўзб.  
T 820

**Муаллифлар:**

юр. фан. докт., проф. • Р.А. Тузмуҳамедов  
(1-6, 8-25, 50, 51- мод.)  
юр. фан. номз. доц. Р.Т. Ҳакимов  
(7, 26-49, 50, холоса)

**Тақризчилар:**

юр. фан. докт., проф. С.К. Абдураззоков  
юр. фан. докт., проф. М.М. Файзиев


T 82

**Тузмуҳамедов Р. А., Ҳакимов Р. Т.**

ХАЛҚАРО ХУҚУҚ АСОСЛАРИ: Ўкув қўлланмаси.-Т.: "Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси", 1998.-128 б.

**1. Автордош.**

Мазкур ўкув қўлланмаси ҳалқаро хуқуққа оид баъзи асosий институтлар ва соҳаларнинг қисқача баёнидан иборат. Муаллифлар китобда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейинги ўтган даврдаги ҳалқаро муносабатлар амалиётини ҳам хисобга олишга ҳаракат қилганлар. Ўкув қўлланмаси талабалар, аспирантлар, олий ўкув юртлари ўқитувчилари, шунингдек ИИВ, ТИАВ ва бошқа давлат муасасалари ходимларига мўлжалланган бўлиб, у замонавий ҳалқаро хуқуқ масалалари билан қизиқадиган муштариylарга ҳам фойда келтириши мумкин деб ўйлаймиз.



ББК 67.91я75

## КИРИШ

Халқаро ҳуқук — йил сайин аҳамияти ортиб бораётган фанлардан бири. Ушбу фан аҳамиятининг ўсиб боғиши халқаро ҳаётдаги, давлатлараро муносабатлардаги чуқур ўзгаришларга, умуман — кечеётган давр мөҳиятига боғлиқ. Буларнинг бари — иқтисодиёт, сиёсатда, айни вақтда миллионлаб кишилар онгида рўй бертаётган туб жараёнларнинг халқаро миқёсда акс этишидир.

Халқаро ҳуқуқнинг роли ва аҳамиятининг ўсиб бораётганлигини, биринчидан, ихтилофли низоларни қурол кучи билан ҳал қилишга интилиш ўтмишда қолиб кетаётганлиги билан изоҳласа бўлади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўтган ярим аср мобайнида юз берган халқаро ихтилофлар, жумладан, Вьетнам, Афғонистон, Жазоир, Чеченистон ва бошқаларнинг бирортасида ҳам уруш бошлаган тараф енгиги чиқмаганлиги ҳам шундан далолат беради. Эндиликда муаммолар қурол кучи билан эмас, балки акл-идрок ёрдамида, музокаралар йўли билан ҳал қилиниши зарур эканлиги аён бўлиб қолди.

Халқаро ҳуқуқнинг роли ҳамда аҳамиятининг ўшига иккинчи сабаб, барча қитъаларда миллий-озодлик ҳаракатининг ғалабаси ва кўпімиллатли тоталитар империялар ичидаги ёнг сўнгиси — Совет Иттифоқининг бўлинниб кетиши туфайли ўнлаб янги давлатларнинг халқаро майдонга чиқишидадир. Собиқ Иттифоқ ўрни-

да вужудга келган ўн беш мустақил давлат қаторидан Ўзбекистон ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Илм-фан, техника ва технологияларнинг мислсиз тараққий этуви, транспорт воситаларини такомиллаштириш ишида эришилган улкан ютуқлар халқлар ўртасидаги алоқаларнинг жадаллашувига, савдо-иктисодий, сиёсий ва бошқа алоқаларнинг кучайишига олиб келди ва халқаро ҳуқук роли ўсиб бораётганигининг учинчи сабаби бўлди.

Тарихий тараққиётнинг янги босқичида дунёдаги аввалги милитаристик (ҳарбий) уюшмалар ўрнига янги турдаги, энг юқори иқтисодий кўрсатгичларга эришиш мақсадига эришиш учун иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликка асосланган давлатлар ҳамжамиятлари юзага келмоқда.

Тинч ҳамкорликнинг соғлом ғояларига асосланганлиги туфайли улар тобора мустаҳамланиб бормоқда ва ҳуқук, адолат ҳамда инсонпарварлик қонунларига йўғрилган жамиятнинг илк намуналарини намоён этишга интилиб, ўз таъсир доираларини кенгайтирмоқдалар.

Хозирга келиб жаҳон бир вақтлардагидек метрополиялар, мустамлакалар, қарам ва ярим мустақил давлатларга бўлинмай, балки тенг ва мустақил давлатлар ҳамжамиятига айланмоқда. Албатта, бир интилиш билан ўтмиш исканжасидан чиқиб кетиш мушкул. Бу анча вақтни, чидамлилик ва жиддий ишлашни талаб қиласди. Бирок, ўтмишнинг иқтисодий ва ҳукукий занжирларидан холос бўлишга интилиш жараёнини ортга қайтариб бўлмаслиги барчага аён.

Мустақил Ўзбекистон ҳам ушбу жараённинг фаол иштирокчиларидан биридир. Тоталитар социалистик империя исканжасида бўлган республика узоқ вақт давомида замонавий мустақил давлатларнинг бутун жаҳондаги шаклланиш жараёнидан чеккада қолган эди. Ўзбекистон XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги бошидагина, жаҳоннинг социалистик бўлмаган мустақил давлатларидан деярли ярим аср кечикиб мустақиллик йўлига тушди. Бу эса тараққиётнинг замонавий суръатлари

олдида анча катта тарихий давр. Бой берилган имкониятларни қайта тиклашга Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги одимларининг қонунийлигини асослаб берадиган ва у киритаётган таклиф ва ташаббусларнинг мөхияти ҳамда аҳамиятини ёритиб берадиган халқаро ҳуқуқ фани ҳам ёрдам беради.

Халқаро ҳуқуқнинг Ўзбекистондаги вазифалари ҳам маълум. Аммо уларни ҳал қилиш ёш мустақил давлатимизнинг кам сонли ва ҳозирча тажрибаси у қадар етарли бўлмаган халқаро юристлар жамоаси учун осон эмас. Ўзбекистонда ҳозиргача халқаро ҳуқуқ бўйича бирорта фан доктори йўқлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Тоталитар тузум шароитида бу ерда халқаро юристларни тайёрлаш истиқболсиз иш саналиб, Ўзбекистон амалда СССР таркибидаги мустамлакалардан бири эди ва хорижий давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш, улар билан музокарапар олиб бориш ва ҳар қандай битимларни имзолаш ҳукувидан маҳрум эди. Шу каби битимлар имзолангандага ҳам уларнинг матни дастлаб марказий идораларнинг мутахассислари томонидан тузиларди.

Бугунги кунда аҳвол тубдан ўзгариб, мустақил Ўзбекистон кенг халқаро майдонга чиқди: умумий сони 150 дан ортиқ замонанинг етакчи давлатлари билан яқиндан дипломатик, савдо-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ўрнатди. Шу сабабли бугунги кунда, Ўзбекистон мустақилликка эришиб, шу асосда унинг халқаро алоқалари кескин ривожланғанлиги туфайли бу ерда халқаро ҳуқуқшуносларга бўлган талаб ортиб кетди.

Ҳозирча Ўзбекистонда ҳуқуқнинг мазкур соҳасидан юксак малакали мутахассислар етишмайди, халқаро ҳуқуқ фани бўйича дарслик, қўлланма ва дастурлар миқдори эса ундан ҳам кам бўлиб, бизни бу соҳада улкан ишлар кутмоқда.

Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ фанини Шарқнинг тарихий анъаналарини хисобга олиб, шу билан бирга бутун инсоният бойлигига айланган барча илфорғояларни сингдирган ҳолда шакллантириш лозим бўлади.

Бу йўналишда илк қадамлар қўйилмоқда. Юридик фанлари доктори, профессор Р.А.Тузмуҳамедов ва юридик фанлари номзоди Р.Т.Ҳакимовлар томонидан тайёрланган халқаро ҳуқукқа оид ушбу маъruzалар курси ана шундай қадамлардан биридир. Замонавий халқаро ҳуқукнинг асоси бўлган эллик бир савол-жавобдан иборатлиги эса — унинг ўзига хослигини кўрсатади.

Нихоят, мазкур китоб муаллифлари хўсусида бир неча сўз айтмай бўлмайди.

Афсуски, бугунга келиб орамизда йирик олим, жаҳонда таникли бўлган халқаро ҳуқук соҳасида, профессор Р.А.Тузмуҳамедов йўқ. У 1996 йилнинг май ойида Москванинг Боткин касалхонасида вафот этди. Унинг ўнлаб шогирдлари ва издошлари устоз хоки пойини зиёрат қилгани келадилар.

У 1950 йилда Москва Давлат халқаро муносабатлар институтининг халқаро ҳуқук факультетини тамомлаб, шу ернинг ўзида аспирантура курсини якунлади, диссертацияни муваффақиятли ҳимоялади ва аввал доцент, сўнг МДХМИ профессори деган номга сазовор бўлди.

Умрининг сўнгги йилларига қадар профессор Р.А.-Тузмуҳамедов Россия Федерацияси ФА Давлат ва ҳуқук институтининг етакчи илмий ходими вазифасида ишлаб келди. Профессор етакчи юрист-олимлар томонидан тайёрланиб, кўп маротаба қайта нашр қилинган халқаро ҳуқук дарслигининг муаллифларидан бири бўлиб, шунингдек МДХ мамлакатлари юрист-олимларининг Тинч океан -Осиё худудида тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш уюшмасини яратиш ғоясини ўртага ташлаган ва ушбу уюшма президенти лавозимида ишлаб келди.

Профессор Р.А.Тузмуҳамедов асл ватани Ўзбекистон эканлигини унутмади. Унинг ота-боболари Москва подшолари ва маҳаллий губернаторларнинг илтимосига кўра XIX аср бошларида бошқа ўн минглаб ўзбеклар каби Сибирга кўчиб борадилар ва у ерда ўзбек қиши

локларини барпо этадилар. Уларнинг авлодлари бугунги кунда ҳам шу ерларда яшаб келмоқдалар.

1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, шу вақтга келиб Сибирда 31 мингдан ортиқ ўзбек яшаганлиги маълум.

Р.А.Тузмуҳамедов Ўзбекистонга умрбод содик қолди. У бу ерга тез-тез келиб, олий ўкув юртлари талабава аспирантлари, ўқитувчи ва профессорлари қошида, жумладан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида, Тошкент юридик институтида, Ўзбекистон ФА Фалсафа ва хукуқ институтида маъruzалар ўқирди. У ўқимишли ва теран фикрли инсон бўлиб, ҳам илмий, ҳам майший муаммоларни қамраб олиши билан барчанинг дикқатини ўзига тортар эди.

У ўзининг содик шогирдларидан бири — Равшан Ҳакимов билан ҳамкорликда тайёрлаган ушбу китобни бизга ўзидан хотира сифатида қолдирди. Уни ўқиб-ўрганиб, сиз йирик олим, халқаро юрист, профессор Раис Абдулҳақович Тузмуҳамедов хотирасини ёдга оласиз деб ўйлаймиз.

Биз яқин келажакда мустақил Ўзбекистон ўз вақтида профессор Р.А.Тузмуҳамедов тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшган билимдон ва обрўли халқаро хукуқшуносларига эга бўлишига ишонамиз.

**Фалсафа фанлари доктори, профессор  
Қ.Х.Хоназаров  
МДХМИ халқаро хукуқ факультетининг  
1950 йилги битирувчиси**

## **1. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ**

Халқаро муносабатлар мұхити, даставвал — давлатлар орасидаги муносабатларни мувоғиқлаштирадиган, юридик жиҳатдан мажбурий қонун-қоидаларнинг ягона ва яхлит меъёр ва тамойиллари тизимидан иборат бўлган, ҳуқуқ фанининг алоҳида соҳасидир.

Қатор мұхим жиҳатларига кўра халқаро ҳуқуқ ҳар қандай давлатнинг исталган фуқаросига маълум бўлган ва давлат ички ҳуқуқи тушунчасига кирган ёки МДҲ чегараларидан ташқарида миллий ҳуқуқ номи билан юритиладиган ҳуқуқнинг бошқа соҳаларидан (фуқаролик, жиноий, оила, меҳнат ва бошқ.) фарқланади. Бу фарқлар нимадан иборат?

Биринчи навбатда, юқорида қайд этилганидек, тушунча моҳиятида — 1) мувоғиқлаштирув предмети, яъни халқаро муносабатлар эканлигига. Ундан ташқари, халқаро ҳуқуқ субъекти бирор кимнингдир юрисдикциясида, тобелигига бўлмайди. Бундан иккинчи фарқ келиб чиқади — 2) халқаро ҳуқуқ соҳасида марказлаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш механизми, мажбурлаш аппарати мавжуд эмас ва мажбурлаш имкониятлари ҳам жуда чекланган. Миллий ҳуқуқнинг яна бир фарқи шу билан боғлиқ: — 3) халқаро ҳуқуқ меъёrlари бирон бир марказий, улкан (глобал) қонун чиқарувчи орган томонидан эмас, балки унинг субъектлари, аввало давлатлар ўртасида битимга келиш йўли

билан яратилади. Ана шундан яна бир фарқ келиб чиқади: — 4) халқаро ҳуқуқ меъёрлари фақатгина уларни рӯёбга чиқарган, яъни тегишли битим, шартноманинг иштирокчилари учунгина ҳуқуқ ва мажбуриятларни яратади.

Халқаро ҳуқуқнинг тараққиёти жараёнида, у халқаро муносабатлар мухитида пайдо бўладиган тобора кенг қамровли муаммоларни мувофиқлаштира бошлагач, унда алоҳида соҳа ва институтлар юзага кела бошлади. Ҳозир уларнинг сони бир неча ўндан ортиқ. Соҳалар орасида аввало дипломатия ва консуллик ҳуқуқи, халқаро шартномалар ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи юзага келган.

Замонавий халқаро ҳуқуқ ошкора ва хусусий қисмларга ажралади. Улардан иккинчиси — фуқаролик-ҳуқуқий кўринишидаги халқаро ҳуқуқ бўлиб, хорижий жисмоний ва юридик шахслар (давлатлар ҳамда ошкора халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари эмас) иштирок этган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни мувофиқлаштириб туради.

Халқаро ҳуқуқ муайян йўл билан давлат ички ҳуқуки билан муносабатга киришади. Бир тарафдан у ички ҳуқуқка аралашмаса ҳам, иккинчи тарафдан — ундан шу маънода устунки, яъни миллий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқка зид келиши мумкин эмас, шунингдек уни яратаетган давлатлар розилиги билан унинг меъёрлари тўғридан-тўғри, бевосита уларнинг худудида амал қилиши мумкин, ёки, бу кўпроқ учраб турадиган ҳол, билвосита (трансформация деб аталадиган) амал қилиш йўли, яъни улар ички қонунларга киритилиб, инкорпорацияланади (ушбу жараённинг иккинчи номи — инкорпорация ҳам шундан келиб чиқсан).

Халқаро ҳуқуқ унга қатъий риоя қилишга мажбур бўлган давлатларнинг ташқи сиёсати ва дипломатияси билан узвий муносабатда бўлади. Айни вақтда дипломатия воситачилигига халқаро шартномалар ва улар таркибидаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари ишлаб чиқлади.

## **2. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА СУВЕРЕНИТЕТ**

Суверенитет — сиёсий ҳокимиятни тавсифловчи ҳокимиятга оид тоифадир. Ҳуқуқнинг ушбу соҳаси меъёрлари унинг субъектлари томонидан ўзаро битимлар тузиш йўли билан яратилганлиги сабабли, у халқаро ҳуқуқ учун негиз бўлиб ҳисобланади.

Суверенитет — ҳокимиятнинг устунлиги, хусусан ўз худудидаги устунлиги демакдир. Халқаро ҳуқуқ учун бундай таърифнинг ўзи етарли эмас, чунки айтиб ўтилганидек, унинг муҳити — халқаро муносабатлардан иборат. Демак, халқаро ҳуқуқда суверенитет — халқаро ҳуқуқ субъекти ҳокимиятининг ўз худудида устунликка эга бўлиши ва унинг ташқи муносабатлардаги мустақиллигидир.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари барча соҳада бирдек бўлиши мумкин эмас. Уларнинг ҳар бири ўз худудига, бир-биридан фарқли потенциалли иқтисодиётига, ўзгача аҳолиси ва ҳоказоларга эга. Лекин улар teng суверенитетга эга. Айнан суверенитет tengлиги халқаро ҳуқуқ субъектларининг юридик tengлигини ташкил этади. Мисол учун, бир-бирига умуман ўхшаш бўлмаган Нидерланд ва Ўзбекистон Республикаси юридик жиҳатдан teng ҳуқуқли бўлгани сабабли, уларнинг суверенитети ҳам teng.

Суверен tengхўқуқлилик — ҳуқуқка эга бўлиш ва мажбуриятларни бажаришдаги tengлик, давлатлар халқаро ҳамжамиятида ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг tengлиги, давлатлараро ташкилотларнинг аъзоси сифатидаги tengлик, халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятлар қабул қилишда кўнгиллилик, халқаро ҳуқуқнинг мазкур субъектига тегишли барча ишларда иштирок этиш, бошқа субъектлар билан муносабатларнинг ўзаро манфаатлигидир. Бошқа сўз билан айтганда, суверенитетни абсолютлаштириш мумкин эмас.

Суверенитет моҳияти халқаро сиёсат нуқтаи назаридан баҳоланса, суверен tengлик — халқаро тинчлик ва хавфсизлик гарови эканлиги маълум бўлади. Давлат ва халқлар суверен tengлиги тамойилининг на-

фақат халқаро ҳукуқ соҳасида, балки жаҳон сиёсатида ҳам алоҳида ўрин тутғанлиги ва аҳамиятлилиги ҳам шундан.

Давлат суверенитети, халқ ва миллӣ (этник) суверенитетлар мавжуд. Суверенитет ушбу субъектларининг бир-биридан фарқига кўра уларнинг тарқалиш доираси ҳам давлат ва унинг ҳудудига, халқга, этник миллатга кўра турлича бўлади. Сўнгги икки ҳолда замонавий халқаро ҳукуқнинг асосий тамойилларидан бири — халқлар (миллатлар)нинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили юридик асос бўлиб хизмат қиласди.

Давлат ва халқ суверенитетлари нисбати ҳақида алоҳида айтиб ўтиш керак. Тарихан аввал халқ суверенитети (жамоа тузуми) юзага келди . Аммо тез орада объектив муқаррарлик билан халқ ҳохишини рўёбга чиқариш мақсадида бюрократия механизмини яратиш бошланди. Вакт ўтиши билан у давлат тимсоли бўлиб, бироқ халқдан ажralиб қолган, ўз мақсадини кўзлайдиган аппаратга айланди. Давлат ҳукмронлиги бюрократия механизмининг танҳо ҳукмронлигига айланди ва унга эгалик қилиш учун ҳар жойда турли партиялар ва улар ортидаги кучлар кураш олиб борадилар.

Қатор конституцияларда халқнинг ҳокимият ёки давлат суверенитети манбай эканлиги тўғрисидаги эслатмаларни учратиш мумкин, бироқ ҳақиқатан халқ ҳохишини ифода этган давлат ҳокимиятини, халқ суверенитетига асосланган, уни ҳаққоний акс эттирган давлат суверенитети жаҳонга маълум эмас. Илгаридан мавжуд тарихий адолатсизлик давлат ички ҳукуқида мустаҳкамланиб, қарор топди ва халқаро ҳукукка ҳам ўтди: ўрта асрларда Европада номлаганларидек Халқлар ҳукуки (*jus gentium*), халқаро ҳукуқ бўлишнинг ўрнига давлатлараро ҳукуқ бўлиб яралди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, айнан халқаро ҳукуқ таркибида нафакат ана шу уч турдаги суверенитет мавжудлигидан келиб чиқадиган, балки уларни ҳимоя ҳам қиласди меъёр ва тамойиллар мавжудлигини таъкидлаш лозим.

### 3. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

Ушбу атама 1990 йил 20 июнида Ўзбекистон суверенитети түғрисидаги Декларация қабул қилинганидан, айниқса республика 1992 йилнинг 2 марта БМТга қабул қилинганидан сўнг маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг тарқалди. Ҳўш, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон республикаси — халқаро ҳуқуқ субъектими? Албатта, Нима сабабдан?

Умуман олганда, ҳуқуқ субъекти — ҳуқуқ ва мажбуриятлар әгасидир. Халқаро ҳуқуқда, унинг миллий ҳукуқдан фарқига кўра, субъект тушуннаси бирмунча ўзгача изохланади. Бунда ҳуқуқ субъектларини ҳуқуққа лаёқатли, яъни қонунга кўра ҳуқуққа эга бўлиши мумкин бўлганлар ва фаолиятга лаёқатли, яъни мажбуриятларга эга бўлиб, уларни бажара оладиганларга ажратиш мумкин эмас. Биринчидан, халқаро ҳуқуқда бундай търиф унинг субъектлари орасидаги ҳукукий тенгсизлик: фактат ҳуқуққа лаёқатли бўлганлар ҳамда ҳуқуққа ва фаолиятга лаёқатли субъектлар мавжудлигини эътироф этишни билдирадар эди. Бундай бўлиши эса мумкин эмас, чунки халқаро ҳуқуқ ўз субъектларининг суверен тенглигига асосланган. Иккинчидан, халқаро ҳуқуқда фаолиятга лаёқатсиз бўлиш мумкин эмас. Чунки, унинг ўзи фактат фаолиятга лаёқатли, яъни ҳуқуқнинг ушбу соҳаси меъэрларини рўёбга чиқара оладиган субъектлар томонидан яратилади. Бирок, энг асосийси, халқаро ҳуқуқ соҳасида нафакат мажбуриятга эга бўлиб, уларни бажара олувчилар, балки ўзгалар билан битимларда ўзи учун мажбуриятлар яратадар олишга сўзсиз қодир бўлганлар ҳам ҳуқуқ субъекти ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг уч тури мавжуд. Улардан асосийси — давлат. У суверенитетга хос бўлган барча ҳуқукларга эга, шунинг учун тўла ҳажмда ҳуқуқ субъектидир.

**Халқаро ҳукуматлааро ташкилотлар (ХХТ)** халқаро ҳуқуқнинг иккинчи субъекти ҳисобланади. Улар давлатлар томонидан яратилиб, улар ўзлари иштирок

этайтган ХХТ учун биргаликда устав-шартнома ишлаб чиқадилар.

Мазкур уставларда ҳар бир ташкилот ваколатининг хажми кўрсатиб ўтилади. Жумладан, унинг халқаро фаолиятга лаёқатлилик ҳажми ҳам белгиланади. Яъни ХХТ муассис-давлатлар унга берган мөъёрдагина халқаро хукуқ субъекти бўла олади. Шунинг учун халқаро хукуқ субъектларининг мазкур тоифасини иккиласмчи субъектлар деб аташ қабул қилинган.

Ниҳоят, учинчи тоифани **халқлар** ташкил этади. Ҳар бир халқ халқаро хукукка кўра қатор хукуқларга ва табиийки, мажбуриятларга эга. Халқнинг халқаро хукуқ субъекти эканлиги асосини унинг ўзга халқлар билан тенглиларидан бири — ўз тақдирини ўзи белгилашдек ажралмас хукуки ташкил этади. Ҳар бир халқ, шубҳасиз, мазкур тамойил чегарасида, халқаро хукуқ субъекти бўлади. Шу билан бирга у ушбу хукукини амалга ошира бориб, ўз давлатини яратган ҳолдагина субъект бўлиб қолмайди, балки халқ ўз тақдирини белгилаш йўлида — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий максадларда фойдаланган ҳолда ҳам субъект сифатида иштирок этади.

Дунёда инсон хукуқларини ҳимоя қилиш кучайиб бораётган шароитда **шахс-индивидуиднинг** халқаро хукуқ субъекти эканлиги тўғрисидаги масала тобора кўпроқ муҳокама қилинмокда. Бу хусусда адабиётларда ягона фикр йўқ. Бироқ халқаро хукукда шахс (индивидуид) факат хукуқагина, шунда ҳам муайян даражада лаёқатлидир, яъни у ёки бу хукуқларга эга. Энг асосийси, у фаолиятга лаёқатли эмас, яъни халқаро шартномалар тузиб, ўзи учун мажбуриятлар яратса олмайди. Жаҳондаги шахслар муайян ҳажмдаги ўз мажбуриятларини улар халқаро хукуқ субъекти бўлганликлари учун эмас, балки уларнинг давлатлари тегишли халқаро шартномалар имзолаганлари ва уларга риоя қилиб, ўзлари ва фуқаролари учун хукуқ билан бир қаторда мажбуриятлар ҳам яратганлари туфайли олганлар, холос.

## **4. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ**

Ҳуқуқшунослик соҳасида ҳуқуқ манбаи тушунчasi ҳуқуқнинг у ёки бу меъёрини белгилаш, аниқлаш имконини берадиган барча нарсаларни англатади. Улар оз эмас ва ҳар бирини аҳамиятига кўра муайян тартибда жойлаштириш мумкин.

Миллий ҳукуқда қонун қабул қилувчи томонидан қабул қилинадиган қонун ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Маълумки, халқаро ҳукуқда қонун қабул қилувчи ва халқаро ҳукуқ субъектларини бажаришга мажбур қила-диган бўлмайди. Бунда субъектлар шартномалар яратиш йўли билан ўзларини масъул этадилар ва ҳукуқ яратадилар.

Шундай қилиб халқаро ҳукуқнинг асосий манбаи — **халқаро шартномалардир**. Улар турлича номланиши мумкин: шартнома, конвенция, пакт, битим. Муҳими, улар ўзларини бажаришга қабул қилган томонлар учун мажбуриятлар яратади. Замонавий шартномалар орасида энг обрўлиси — бу, шубҳасиз, 1945 йилда Сан-Франциско шаҳрида (АҚШ) имзоланган БМТ Устави бўлиб, унинг иштирокчилари таркибиغا жаҳоннинг амалда барча давлатлари киради.

Ҳозирга келиб, дунёда кўплаб халқаро шартномалар амал қилмоқда. Улардан энг муҳимларининг аксарияти БМТ Котибиятида рўйхатга олинади ва Нью-Йоркда кўп томли «Шартномалар мажмуи»да нашр этилади.

**Халқаро таомиллар** аҳамиятига кўра халқаро ҳукуқнинг иккинчи манбаи ҳисобланади. Ушбу тушунча остида халқаро ҳукуқ субъектларининг ўхшаш шароитларда кўп маротаба ва узоқ вақт такрорланиб келган ҳамда улар томонидан мажбурий одат сифатида қабул қилинган ўзини бир маромда тутиши тушунилади. Таомилнинг халқаро ҳукуқ манбаи сифатидаги нокулайлиги унинг мунозарали ҳолларда турлича талқин қилиниши мумкинлигидадир. Шу сабабдан халқаро давлат-

лар ҳамжамияти XX аср ўрталаридан бошлаб таомиларни тобора фаолроқ умумлаштириш ва ёзма баён этишга ўтиб, халқаро шартномаларда аниқ ва тушунарли шаклда қайд этиш билан уларни конвенцион, шартномавий меъёрларга айлантирмоқдалар.

**Халқаро судлар ва ҳакамликларнинг, шунингдек миллий суд ва ҳакамликларнинг халқаро тусга эга бўлган ишлар юзасидан чиқарган қарорлари,** яъни ажрим обьекти чет эллик ёки томонлардан бири чет эллик шахс бўлган шароитдаги қарорлари халқаро хукуқнинг яна бир манбай бўлади. Мазкур манба собиқ социалистик давлатлардан ташқари барча мамлакатларда кўпдан бери кенг кўламда кўлланилмоқда. Бунинг сабаби — ана шу давлатларда судларнинг хукуқни ҳимоялаш, қонунни талқин этиш ва уни қўллаш механизмидан жазолаш куролига айлантирилганлигидадир.

**Халқаро хукуматлараро ташкилотларнинг мажбурий, баъзан энг муҳим тавсия резолюциялари ҳам халқаро хукуқнинг яна бир манбай ҳисобланади.** (Масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича резолюцияси ёки БМТ Бош Ассамблеясининг 1960 йилги мустамлакачиликни тугатиш тўғрисидаги Декларацияси).

**Атоқли олимлар ва сиёsatчилар, жаҳонда ушбу соҳа таникли арбобларининг фикрлари, қарашлари ва доктриналари халқаро хукуқнинг қўшимча манбай бўлиши мумкин.**

Сўнгги вактда амалиёт ва адабиётларда халқаро хукуқ манбаларига нисбатан қатъий ҳамда **юмшоқ хукуқ** тушунчалари кўп кўлланилмоқда. Биринчи ҳолда гап халқаро шартномалар ва халқаро хукуматлараро ташкилотларнинг мажбурий қарорлари ҳақида бораётган бўлса, иккинчисида ушбу ташкилотларнинг тавсия туридаги резолюциялари ҳам назарда тутилади.

## **5. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ЭЪТИРОФ ЭТИШ**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вақти-вақти билан республиканинг халқаро миқёсда эътироф этилиши тўғрисидаги хабарларни чоп этади. Бундай эътироф этишлар бугунги кунда 150 дан ортиқ, Ҳўш, халқаро миқёсда эътироф этишнинг ўзи нима?

Халқаро ҳуқуқда обьектига кўра эътироф этишни куйидагича фарқлайдилар: халқаро ҳуқуқнинг янги субъектини эътироф этиш, ҳукуматни эътироф этиш ва кўзғолон кўтарган ёки урушаётган тараф томонидан эътироф этилиш. Ўзбекистонни эътироф этиш ҳақида сўз боргандга у халқаро ҳуқуқнинг янги субъектини эътироф этиш тўғрисида боряпти, деб айтиш мумкин.

Эътироф этиш — аввало сиёсий акт бўлиб, у эътироф этувчининг эътироф этилаётганга нисбатан муносабатини акс эттиради. Халқаро ҳуқуқнинг янги субъектини эътироф этишда ушбу субъект янгидан яратilmайди. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ эътироф этилиш-етилмасликдан қатъи назар у субъектлигини саклаб қолади. Шу билан бирга эътироф этиш халқаро ҳуқуқ янги субъектининг халқаро ҳукукий муносабатлари доирасини кенгайтиради, яъни унинг ушбу мавқеи обрў-эътиборининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Эътироф этишга халқаро ҳуқуқ бўйича мажбурият сифатида қаралмагани каби, унинг йўқлигини муносабатлардаги қоидабузарлик ёки нодўстона ҳаракатсизлик деб қараш мумкин эмас. Эътироф этиш ёки эътироф этмаслик халқаро ҳуқуқ янги субъектининг пайдо бўлишига сиёсий муносабат билдиришни англатади, холос. Халқаро ҳуқуқ янги субъектининг халқаро муносабатлари тўлақонли бўлиши учун уни давлатлар халқаро ҳамжамиятининг барча иштирокчилари эътироф этиши асло шарт эмас.

Халқаро ҳуқуқда эътироф этишнинг уч турини фарқлайдилар.

**а) Ad hoc (ад хок)** ёки амалда эътироф этиш —

янги ҳокимият билан бирон-бир муайян соҳа (савдо, ўз фуқароларини муҳофаза қилиш, табиий оғат юз берганида кўмак бериш ва ҳоказо)да норасмий муносабатларга киришиш;

**б) Де-факто** эътироф этиш — расмий, бироқ ҳалқаро ҳуқуқнинг янги субъекти билан тўла ҳажмли, биринчи навбатда сиёсий соҳадаги муносабатларни ўрнатмай туриб, эътироф этиш. Расмий бўла туриб, эътироф этишнинг мазкур тури ошкора ёки бир томонлама акт (нота, баёнот) ёхуд икки томонлама битим (баённома,nota алмашиш) билан ифодаланади;

**в) Де-юре** эътироф этиш — тўлиқ расмий эътироф этиш, яъни ҳалқаро ҳуқуқнинг янги субъекти билан сиёсий (дипломатик), иқтисодий ва ўзга муносабатларга киришиш. Бу каби (де-юре) эътироф этиш тарафлар зудлик билан дипломатик муносабатларни ўрнатади ва расмий (дипломатик) ваколатхоналар билан алмашинади, деган фикрни англатмайди. Эътироф этиш ҳамда дипломатик муносабатларни ўрнатиш ва дипваколатхоналар билан алмашиниш ўртасида муайян, баъзан эса анча вакт ўтади.

Дю-юре эътироф этиш ҳалқаро ҳуқуқнинг янги субъекти сифатида эътироф этилган давлатнинг уни тўла ҳажмда эътироф этган томон билан ҳуқуқий муносабатларга киришишини келтириб чиқаради.

Эътироф этиш ҳар иккала тараф учун ҳам қатор мажбуриятлар келиб чиқиши билан боғлиқ. Эътироф этилган тараф ҳалқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига (б-моддага қаралсин) қатъий риоя қилиш мажбуриятини олади. Эътироф этувчи худди ана шу тамойилларни эътироф этилаётганга нисбатан риоя қилиш, эътироф этилган ҳалқаро ҳуқуқ субъектининг қонунларини хурмат қилиш (шунингдек эътироф этилувчи ҳам унга нисбатан шундай қилади), эътироф этилган давлатни ўз судларида ҳимоя қилиш ва ҳоказо мажбуриятларни олади.

Тарихдан бир-бирини эътироф этмаган давлатлар биргаликда ҳалқаро анжуманларда иштирок этганлиги ёки муайян ҳукуматлараро ташкилотларнинг аъзоси бўлганлиги ҳакида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

## **6. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари (ё императив, *jus cogens*) (юс когенс) ёки умумий тан олинган) унинг асосини ташкил қилиши билан, кимларнингдир уларни маҳсус эътироф этишига мухтож эмас. Халқаро субъектнинг ҳар қандай субъекти, у асосий тамойилларни эътироф этганини билдирган ёки билдиримаганлигидан қатъи назар, уларга риоя қилишга мажбур. Унинг халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан эътироф этилиши ва давлатлар халқаро ҳамжамиятига киришининг ўзи ҳам у бундан буён асосий тамойилларга риоя қилиши шартлигини билдиради ва бу халқаро ҳуқуқ субъектининг халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши шарти ва ўзига хос хусусиятидир.

Асосий тамойилларнинг мажбурий тусга эгалиги давлат уларга нафакат ўзининг ташки сиёсатида, халқаро ҳуқуқнинг ўзга субъектлари билан муносабатларида қатъий риоя қилиши, балки ички қонунларини ҳам уларга сўзсиз мутаносиблаштириши лозимлигини билдиради.

Асосий тамойиллардан баъзилари қадимдан мавжуд бўлиб, халқаро ҳуқуқ шулардан бошланган. Бироқ уларнинг бари факат 1945 йилга келибгина БМТ Уставида таърифланди ва асосий тамойиллар сифатида ёзиб қўйилди, шундан кейин кодланиб системалаштирилди ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1970 йилда бир овоздан (консенсус билан) қабул қилинган «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка доир халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда» келишган ҳолда талқин этилган эди.

Шу сабабли, одатда, давлатларнинг айнан БМТга аъзо бўлиши уларнинг асосий тамойилларга бўйсунишга розилигини тасдиқлайди. Мисол учун, республикамиз халқаро ҳуқуқка содиклиги тўғрисида якка тартибда 1990 йилнинг 20 июнидаги Суверенитет тўғрисидаги декларацияда маълум қилганлигига қарамай, 1992

йилнинг 2 марта мазкур бутунжакон ташкилотига қабул қилинганидан сўнггина ушбу тамойиллар Ўзбекистон Республикаси учун расман мажбурий тус олди.

Асосий тамойиллар нафақат давлатлар, балки халқаро хукуқнинг бошқа субъектлари учун ҳам мажбурийдир. Ички хукуқ билан бир қаторда уларга халқаро хукуматлараро ташкилотларнинг ташқи фаолияти ҳам бўйсунади. Халқаро хукуқ субъекти бўлган барча халқлар ҳам уларга риоя қилиши шарт. Бироқ асосий тамойиллар фақат халқаро хукуқ субъектлари учунгина муҳим эмас. Улар барча халқаро муносабатлар учун, яъни халқаро миқёсда фаолият юритадиган халқаро ноҳукумат ташкилотлар, ҳам давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари хатти-ҳаракатлари учун умумий хукукий доираларни белгилаб беради.

1969 йилги Халқаро шартномалар хукуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 53-моддасига мувофиқ асосий тамойиллардан исталган бири фақат янгисини белгилаш орқали ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

БМТ Устави ва халқаро хукуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда етти асосий тамойил қайд этилган бўлиб, улар:

- халқаро муносабатларда куч ишлатиш билан таҳдид солиш ёки уни қўллашдан воз кечиш;
- халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- БМТ Уставига мувофиқ ўзга давлатлар билан ҳамкорлик қилиш;
- давлатлар суверенитетини ҳурмат қилиш;
- халқларнинг тенг хукуклилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши;
- давлатларнинг БМТ Уставига мувофиқ равишда қабул қилинган ўз зиммасидаги мажбуриятларни вижданан адо этиши.

БМТ Устави ва Халқаро тамойиллар тўғрисидаги декларация қабул қилинганидан сўнг анча йил ўтди.

Нихоят, 1966 йилги Инсон ҳуқуқлари түғрисидаги пакт кучга кирганилигидан сўнг ушбу рўйхатга яна бир тамойил — инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили кўшилди.

## 7. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИК

Халқаро ҳуқуқ янги субъектларининг пайдо бўлиши ва эски субъектларнинг барҳам топиши доимо ҳудуд, халқаро шартномалар, давлат мулки, давлат қарзлари ва активлари, давлат архивлари, шунингдек халқаро ташкилотларда аъзоликка оид қатор муҳим масалалар юзасидан улар ўртасидаги муносабатларда муайян муаммолар юзага келтирган ва келтирмоқда.

Ҳуқуқий ворислик муаммолари 1949 йилдаёқ БМТ Халқаро ҳуқуқ комиссиясининг кун тартибига киритилган эди. Ҳозирги вақтда давлатларнинг ҳуқуқий ворислик масалалари кодлаштирилган ва икки халқаро конвенцияда: 1978 йилги халқаро шартномаларга нисбатан давлатлар ҳуқуқий ворислиги түғрисидаги Вена конвенциясида ва 1983 йилги давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига нисбатан давлатлар ҳуқуқий ворислиги түғрисидаги Вена конвенциясида ўз аксими топди. Бироқ ушбу конвенциялар ҳозирга қадар кучга кирган эмас.

Уларнинг мазмунига келганда, ҳар иккала конвенция «давлатлар ҳуқуқий ворислиги» тушунчасини бир хил талқин этади, яъни у бирор бир ҳудуднинг халқаро муносабатлари учун масъул бўлишда бир давлатнинг ўрнини иккинчи давлат эгаллашини англаради.

Давлатларнинг сўнгги йиллардаги тажрибаси кўрсатишича, ҳуқуқий ворислик муаммолари икки ёки ундан кўпроқ манфаатдор давлатларнинг маҳсус битимлари ёрдамида ҳал қилинади. Мисол тариқасида давлатлар ҳуқуқий ворислиги түғрисидаги муаммолардан маҳсус битимлар орқали ечимини топганларини келтиришимиз мумкин: собиқ СССР (давлатнинг пар-

чаланиши), ГДР ва ГФР (давлатлар бирлашуви), Чехия ва Словакия (давлатнинг бўлиниши).

Қатор тадқиқотчиларнинг қайд этишича, Вена конвенцияси давлатлар ҳуқуқий ворислиги масаласида обрўли ҳуқуқий манба сифатида қаралиши мумкин эмас, бироқ шунга қарамай энг зиддиятли моддаларидан (масалан, мустамлакачиликдан озод бўлишда давлатлар ҳуқуқий ворислиги) ташқари, унинг баъзи моддалари бўлажак музокаралар жараёнида қўлланиши мумкин бўлар эди.

Шундай қилиб, 1978 ва 1983 йилги Вена конвенцияларини қўллашга келсак, улар ҳозирча давлатлар ҳуқуқий ворислигига барча учун мажбурий андоза бўлиб қолмаганлигига қарамай, давлатлар ўз амалиётида уларнинг моддаларига тобора кўпроқ мурожаат қилиб, сўнг икки ва кўп тарафлама битимларда ўз аксини топаётган ижобий жиҳатларини таъкидламоқдалар.

Шу вақтнинг ўзида халқаро ҳуқук субъектлари ўз муаммоларини одатий ҳуқуқка асосланиб, томонларнинг ўзаро келишувига биноан ҳам ҳал қилаётганликларини қайд этиш лозим, чунки айниқса давлатлар ҳуқуқий ворислигига оид масалаларда барча нарсани олдиндан кўра билишнинг иложи йўқ. Ҳар бир вазиятда алоҳида, шахсий ёндашув талаб этилади.

Масалан, Н.В.Захарованинг фикрига кўра, давлатлар ҳуқуқий ворислиги янги давлат юзага келганда, халқаро шартнома ваколатининг мақоми ўзгарганда, давлат ўз халқаро субъектлилигини сакламай бошқа давлат таркибиға кирганида, шунингдек бир давлат худудининг бир қисми иккинчисига ўтганида рўй беради.

Ҳар бир тарихий даврга ўша давр қонун ва одатларида ҳукм сурган ҳуқуқий ворислик ва унинг жиҳатлари тушунчаси мос келишини қайд этиш мухим кўринади. Мисол учун Ю.Г.Барсегов О'Коннелнинг фундаментал асарига ёзган сўз бошисида ёзганидек, илгари ҳуқуқий ворислик масаласи кўп ҳолларда аннексия, дебелляция, босиб олиш ёки ҳудудларни куч билан босиб олиши яшириш мақсадидаги цессияга боғлиқ равишда

юзага келган бўлса, эндиликда, О'Коннеллинг айтишича «мустамлака районларининг ажралиб чиқиши ёки босиб олинган худудларнинг тўлиқ озодликка чиқиши билан боғлиқ равишда хукуқ ўтиши давлатлар хукукий ворислигининг энг кенг тарқалган шакли бўлиб ҳисобланади».

Мазкур ёндашув урушдан кейинги даврда бирмунча тарақкий этганини айтиб ўтиш лозим. Кейинги йиллар тадқиқотларида ўз ечимини кутаётган муаммолар сирасига қуйидаги масалалар кириши қайд этилган: халқаро шартномалар соҳасида, хорижий фуқароларнинг мулкка бўлган концессион хукуқлари, мамлакатнинг табиий бойлик ва ресурсларига хукуқ ва халқаро хукуқнинг баъзи бошқа соҳаларида, айниқса, халқаро қарзлар ва хукукий ворис бўлган давлатнинг ички ваколатлари доирасидан ташқарига чиқсан муаммолар юзасидан хукукий ворислик.

Шу билан боғлиқ равишда, дейди Д.И.Бараташвили, мустамлакачилик чангалидан озод бўлган янги мустақил мамлакатлар эга бўлаётган хукуқларнинг аксарияти хукукий ворислик туфайли ўз зиммасига мажбуриятлар олиш натижаси эмас, балки уларнинг халқаро хукуқ субъекти эканлиги ва ворислик хукуқини олган давлатнинг қонуний хукуқ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда уларга эга бўлиш натижасидир.

Г.В.Игнатенко хукукий ворисликни суверен бир томонлама ёки бошқа давлат билан келишилган ҳолда хукукий ворис бўлган давлат томонидан хукуқини топширган давлатнинг индивидуал хукуқ ва мажбуриятларини қабул қилиш акти деб талқин этади.

Бундан ташқари, халқаро хукуқда **тўлиқ хукукий ворислик ва қисман хукукий ворисликни** фарқлаш лозим. Жамиятнинг юридик шахси тўлиқ тугатилган бўлса, у ҳолда давлатларнинг тўлиқ хукукий ворислиги юз берди деб ҳисобланади. Факат маълум худуд йўқотилган, шу вақтнинг ўзида давлат шахси ва юридик масъулияти ўзгармай қолганида, бу қисман хукукий ворислик деб таърифланади.

## **8. ХУДУД ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МУАММОСИ**

Халқаро ҳуқуқда худуд муаммоси пайдо бўлган ва яшаб келмоқда, чунки на давлат, на халқ халқаро ҳуқуқнинг субъектлари сифатида усиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Халқаро ҳуқуқда худуд — давлат (халқ) ҳокимлигининг энг юқори нуқтаси, яъни халқаро ҳуқуқ мазкур субъектининг ҳокимиияти устунлигининг энг юқори чегараси. Ана шу, «ички» маънода — унинг суверенитети чегарасини англатувчи чегарадир. Мазкур худудда унда қонуний равишда жойлашган халқаро ҳуқуқ субъектидан бошқа ҳеч ким устунлик қила олмайди.

Халқаро ҳуқуққа биноан ҳудуд: **куруқликдан** — қитъа қисми, ороллар ва анклавлар, яъни мазкур халқаро ҳуқуқ субъектининг бошқа субъектлар ҳуқуки билан куршаб олинган ҳудудининг муайян қисми, **сув майдони** ёки акваториядан — дарё ва каналлар, кўл ва сув омборлари, ички дengizлар ва дengiz кўрфазлари (бир сўз билан айтганда — ички сув ҳудуди) ва ҳудудий дengиз (ташқи сув ҳудуди), **ер остидан** — Ернинг ўз ядросига қараб кетган ва ҳудуднинг куруқликдаги ва сув чегараларини такрорлайдиган қисми, **ҳаво маконидан** — юқорида космик бўшлиқ билан, чеккаларида эса ушбу давлатнинг куруқликдаги сув чегараларини такрорлаган периметр билан чекланган ҳудуддан иборат бўлади.

Ҳудуднинг давлатнинг ҳуқуқ субъекти сифатидаги ҳокимлиги чегараси тушунчасига шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудуд таркибий қисмларининг чегарасидан ташқарида бўлган унинг мулки: космик, ҳаво, дengиз, сув ости ва сув туби иншоотлари ва кемалари ҳам киради. Уларни баъзан **шартли ҳудуд** деб атайдилар.

Ҳозирда дengиз бўйи давлатига оид дengиз маконлари, ҳамон асрлар давомида юзага келган икки асосий қисмга бўлинади. — **ҳудудий дengиз** (эни 12 дengиз милясидан ортиқ бўлмайди) ва **очик дengиз**. Уларнинг бир-биридан туб фарқи шундаки, биринчиси мазкур давлат ҳудудининг ажралмас қисмини ташкил этса, ик-

кинчиси — бирон-бир алохига давлатнинг суверенитетига бўйсунмайди, умум мулки бўлиб барчанинг фойдаланишида бўлади. Бироқ XX асрга келиб денгизнинг ушбу икки қисми чегарасида янги тузилмалар пайдо бўлди: **минтақавий шельф ва иқтисодий зона**. Шельф — худудий денгизнинг қитъа сув ости чегараларига қадар (одатда 200 милгача) жойлашган денгиз туби ва ундаги бойликлари. Иқтисодий зона — яқин атрофдаги очик денгизнинг — худудий денгиз чегарасидан ташқарида 200 миляга қадар бўлган сув қисми. Шельф ва зона яқинида жойлашган давлатнинг суверенитети эмас, балки фойдаланишида устунлик ҳукуки таъсир қилиб, бу эса шельф ҳамда зонадан бошқаларнинг фойдаланиши учун унинг рухсатини олиш лозимлигини назарда тутади.

Замонавий халқаро ҳукуққа биноан ҳудудни куч ёрдамида босиб олиш тақиқланади. Ҳудудни истило этиш ҳукуққа зиддир. Ҳудудий низоларни ҳал қилиш мақсадида куч ишлатиш ёки у билан таҳдид солишга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳудудни бирорга бериш (цессия) фақат тенг ҳукуқли музокаралар асосидагина амалга оширилиши мумкин.

Бунда ҳудудий муаммоларни ҳал қилишнинг олий тамойили — халқларнинг тенг ҳукуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши — халқаро ҳукуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб келади. У мазкур ҳудудда яшовчи халқлар ҳоҳиш-иродасини синчиклаб аниқлашни назарда тутади. Бунинг учун халқ сўрови (плебисцит) ёки бутун халқ овоз бериши (референдум) энг мақбул услуг ҳисобланади.

## 9. ХАЛҚАРО ШАРТНОМА

Халқаро ҳукуқда халқаро шартноманинг роли бекиёс. Бу эса халқаро ҳукуқни яратиш ва унинг амал қилиши учун ўта муҳим бўлган бир неча шартларга боғлиқ. Биринчидан, халқаро шартномалар тузиш имконияти, яъни ўзи учун ҳукуқ ва мажбуриятлар яратиш, — халқаро ҳукуқ субъектининг энг муҳим белгисидир. Иккин-

чидан, халқаро шартномасиз халқаро ҳуқуқнинг ҳам мавжуд бўлиши мумкин эмас, чунки у халқаро шартномалар тузатган ва шу билан уни барпо этаётган унинг ўз субъектлари томонидан яратилади. Нихоят, юқорида айтиб ўтилганидек, халқаро шартнома аҳамиятига кўра халқаро ҳуқуқнинг асосий юридик манбаи саналади.

**Халқаро шартнома** — халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, бажариш, ўзгартириш ёки тўхтатишга оид аниқ, яққол ифодаланган битим эканлиги тан олинган. Бугунги кунда амалда давлатлар орасидаги у ёки бу аҳамиятга эга муносабатлар шартнома орқали расмийлаштирилмоқда. Халқаро шартноманинг улкан сиёсий аҳамияти ҳам ана шундан иборат.

Бироқ уларни тайёрлаш баъзан йиллаб вақт талаб қиласди, чунки барча томонларини ўлчаб, қайта текшириб, томонларнинг мажбуриятларини кўп йилларга белгилаб берадиган шартнома моддаларини юридик жиҳатдан аниқ (баъзан ижтимоий жиҳатдан мавхум) ифодалаш зарур. Шу сабабдан, халқаро ҳуқуқ субъектлари учун шартнома тузишдан кўра қўшма ахборотлар имзолаш ёки қўшма декларациялар қабул қилиш, яъни юридик мажбурий кучга эга бўлмаган ҳужжатлар қабул қилиш осонроқ.

Халқаро ҳуқуқнинг янги субъектлари, масалан Ўзбекистон Республикаси учун халқаро шартномалар алоҳида юридик ва сиёсий аҳамиятга эга. Унинг давлатлар халқаро ҳамжамиятига кириб бориши собиқ СССРга нисбатан ҳуқукий ворислик ва, шунингдек, халқаро миқёсдаги ўз обрўсини мустаҳкамлаш ва бошқариш учун зарур бўланган ўзининг янги халқаро шартномаларига «эга бўлиши» билан боғлиқ. Ушбу жараён бошланди ҳам. Аммо, ҳозирча иккинчи қатламда ва факат МДҲ доирасидагина муайян натижаларга эришилди.

Халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш, имзолаш, амалга киритиш, уларнинг кучини тўхтатиш ва ҳоказоларнинг ҳуқукий жиҳатларини белгилаб турувчи меъёrlар минг йиллар давомида халқаро таомиллар соҳасига оид бўлиб келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин-

гина уларни БМТ тизимида ёзма равишда мустаҳкам-лаб олишга эришилди: 1969 йили халқаро шартномалар хукуқи тұғрисидаги Вена конвенцияси имзоланды. У бугунги кунда давлатлар билан халқаро ташкилотлар үртасидаги ёки халқаро ташкилотлар үртасидаги шартнома хукуқи тұғрисидаги 1986 йилги Вена конвенцияси билан биргаликда халқаро хукуқнинг асосий манбай бўлиб келмоқда.

Ана шу туфайли XX субъектлари учун қўшма ахборот имзолаш ёки қўшма декларациялар қабул қилиш, яъни юридик мажбурий кучга эга бўлмаган ҳужжатлар қабул қилиш осонроқ эканлигини ҳам тушунса бўлади.

Халқаро шартнома турлича номланиши мумкин: конвенция, пакт, битим ва ҳоказо.

Сиёсий жиҳатдан муҳим шартномалар, одатда, кучга киришнинг алоҳида тартибини кўзда тутади: қонун қабул қилувчи орган томонидан тасдиқлаш (ратификация) ва ратификация ёрлиқлари билан алмашинув. Кўп томонлама халқаро шартномалар учун бу — депонентлаш, бу каби ёрлиқларни шартлашилган давлатга — депозитарийга топширишдан иборат. Икки томонлама халқаро шартномалар бўйича ратификация ёрлиқлари билан шартнома имзоланган эмас, балки бошқа давлат пойтахтида ўзаро алмашинадилар(масалан, Москвада 1992 йилнинг 30 майида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон үртасида давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тұғрисидаги Битим юзасидан ратификация ёрлиқлари Тошкентда алмашинди). Томонлар суверен тенглиги ҳам айнан ана шундадир .

Халқаро хукуқ, хусусан 1969 йилги Вена конвенцияси халқаро шартнома ноқонуний деб топилиши мумкин бўлган қуйидаги бир қатор асосларни ўз ичига олган: халқаро хукуқнинг асосий тамойилларига зид келиши, шартнома тузишга мажбурлаш, алдов, пора, давлатлар ички қонунларига аралашиш, имзолаган тарафларнинг ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетиши, халқаро шартномада хатога йўл қўйиш. Оқибатда: ё халқаро шартнома аввалбошдан амал қилмайди(яъни гўё мав-

жуд бўлмаган), ёки баҳслашилаётган пайтдан бошлаб амал қилмайди ёхуд унга доир содир этилган нарса тикланади (бартараф этилади) ёки буларнинг ҳаммаси биргаликда амалга оширилади ва ҳ.к.

Халқаро шартнома ўз ичига олган, шартлашилган шартлар, ёки ўзгача шартларга кўра, хусусан: субъектлардан бирининг йўқ бўлиши, улар ўртасидаги уруш ва ҳоказолар натижасида амал қилишини тўхтатади.

## **10. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ**

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон халқаро ташкилотларга аъзо бўла бошлади. Ҳозирда у БМТ, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (Измир шартномаси) ва қатор бошқа халқаро ташкилотларнинг аъзосидир.

Хўш, халқаро ташкилотларнинг ўзи нима? Халқаро ҳукуқда бир мунча аниқ айтиб ўтилишича: у ўз ичига халқаро ташкилотлардан ташқари «халқаро ҳаракатлар»ни ҳам олган «халқаро бирлашмалар» тушунчасининг бир қисмидир. Вазифа ва ваколатларининг бир давлат чегарасига нисбатан кенгроқ маконни қамраб олиши шу каби бирлашмалар учун умумий мезондир. Улар давлатлараро ва жамоат бирлашмаларига бўлинниб, халқаро ҳукуқ меъёрларига риоя қиласидар. Биринчилари замонавий халқаро ҳукуқнинг бош субъектлари — давлатлар томонидан яратилганлиги туфайли сўзсиз меъёр яратиш вазифасини бажариш ҳукукига эгадирлар. Улар, ўз навбатида ташкилотлар ва ҳаракатларга ажralадилар. Иккинчи гурӯҳга мисол қилиб, Кўшилмаслик ҳаракати, 77-гурӯҳ ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

БМТ терминологиясида давлатларааро ташкилотлар «халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар» (ХХТ) деб номланади. ХХТнинг давлатларааро ҳаракатлардан фарқи нимада? Улар халқаро шартнома-устав асосида яратилиши, доимий қароргоҳига эгалиги, халқаро фуқаролик хизмати деб номланадиган ўз штатини ёллаши ва тутиб туриши, одатда аъзо-давлатларнинг келишилган ба-

даллар шкаласи асосида шакллантириладиган бюджетига әгалиги, халқаро ҳукуқ субъекти эканлиги, яғни ўз ваколатлари доирасида халқаро шартномалар тузиши ва ўзи учун ҳукуқ ва мажбуриятлар яратиши билан фарқ қиласи.

Хозирга келиб дунёда кўп сонли халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар ягона таснифга бўйсунмайди. Худудий таснифига кўра улар — универсал ва минтақавий (мисол учун: юқорида келтирилган БМТ ва ИХТ), иштирокчилари сонига кўра — кўп томонлама ва икки томонлама (МДҲ иштирокчилари ўртасидаги Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома), ваколатларига кўра (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТ), фаолияти доирасига кўра — сиёсий, иқтисодий ва бошқаларга (Ислом Конференцияси Ташкилоти ва ИХТ), аъзолик турига кўра — очиқ ва ёпиқ турдагиларга ва ҳоказоларга бўлинади.

ХХТ ҳамда унинг мансабдор шахслари дипломатик соҳадагига тенглаштирилган имтиёз ва иммунитетдан фойдаланадилар.

ХХТларнинг халқаро ҳукуқ учун алоҳида аҳамияти шундан иборат бўлдики, ўрушдан кейинги даврда улар уставида маҳсус кўзда тутилган ҳукуқий механизмга эга бўлиб, ўз аъзолари ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш воситаси бўлиб қолди. Улар доирасида кўп томонлама конвенцияларни имзолашда ўз аксими топаётган иштирокчи-давлатларнинг биргаликдаги халқаро-ҳукуқий позициялари ишлаб чиқилаётганлигининг аҳамияти ҳам жуда катта.

XX аср ўрталарига келиб ХХТлар сиёсий ва халқаро ҳукуқий ролининг жадал ўсиши ХХТлар билан боғлиқ масалаларни умумлаштириб белгилаб борувчи халқаро ҳукуқнинг кўп томонлама маҳсус манбаларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарди. Ана шу тарзда давлатларнинг универсал тусдаги халқаро ташкилотлар билан муносабатлардаги вакиллиги тўғрисидағи 1975 йилги Вена конвенцияси, давлатлар ва халқаро ташкилотлар орасида ёки халқаро ташкилотлар ўрта-

сида шартнома хуқуқи түгристидаги 1986 йилги Вена конвенцияси юзага келди.

ХХТларнинг ана шундай ролини ҳисобга олиб, улар фаолиятининг асоси бўлган шартнома-уставлари, шу билан бирга уларнинг фаолияти БМТ Уставининг мақсади ва тамоилларига, яъни халқаро хуқуқнинг асосий тамоилларига зид келиши келиши мумкин эмаслигини ва бу одатда мазкур актларнинг дебочасида маҳсус қайд этилишини эслатиб ўтмоқ лозим.

## **11. ХАЛҚАРО ХУҚУҚНИНГ СОҲА ВА ИНСТИТУТЛАРИ**

Ушбу икки атама ҳам халқаро хукуқ ҳақидаги асарлар ва мақолаларда, ҳам бевосита илмий умумлашмалар ва унинг таърифларида кенг қўлланади. Шу билан бирга халқаро хукуқ соҳасининг ўзида ҳам на соҳалар ва институтлар тушунчаларида, на уларнинг рўйхатида яқдиллик мавжуд эмас.

**Соҳа** — муайян, мунтазам, етарлича кенг ва халқаро муносабатларнинг халқаро хукуқ субъектлари учун муҳим кўламини белгилайдиган халқаро хукуқ меъёrlарининг жамулжамидир.

Тарихан бунга минглаб йил аввал биринчи давлатлар пайдо бўлиши билан мунтазам тус ола бошлиган вакиллик алоқалари асос солган. Аввало улар Осиёда(Хитой, Ҳиндистон ярим ороли, Яқин Шарқ) барпо бўлди. Вақт ўтиши билан бу соҳа — «Элчилик хукуки» номини олган бўлса, XX аср ўрталаридан эса — «Дипломатия (ва консуллик) хукуки» деб номланди.

Шу вақтнинг ўзида тўхтовсиз урушлар туфайли пайдо бўлаётган: тинч аҳоли, қўшинлар ҳамда асиirlарнинг аҳволи, ўлжани, шу жумладан, ҳудудларни ўзлаштириб олиш ва ўзгача вазиятларни қандай қилиб бўлса ҳам муовфикаштиришга қаратилган соҳа юзага келди. «Уруш хукуки» пайдо бўлди. Ўрта асрларда Европада Халқаро хукуқ гарбий мактабининг «отаси» Гуго Гроцийнинг таъбирича, кейинроқ умуман бутун халқаро хукуқка нисба-

тан кўлланган ибора, яъни «Уруш ва тинч-лик ҳукуқи» ибораси билан атала бошланди. Ҳозирда, урушни тамоман рад этаётган ушбу соҳа тараққий этиб бораётир, бироқ унинг учун эндиликда энг муҳим масала — урушнинг олдини олиш ва тинч аҳолини, ҳарбий асиirlар ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилишдан иборат бўлиб қолди. XX асрнинг иккинчи ярмида у янги соҳа — «Ҳалқаро хавфсизлик ҳукуқи» билан бирлашди.

Денгиз ишининг, ҳам ҳарбий ва босқинчилик мақсадларида, шу билан бирга савдо эҳтиёжлари йўлида тараққий этиши билан ўрта асрларда «Денгиз ҳукуқи» соҳаси вужудга келди.

XX асрда фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланишига боғлиқ равишда қатор янги соҳалар юзага келди. Шундай қилиб замонавий ҳалқаро ҳукуқда «Ҳаво ҳукуқи», «Космос ҳукуқи», «Тиббиёт ҳукуқи» каби соҳалар пайдо бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб «Иқтисодий ҳукуқ»нинг ҳалқаро ҳукуқнинг алоҳида соҳаси сифатида туғилганини ҳам эслатиш мумкин. «Экология ҳукуқи» соҳаси ҳам тез суръатлар билан шаклланиб, 1992 йилнинг июнида Рио-де-Жанейро (Бразилия)да ўтказилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Иккинчи Бутунжаҳон конференцияси (анжумани) унинг юзага келишига бевосита туртки бўлди.

«Ҳалқаро ташкилотлар ҳукуқи» ҳамда «Индивидлар ва ҳалқлар ҳукуқи» каби соҳаларнинг пайдо бўлиши ҳам ҳалқаро ҳукуқнинг тинчлик, озодлик ва тараққиёт ҳукуқи сифатидаги замонавий жиҳатларини ёрқин намоён қилди.

Кўпгина соҳалар маҳсус ҳалқаро конвенциялар ёрдамида мувофиқлаштирилади. Тўқсонинчи йилларда ҳалқаро муносабатларнинг ихтилофлардан ҳамкорликка томон ўзгаришида ифодаланган принципиал, тубдан ўзгариши, — ҳалқаро ҳукуқ субъектларининг ана шу каби биргаликдаги фаолияти тобора кенгайиб ва чуқурлаша бориб, ҳалқаро ҳукуқ янги соҳаларининг пайдо бўлиши кафолатидир.

**Институтлар**, улардан фарқли равишда, халқаро муносабатларнинг уёки бу доирасини мувофиқлаштирувчи меъёрлар тизимидан иборат эмас. Бирок улар (ушбу сўзнинг этимологик маъноларидан бири — қарор топтириш) халқаро хукуқ учун принципиал муҳим аҳамиятга эга. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун улардан баъзиларини санаб ўтиш кифоя. Халқаро хукуқ (ХХ) институтлари сирасига ХХ субъектларини, ХХ да эътраф этишни, ХХ да хуқукий ворисликни, ХХ да ахолини, халқаро баҳсларни ҳал этишда тинч воситаларни ва бошқаларни киритиш мумкин.

## **12. ДИПЛОМАТИЯ ВА КОНСУЛЛИК ХУКУКИ**

Халқаро хукукнинг энг қадимий соҳаларидан бири бўлишига қарамай, яқин вақтга қадар у қофозга туширилмаган халқаро хукукнинг оддий соҳаси бўлиб келди. Факат 1960 йилларга келиб дипломатия ва консуллик муносабатларини мувофиқлаштирадиган меъёрларнинг асосий қисми умумлаштирилиб системалаштирилди ва иккита асосий халқаро шартнома кўринишида баён этилди. Булар — дипломатия муносабатлари тўғрисидаги 1961 йилги Вена Конвенцияси ва консуллик муносабатлари тўғрисидаги 1963 йилги Вена Конвенцияси. Улардан сўнг давлатларнинг универсал тусдаги халқаро ташкilotлар билан муносабатларидаги вакилликка оид 1967 йил Конвенцияси, маҳсус миссиялар тўғрисидаги 1969 йил Конвенцияси, халқаро ҳимоя остидаги шахслар ва дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва уларни жазолаш тўғрисидаги 1976 йил Конвенцияси каби маҳсус шартномалар тузилди — шу билан бирга улар замонавий дипломатия ва консуллик хукуқининг асосини ташкил этади.

Дипломатия ва консуллик хукуки — ўз субъектларининг ташки муносабатлар соҳасидаги расмий фаолиятини мувофиқлаштирувчи халқаро хукуқка оид меъёрлар тизими демакдир.

Дипломатия, ана шундай расмий фаолият воситаси сифатида: тор маънодаги — «музокаралар юритиш санъати»дан кенг маънодаги — «ташқи сиёсат механизми» деган турлича таърифларга эга.

Таниқли совет дипломати ва элчиси А.М.Коллонтай таъбири шу каби тушунчалар ичида ўзига хослиги билан ажралиб туради: — дипломатия — «дўст ортириш маҳорати». Ушбу жумла замонавий халқаро ҳуқукнинг ижтимоий-сиёсий мақсади ва моҳиятига — Ер юзида яшовчи инсонлар учун тинчлик, эрк ва тараққиёт тушунчасига тўла-тўкис мос тушади.

Дипломатия фаолиятининг тавсифи — сиёсий ва расмий бўлиб, унинг умумий концепцияси 1961 йилги Конвенция дипломатлар зиммасига юклаган вазифалардан бирида ифодаланган — ўзи вакил бўлган ҳамда мезбон давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни рағбатлантиришдан иборат.

Хўш, дипломатик ваколатхонанинг ҳамда унинг раҳбарининг ўзи рўйхатга олинган давлатдаги асосий вазифаси нимадан иборат?

1961 йилги Конвенцияга биноан, аввало — ушбу мамлакатда ўз давлати номидан вакил бўлиш, сўнг — мезбон мамлакатда ўз давлати ва унинг фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш. Ундан ташқари ўзи қаерда рўйхатга олинган бўлса, шу давлат билан музокаралар олиб бориш. Ваколатхона ва унинг ходимлари мезбон-давлатнинг шарт-шароитлари, ҳодисалари, сиёсий ва ўзга йўналишларини аниқлаб олиш ҳукуқига эга. Қатъий талаб — ушбу ва бошқа вазифаларини амалга оширишда ваколатхона ва дипломатлар мезбон давлатнинг қонунини бузмасликлари ва халқаро ҳукуққа қатъий риоя қилишлари шарт.

Ўз ваколат вазифаларини бажаришда элчихона (миссия) иммунитет (тинтув, мусодара, ҳибсга олиш, ижро этиш ҳаракатлари, шунингдек соликлар, йигимлар, божлардан) ва қатор жиддий имтиёзлардан (бинолар, архивлар, ҳужжатлар, дипломатия почтаси ва ёзишмалар дахлизлиги, расмий муносабатлар эркинлиги,

ўз давлатининг байроғи ва нишонидан фойдаланиш эркинлиги) фойдаланади.

Дипломатия ваколатхонасидан фарқли равишда консуллик ваколатхонаси зиммасига, одатда, сиёсий вазифалар юкланмайди. Унинг вазифалари ўз давлатининг фуқаролари учун маъмурий ва нотариал хизматлар бажариш, давлатлар ва уларнинг фуқаролари ўртасидаги савдо, иқтисодий, ва маданий алоқаларнинг ривожленишига кўмаклашиш, ўз фуқаролари манфаатларини, жумладан маҳаллий судларда химоя қилиш, ўз мамлакатининг дengиз ва ҳаво кемалари манфаатларига хизмат қилиш, ўз давлатини консуллик худудидаги иқтисодий, маданий, сиёсий ҳаётдан хабардор қилиб туришдан иборат.

Давлат муайян мамлакатда фақат битта дипломатия ваколатхонасига эга бўлади, консулликлар эса бир нечта бўлиши мумкин.

### **13. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА МАСЬУЛИЯТ**

Давлат ички ҳуқуқидаги каби, халқаро ҳуқуқда ҳам масъулият икки чамбарчас боғлиқ талабга эга: а) ҳуқуқ талабларини бажариш мажбурияти ва б) ҳуқуқ талабларини бажаришга мажбур қилиш.

Халқаро ҳуқуқ меъёрларини бажариш, уларга риоя қилиш мажбурияти — халқаро ҳуқуқ тартиботининг асосидир. Уларни бузиш халқаро миқёсда мажбур қилишга олиб келади.

Маълумки, миллий ҳуқуқда масъулият иккни асосий холда юзага келади: а) бошқа ҳуқуқ субъектига моддий зарар етказиш ва б) бошқа субъектлар ҳуқуқларини бузиш. Халқаро ҳуқуқда асосан шулардан иккинчиси юз беради ва аҳамиятли ўрин тутади. Халқаро ҳуқуқдаги ҳуқуқбузарлик, миллий ҳуқуқдаги каби ё ҳуқуқка зид ҳаракатларнинг, ёки ҳаракатсизликнинг натижаси бўлиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқда ким масъулият субъекти бўлади? Бу нафақат давлат ва халқаро ҳукуматлараро ташки-

лотлар, балки жисмоний шахслар ҳамдир. Халқаро ҳуқуқ субъекти — давлат ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар — ўз ички ва ташқи органларининг ҳаракатлари учун масъулдир. Бу ҳолда улар ўзларига халқаро ҳуқуқ субъекти томонидан берилган ваколатлар чега-расидан чиқсан ё чиқмаганликлари ҳисобга олинмайди. Давлат (халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ҳам) ўз фуқаро (хизматчи)ларининг халқаро ҳуқуқ ўзга субъектларига ва чет элликларга қарши қилган ҳаракатлари учун масъулдир.

Халқлар ўз давлатлари сиёсати учун масъулдирлар.

Халқаро ҳуқуққа масъулиятнинг икки тури маълум: сиёсий (номоддий ва моддий). Улардан биринчиси турили шакл-кўринишга эга бўлиши мумкин: ресторация (халқаро ҳуқуқ субъектининг тил тегизилган шаъни ва қадр-қимматини тиклашга қаратилган маросим), сатисфакция (халқаро ҳукуқнинг иззат-нафсиға тегилган субъекти маънавий-сиёсий талабларини узр сўраш ёки ўзга йўл билан қондириш), давлат суверенитетини вақтинча чеклаб қўйиш ва ҳоказо. Моддий масъулият моддий зарарни тўлдиришда ифодаланади ва қуйидаги шаклларга эга: репарация (одатда — уруш учун товоғ пули тўлаш, лекин фақат бевосита зарарларни ва халқаро жиноят қилганлиги учун жавобгарлик сифатидаги жарима), реституция (мол-мулкларини қайтариб бериш ёки вайрон этилганларни қайта тиклаш), зарар ўрнини тўлдириш (ҳаво, космосга, чегарага оид ва ўзга низоларга оид).

Халқаро ҳукуқда жавобгарлик меъёри халқаро ҳукуқбузарликнинг оғирлигига боғлиқ. Улар орасида энг хавфилари — халқаро жиноятлар: тинчликка қарши қаратилган жиноятлар (урушга тайёрланиш ва уни олиб бориш), мустамлакачилик, ҳарбий жиноятлар, инсониятга қарши жиноятлар, геноцид, ирқчилик ва ирқий камситишига йўл қўйиш ва ҳоказо. Умуман улар халқаро ҳукуқнинг асосий тамойиллари ва субъектларнинг асосий ҳукуқларини поймол қилишда ифодаланган ҳукуқбузарликлардир.

Ўта оғир жиноятлардан бири босқинчилік (агрессия) ҳисобланади. Босқинчи (аггрессор)нинг суверен ҳукуқлари чеклаб қўйилиши, у қуролсизлантирилиши, армияси тарқатиб юборилиши, қурол ишлаб чиқариши вақтинча тақиқланиши, вақтинча чет эл қўшинлари киритилиши, ташқаридан назорат ўрнатилиши мумкин. Босқинчи давлат раҳбарлари, ҳарбий жиноятлар ва тинчлик ва инсониятга қарши жиноятларнинг ташкилотчилари ва ижрочилари халқаро ёки миллий жиноий жавобгарликка тортиладилар. Мисол: нацист жиноятчилар устидан ўтказилган Нюрнберг ҳарбий трибунали ва япон милитаристлари устидан ўтказилган Токио трибунали. 1969 йилдан бошлаб бу каби жиноятчилар жиноятдан кейин ўтган мухлатдан қатъи назар жазоланишлари шартлигини уқдирувчи халқаро конвенция кучга кирди.

Халқаро ҳукуқда жавобгарлик чоралари сифатида қуйидаги санкциялар назарда тутилади: репрессалиялар (жавоб чоралари), тан олмаслик, ваколатли вакилини чақириб олиш, у ёки бу турдаги ёки барча муносабатларни узиш ва ниҳоят, ўз-ўзини ҳимоя қилиш. Ушбу санкциялар жамоа (иттифоқ) тусига эга бўлиши мумкин. Санкциялар халқаро ташкилот доирасида ҳам амалга оширилиши мумкин: аъзоликка қабул қиласлик, аъзолигини тўхтатиб туриш, аъзоликдан чиқариш, биргаликдаги ҳарбий чоралар (огоҳлантириш, намойиш қилиш, куч ишлатиш).

## **14. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА КУЧ ИШЛАТИШ БИЛАН ТАҲДИД СОЛИШ ЁКИ УНИ ҚЎЛЛАШДАН ТИЙИЛИШ**

Халқаро ҳукуққа мувофиқ нималарга қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид солиш мумкин эмас?

Аввало — исталган давлатнинг ҳудудий бутунлиги ва сиёсий мустақиллигига, ундан сўнг — исталган халқнинг

ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуки, эрки ва мустақиллигига қарши ва ниҳоят, умуман — БМТ мақсадлариға зид бўлган йўллар билан таҳдид солиш тақиқланади.

Халқаро ҳуқук куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид солишдан халқаро муаммоларни ҳал этиш воситаси сифатида фойдаланишни тақиқлайди. Ушбу умумий қоидадан фақат иккита истисно бор, холос. Уларнинг ҳар иккиси ҳам БМТ уставида кўзда тутилган. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-куватлаш учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олган БМТ Хавфсизлик Кенгаши тинчликка таҳдид пайдо бўлган ёки тинчлик бузилган ё босқинчилик акти амалга оширилганда «Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-куватлаш учун зарур бўладиган ҳаво, денгиз ёки қуруқликдаги қўшинлар ёрдамида шундай ҳаракатларни амалга оширишига» (БМТ Уставининг 42-моддаси) ваколат берилган. Шу билан бирга Кенгашнинг ана шундай қарорлари фақат унинг доимий беш аъзосининг овози мос тушгандагина қабул қилиниши мумкин.

Иккинчиси истисно — харбий хуруж, босқинчиликка қарши якка тартибдаги ёки жамоавий ҳимояланиш. Бироқ, бундай ҳолда (БМТ Уставининг 51-моддаси) уч шартга риоя қилиниши лозим: хуружни даф қилиш чоралари БМТ Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизликни тиклаш учун зарур чораларни қўллагунга қадар қонуний ҳисобланади; ўзини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида зудлик билан Хавфсизлик Кенгашига хабар бермоқ зарур; ушбу чоралар Кенгаш зиммасига БМТ Устави томонидан юклangan ваколат ва масъулиятга дахл қилмаслиги лозим.

Ўзбекистон 1992 йилнинг 15 майида МДҲ иштирокчилари томонидан имзоланган Жамоа хавфсизлиги шартномасининг иштирокчиси сифатида, бошқа давлатлар билан биргаликда ушбу актнинг 4-моддасида БМТ Уставининг 51-моддаси талабларини бажариш мажбуриятини олганлигини тасдиқлади.

Ушбу ҳимойил шунингдек ўзга давлат худудига бостириб кириш учун номунтазам куч ёки қуролли тўда-

лар, жумладан, ёлланма аскарларни уюштириш ёки уюштириши рағбатлантиришдан тийилишга мажбур этади. Шу билан бирга у ўзга давлатда фуқаролик уруши актлари ёки террорчилик актларини уюштириш, күткү солиш, ёрдам бериш ёки иштирок этишни, ё бўлмаса ўз худуди чегарасида куч ишлатиш ёки у билан таҳдид солиш билан боғлиқ актларни амалга оширишга қаратилган ташкилий фаолиятни рағбатлантиришни тақиқлайди.

Ушбу тамойил куч ишлатиш ёки у билан таҳдид солиш натижасида эга бўлинган исталган ўзлаштирилган худудга эгалик қилишни ноқонуний деб тан олади. У барча давлатларни халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-кувватлаш бўйича, жумладан халқаро кескинликни юмшатиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, куроллар устидан назорат қилиш ва куролсизланиш, БМТ хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш чоралари юзасидан ўз мажбуриятларини сидқидилдан бажаришга мажбур этади.

Ва, ниҳоят: «Куч» тушунчаси фақат ҳарбий маъно кашф этмай, балки у таъсир ўтказиши мумкин бўлган барча восита (иктисодий, технология ва ҳоказо)ларни ўз ичига олади.

## **15. ДАВЛАТЛАР ТОМОНИДАН ХАЛҚАРО ИХТИЛОФЛАРНИНГ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИНИШИ**

Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, унинг аҳамияти куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид солиш тақиқланган шароитда айниқса улкандир. Мисол учун, 1992 йил 15 майда жамоавий хавфсизлик тўғрисидаги шартномани имзолаган МДҲ иштирокчилари куч ишлатиш ёки у билан таҳдид солишдан ўзини тийиш тамойилига содик эканликларини тасдиқлаб, шу ернинг ўзида «ўзаро ва ўзга давлатлар ўртасидаги низоларни тинч воситалар билан ҳал қилиш мажбуриятини олишлари»ни ёзиб қўйдилар. Бу билан

улар БМТ Уставига кўра унинг аъзолари сифатидаги шунга ўхшаш мажбуриятларини тасдиқладилар.

Мазкур тамойил юзасидан халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари бўлиб, БМТ Устави (VI боб), 1970 йилги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларация, Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги 1982 йилги Манила декларацияси, Халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган низо ва вазиятларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш, БМТнинг ушбу йўналишдаги роли тўғрисидаги 1988 йилги декларация хизмат қиласди.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатлардан мазкур тамойилни қўллаш обьекти сифатида низолар, шунингдек давом этиши билан халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган исталган вазиятлар (БМТ Уставининг 33-35 моддалари) эканлиги маълум.

Низо (ёки вазият)нинг турини аниқлашда, шунингдек низонинг исталган босқичида аралашиш ёки кўриб чиқиш учун қабул қилишга ваколатли орган — БМТ Хавфсизлик Кенгаши, юридик тусдаги баҳслар юзасидан эса — БМТ Халқаро Суди сўнгги, ҳал қилувчи инстанция ҳисобланади.

Низо ва уни ҳал қилиш усуслари юзасидан томонларга қандай мажбурий талаблар қўйилади? Улар учта: вазиятни халқаро тинчлик ва хавфсизликни таҳдид остида қолдириш даражасида ёмонлаштириши мумкин бўлган ҳеч қандай хатти-ҳаракатга йўл қўймаслик; низони давлатлар, яъни биринчи навбатда низолашаётган давлатлар суверен тенглиги асосида ҳал қилиш; барча тинчлик мақсадидаги барча воситалардан, томонлар ўртасида битимга эришилгунига қадар имконият борича фойдаланиш.

Ушбу воситалар нимадан иборат? Халқаро ҳуқуқ (БМТ Уставининг 33-моддаси, Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларация, Манила декларацияси, Низо ва вазиятларнинг олдини олиш тўғрисидаги декларация) асосий воситаларнинг рўйхатини келтиради. Бироқ бу рўйхат тўлиқ эмас. Бу — томонларнинг бево-

сита музокаралари, текширув, воситачилик, яраштирув, ҳакамлик, судда кўриб чиқиш, минтақавий органлар ёки битимларга мурожаат қилиш, шунингдек томонлар ҳохишига кўра исталган бошқа тинчлик воситалариридир.

Тинч йўл билан ҳал қилиш воситаларини танлаш — низолашаётган томонларга тегишли ҳукуқ ва устунлиkdir. Барча қўлланган ҳаракатлар натижа бермаган тақдирда, низони мувофиқлаштириш ишига Хавфсизлик Кенгаши аралашади. Бироқ бундай қарор баҳснинг эртароқ босқичида ҳам қабул қилиниши мумкин. Ушбу ҳаракатларнинг сиёсий мазмуни — вазият, келишмовчилик ёки баҳснинг жанжалга, айниқса куролли жанжалга айланиб кетишига йўл қўймаслик.

Низонинг исталган босқичида ҳалқаро ҳукуқнинг субъектлари ёки субъект бўлмаганлар (ҳалқаро нохукмат ташкилотлар, давлатнинг юридик ва жисмоний шахслари) аниқ ҳукуқий мажбуриятга эгадирлар — вазиятни кескинлаштируви ва ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни хавф остида қолдириши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиб туриш.

Ушбу тамойил, ҳалқаро ҳукуқнинг ўзга асосий тамойиллари каби умуман янги тузилма бўлмиш — МДҲ учун, шу билан бирга хусусан Марказий Осиё давлатлари учун ҳам улкан амалий аҳамиятга эга.

## **16. ҲАР ҚАНДАЙ ЎЗГА ДАВЛАТ ВАКОЛАТИГА КИРАДИГАН ИШЛАРГА АРАЛАШМАСЛИК СИЁСАТИ**

Ҳалқаро ҳукуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, уни жалб этиш масаласи, одатда, аввалгиси билан узвий боғланган бўлади. Чунки айнан ички ишларга аралашиш низоли вазиятни келтириб чиқаради ва уни тинч йўл билан ҳал этиш заруратини пайдо қиласди.

Ушбу тамойил бирон бир давлат ёки давлатлар гурухи, сабабидан қатъи назар, исталган ўзга давлатнинг ички ҳамда ташки ишларига на бевосита, на билвоси-

та аралашишга ҳаққи йўқ. Ахир ташқи ишлар ҳам ички қонун томонидан бошқарилади.

Исталган давлатнинг ҳукуқий субъектлигига қарши қаратилган қуролли аралашув ёки таҳдиднинг ўзи халқаро ҳукуқнинг бузилиши бўлиб қолмай, балки давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий асосларига қаратилган ҳар қандай аралашувга ҳам йўл қўйиш мумкин эмас.

Бирон бир давлатнинг ўзга давлатни ўзига бўйсундириш ва шундан ҳандай бўлмасин имтиёзларга эга бўлиш мақсадида иқтисодий, сиёсий ёки ўзга исталган чоралар қўллашни ёки шундай ишни рағбатлантиришга ҳаққи йўқ.

Бундан ташқари, халқаро ҳукуқ барча давлатларга ўзга давлат тузумини зўрлик билан ағдариб ташлашга қаратилган қўпорувчилик, террорчилик ёки қуролли фаолиятни уюштириш, рағбатлантириш, пул билан таъминлаш, ёки йўл қўйишини, шу билан бирга унга кўмаклашиш, шунингдек ўзга давлатнинг ички курашига аралашишни тақиқлайди.

Мазкур тамойилга биноан халқларнинг миллий ўзига хослигини йўқотиш мақсадида уларга нисбатан куч ишлатиш ҳам ман этилади. Бу нафакат аралашмаслик тамойилининг, балки халқларнинг ажralmas ҳукуқлари, биринчи навбатда ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақиллик ва озодликка бўлган ҳукуки бузилишига олиб келади.

Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тузумини танлаш жараёнига ва унинг натижаларига ҳар қандай кўринишда исталган давлат томонидан аралашишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Бунда мазкур давлат аҳолиси, унинг халқи ўзи истаган ва яشاши мумкин бўлган тузумни танлаш масаласини мустақил ҳал этиши керак. Халқ ўзи рози бўлган тузумга лойикдир (ҳатто ўзи танламаган бўлса ҳам).

Аралашмаслик тамойили — халқаро ҳукуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлишига қарамай, унинг бузилиши — ҳозирги пайтга қадар халқаро ғуносабат-

ларда бир мунча кенг тарқалган ҳодиса. Араплашишнинг шакл ва турлари, бошқа ижтимоий ҳодисалар каби жамият ривожи билан унга боғлиқ равишда, инсоният ва халқлар ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, маданий жиҳатлари тараққий этиши билан бирга ривожланиб бормоқда. Илмий-техника соҳасидан мисоллар кўпчиликка маълум. Масалан, XX аср боши фантастлари тушига ҳам кирмаган ўзга давлат худудини электрон воситалар ёрдамида тинглаш ҳозирга келиб воқеликка айланди. Мамлакат иқтисодиётини технология босқинчилиги ёрдамида эгаллаш (ёки бўйсундириш) ҳам замонамиз янгиликларидан биридир.

МДҲ давлатлариларнинг, беистисно барчаси учун ҳам, шу каби муаммолар аҳоли турмушида яққол ва бевосита намоён бўладиган соҳаларда юзага келади. Уларнинг иқтисодий қийинчиликларидан фойдаланишни мазкур халқ ва давлатлар ишига аралашув деб атаб бўладими? Масалан, марказлаштирилган ҳукуматларро (айтайлик, Халқаро Валюта Фонди) кредитлар ёки давлат кредитлари беришдан то иқтисодий ислоҳотлар кредиторлар учун мақбул (кулай) йўналишдан бормагунга қадар бош тортиш (ёки кечиктирмоқ)ни олсак.

## **17. ДАВЛАТЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ МАЖБУРИЯТИ**

Халқаро ҳукуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, зўравонликни тақиқлайдиган замонавий халқаро ҳукуқ халқлар ва давлатлар ўртасидаги тинчлик ва хавфсиликни мустаҳкамлашга қаратилганлигининг яна бир исботидир.

Хўш, мазкур тамойил қандай ҳамкорликни назарда тутади? Фақат БМТ Уставининг мақсад ва тамойилларига мос келувчи ҳамкорликни. Масалан, тажовузкор иттифоклар ва ҳукуққа қарши ҳамкорликнинг бошқа шакларини тузиш тақиқланади.

Давлатлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларидаги фарқлардан қатъи назар, халқаро муносаба-

батларнинг турли соҳаларида халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек халқаро иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт, халқларнинг тараққий этишига кўмаклашиш, ҳеч қандай таҳқирлашга йўл қўймасдан ҳамкорлик қилишлари шарт.

Халқаро хукуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда айтилишича (б-модда), мазкур тамойилни амалга ошириш мақсадида:

а) давлатлар халқаро тинчликни ва хавфсизликни саклаш ишида ўзга давлатлар билан ҳамкорлик қиласдилар;

б) давлатлар инсон хукуқларини хурмат қилиш ва унга риоя қилиш, барча учун асосий эркинликлар бериш ва ирқий камситиш ҳамда диний тоқатсизликнинг барча шакларини тугатиш соҳасида ҳамкорлик қиласдилар;

в) давлатлар ўзларининг иқтисодий, ижтимоий, маданий, техника ва савдо соҳаларида халқаро муносабатларини суверен тенглик ва аралашмаслик тамойилларига мувофиқ амалга оширадилар;

г) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган давлатлар у билан ҳамкорликда унинг Устави тегишли қоидаларида кўзда тутилган биргаликдаги ва шахсий чораларни кўришлари шарт.

Ушбу жумлада шахсий ва жамоа бўлиб ўз-ўзини ҳимоя қилиш чоралари, шунингдек халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.

Ҳамкорлик тамойили, халқаро хукуқнинг ўзга асосий тамойиллари билан тенг равища, МДҲ давлатлари, жумладан, Марказий Осиё минтақаси республикалари учун алоҳида аҳамият касб этади.

Хозирнинг ўзидаёқ улар ҳамкорлигининг икки географик-сиёсий даражаси ҳақида — МДҲ доирасида ва умумжаҳон даражаси тўғрисида сўзлаш мумкин.

Шу билан бирга халқаро хукуқнинг кўриб чиқилаётган ва асосий тамойилларига тўла мувофиқ равища ушбу ёш давлатлар ўз минтақавий даражадаги ҳамкорликларини юридик жиҳатдан расмийлаштирадилар. Бир

холда бу — 1990 йил июнда Алматидаги беш давлат учрашувидан бошланган Марказий Осиё — Қозогистон ҳамкорлиги бўлса, иккинчиси уларнинг Эрон, Покистон ва Туркия томонидан 1964 йили барпо этилиб, 1992 йили унга Марказий Осиё республикалари ва Озарбайжон кирганидан сўнг янада жонланган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлигидир.

Албатта, иқтисодий ва сиёсий сабаблар уларнинг барча даражадаги ҳамкорлигининг бошлангич объектив омилидир. Бироқ қарорлар қабул қилиниб, шартнома шаклини ола бошлаган экан, ҳар бир шартномада, шунингдек ҳамкорликнинг турли даражадаги шартномалари нисбатида халқаро ҳуқуққа қатъий риоя қилинишини кузатиб бормоқ мухим. Мазкур фаолиятда икки асосий йўналиш мавжуд: ҳар бир битимнинг халқаро ҳуқуқ асосий тамойиллариغا ва унинг иштирокчилари-нинг ўзга шартномалар бўйича мажбуриятларига муовфикалигини текшириш; турли даражадаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ўртасидаги юридик, жумладан, халқаро ҳуқукий зиддикларни бартараф қилишдир.

## **18. ҲАЛҚЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУКЛИЛИГИ ВА ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАШ ҲУҚУКИ**

Ушбу тамойил халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойиллари орасида энг янгиларидан бири бўлиб қолмай, (биринчи бор БМТ Уставида 1945 йили қайд этилған), шу билан бирга у ўзига хос ва нодир ҳамдир. Шу каби тамойиллардан фарқли тарзда унинг субъекти «давлат» эмас, балки «халқ»дир.

50-60-йилларда мустамлакачиликдан озод бўлишнинг шиддатли жараёни ва собиқ СССР ва Югославия худудларидаги миллатлараро ҳозирги ихтилофлар билан боғлиқ равишда халқаро ҳуқуққа оид адабиётларда урушдан кейинги дастлабки йиллар ушбу тамойилнинг расмий ва юридик жиҳатдан мажбурий эмаслиги, унинг

«қатъий» хукуқ мөндері эмаслиги тұғрисидаги тезис учраб турибди.

Шу аснода ками билан иккита ўхшаш, бир вақттинг ўзида — универсал манба мавжуд: БМТ Устави биринчи моддасининг 2-банди ва 1966 йилги инсон хукуқлари тұғрисидаги иккала халқаро пактнинг 1-моддаси. Ҳар иккала манба ҳам МДХ иштирокчилари учун СССР хукуқий ворислари сифатида мажбурийдир.

Ушбу манбаларга мувофик, ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқига:

— барча халқлар әгадирлар, яғни ҳар қандай халқ унинг субъекти ҳисобланади;

— халқнинг ўзи томонидан сиёсий мақомини белгилаши ва ўз иқтисодий-ижтимоий ва маданий тараққиётини таъминлашини күзда тутади;

— қыйидагилар кафолатланади: а) барча давлаттарнинг ушбу хукуқни рағбатлантириш ва ҳурмат қилиш мажбурияти ва б) халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқини қатъий туриб ҳимоя қилиш хукуқи.

Мазкур тамойилнинг ана шу асосий таркибий қисмларидан ҳар бирини күриб чықайлик. Лекин даставал унинг биринчи қисмида тұхталиб ўтамиз. «Тенгхұкуқлилик» халқларнинг юридик тенглигини, үларнинг ҳар қандай белгиларидан қатын назар суверен тенглигини англаради. У хусусан ҳар бир халқнинг хукуқларини, жумладан, ҳар қандай ўзга халқнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш хукуқини ҳам ҳурмат қилиш мажбуриятини назарда тутади.

Авваламбор тараққиёт, аникроғи, — зўрлик билан аралашылмайдыган, әркін тараққиёт (бу тұғрида янғлиш фикрлар ҳам мавжуд). Сиёсий мақом масаласи фақат ана шундай тараққиёт кафолати сифатидагина пайдо бўлади; у тараққиётга халал беришганида кескинлашади. Ана шундай ҳолларда ташқи, шу билан бирга ички эгоцентрик (ўз мақсадини кўзлаган) доираларга ўз тақдирини ўзи белгилаш муаммосини фақат сиёсий томонга, мустақилликка буриб юбориш сиёсий жиҳатдан қулай. Барча давлатлар 1970 йилги Халқаро хукуқ

тамойиллари түғрисидаги декларацияда, сиёсий мақом тушунчаси остида «сиёсий ва мустақил давлатни яратиши, мустақил давлатга әркин равишида қўшилиш ёки у билан бирлашиш ё бўлмаса исталган бошқа сиёсий мақом ўрнатиши» назарда тутилганига рози бўлдилар.

Халқаро ҳукуқ тамойиллари халқ ўз мақоми ва тараққиётини эркин равишида белгилаши ва ўрнатишни талаб қиласди. Бунинг учун энг мақбул усул бўлиб, айниқса сўз халқнинг яшаш ва кун кечириши билан боғлиқ тақдирний масалалари ҳақида боргандага умумхалқ сўрови (плебисцит) ёки умумхалқ овоз бериши (референдум) деб тан олинади.

Кафолатлар ҳар бир ва барча давлатнинг «ушбу ҳукуқни рағбатлантириш ва ҳурмат қилиш» мажбурияти фақатгина қоғозда қолиб кетмай, уларнинг тегишли ички қонунларига, ижроия ва ҳукуқни муҳофаза қилиш фаолиятига ўтишидан иборат. Ушбу ҳукуқни мамлакат ичкарисида поймол қиладиган давлат, шу билан халқ тақдирни масаласини халқаро миқёсдаги муаммога айлантиради. Халқаро ҳукуқнинг яна бир кафолати халқнинг барча қонуний, жумладан, курол воситасида ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқини ҳимоя қилиши, шунингдек ўзга давлат ва ташкилотлардан кўмак ва ёрдам сўраши ва уни олишидан иборат.

Ўзга ҳукуқлар каби ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқи — мутлақ ҳукуқ эмас. Биринчидан, мазкур халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаши ўзга халқларнинг шу каби ҳукуқларини поймол қилмаслиги керак. Иккинчидан, ҳар бир ҳолда уни халқаро ҳукуқнинг етти асосий тамойили қаторида кўриш лозим.

## 19. ДАВЛАТЛАРНИНГ СУВЕРЕН ТЕНГЛИГИ

Агар давлатлар халқаро ҳукуқнинг асосий субъектлари эканлар, демак уларнинг тенглиги ва тенгхуқуқлилиги — халқаро ҳукуқ биносининг асосий ғишларидан бири эканлиги аён. Мазкур тамойилнинг ха-

лқаро ҳукуқдаги ўрни ва аҳамияти ҳам шу билан белгиланади.

Суверен тенглик суверенитетлар тенглигини англатади. Суверенитет мавжудлиги — давлат ва ҳалқнинг ҳалқаро ҳукуқ субъектлари сифатидаги мажбурий жиҳатигина эмас, балки улар ҳалқаро ҳукуқ муносабатларининг негизи ҳамдир. Бу уларнинг хусусияти, узвий тавсифидир. Айнан ана шу хусусияти билан (ва факат шу билан) бошқа хоссаларига кўра фарқли ҳалқаро ҳукуқ субъектлари на факат ўхшаш, балки бир хилдирлар. Бу уларнинг юридик тенглигини кафолатлайди.

Факат ана шу сифатда улар қонуний ҳалқаро шартномалар тузишлари, ҳалқаро ташкилот ва конференциялар ва ҳоказоларда тенгхукукли бўлиб иштирок этишлари мумкин.

Суверен тенглик барча давлатларнинг бир хил ҳукуқ ва мажбуриятларга эга эканлигини англатиб, уларнинг баркаси иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ёки ўзга фарқлардан қатъи назар давлатлар ҳалқаро ҳамжамиятининг тенг ҳукукли аъзоси эканликларини англатади.

1970 йилги Ҳалқаро ҳукуқ тамойиллари декларацияда БМТнинг барча аъзолари суверен тенгликнинг таркибий қисмлари сифатида қуидаги қоидаларни бир овоздан белгилаб қўйдилар:

- «а) давлатлар юридик жиҳатдан тенг;
- б) ҳар бир давлат тўлиқ суверенитетга хос бўлган ҳукуклардан фойдаланади;
- в) ҳар бир давлат ўзга давлатларнинг ҳукуқ субъекти эканлигини хурмат қилиши зарур;
- г) давлатларнинг худудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллиги дахлсиздир;
- д) ҳар бир давлат ўз ҳалқаро мажбуриятларини тўлиқ ва сидқидилдан бажариши ва ўзга давлатлар билан тинч-тотув яшаши шарт».

Ушбу цитатада келтирилган икки тушунчага изоҳ бериш лозим бўлади. «Тўлиқ суверенитетга хос бўлган ҳукуклар» мазкур давлатнинг суверенлигидан, яъни худудида унинг хокимияти устунлигидан ва унинг ўз

ташқи сиёсатини мустақил равишда юритишдан автоматик равишда келиб чиқадиган хуқуқларни англатади. «Давлатнинг хуқуқ субъекти эканлиги»ни унинг хукукка қобиллиги (халқаро хуқуқ бўйича хукукларга эга бўлиш имконияти) ва фаолиятга қобиллиги (халқаро хуқуқда ўзи учун мажбуриятлар яратиш ва уларни бажариш имконияти)нинг йигиндиси сифатида тушунмоқ лозим, чунки халқаро хуқуқда миллий хуқуқда бўлгани каби фаолиятга қобиллик (имконияти)дан маҳрум субъектнинг бўлиши мумкин эмас. Давлатнинг хуқуқ субъекти эканлигини ҳурмат қилиш — хуқукий муносабатларда ўзига тенг деб билишdir.

Халқаро хуқуқнинг асосий негизларидан бири бўла туриб, суверен тенглик минг йиллар давомида ҳам катта, ҳам кичик масалаларни ҳал этишда одат тусига кирди. Масалан, у ёки бу давлатлараро конференция иштирокчилари ўртасида делегация аъзоларининг залда жойлашуви ёки бирор-бир маросимда уларнинг олдинма-кетинлиги юзасидан тез-тез мунозаралар келиб чиқарди. Натижада халқаро амалиётда (айниқса дипломатия ва шартнома амалиётида) «альтернат», яъни навбатлилик институти пайдо бўлди. Ўрта асрларда унга мувофиқ иштирокчиларни жойлашириш ва шу каби ҳаракатлар лотин алифбоси тартибида, иштирокчи-давлатлар расмий номланишининг бош ҳарфларига кўра амалга оширилар эди. Хозирда бу мавзу ҳар гал маҳсус келишув йўсинида ҳал этилади (масалан, кўпинча инглиз алифбосини асос сифатида қабул қиласидар).

Ушбу институт халқаро шартнома амалиётида ҳам аниқ из қолдирди. Бундай ҳолда, кўп томонлама шартномани имзолаш тартиби барча учун ягона тизимни кўзда тутган бўлса, икки томонламалиларида эса ушбу тартиб ўзгача: мазкур давлатда саклананаётган нусхада, биринчи бўлиб унинг вакили имзо қўяди.

## **20. ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ СИДКИДИЛДАН АДО ЭТИЛИШИ**

Ҳар қандай ҳукуқ манбаларининг мавжудлигига мажбуриятлар таркибидаги меъёрлар таъминланмас экан, улар аҳамиятга эга бўлмайди. Халқаро ҳукуқ меъёрлари давлат ички тизимидағи каби давлатдан устун турувчи мажбураш механизми бўлгани учун эмас, балки давлатлар ўз халқаро шартномалари бўйича зиммаларига у ёки бу мажбуриятни кўнгилли равишда олиб, ўзлари уларни бажарганликлари учун амалга ошади. «Сидқидилдан» тушунчасининг асосий маъноларидан бири ҳам ана шунда. Иккинчиси — шартнома матнига аниқ ва тўлиқ риоя қилиб, ўз мажбуриятини бажаришдан иборат. Ушбу мувофиқлик шартноманинг ҳар иккала (барча) иштирокчиларининг ўз мажбуриятларини бир хилда тушунишларига кўмакла- шади.

Ушбу тамойил халқаро ҳукуқ каби қадимийдир. Рим ҳукуқи замонидан уни лотинча *pacata sunt servanda* (пакта сунт серванда) деб атаганлар ва атайдилар. Ана шуминг йилликлар давомида турли давр ва турли асосларда унинг кучи номақбул битимларга дахлдор бўлмаслиги учун истиснолар кўзда тутилган. Одатда, асослар маънавий (диний)-сиёсий тусга эга бўлган. Фақат 1945 йилга келиб замонавий халқаро ҳукуқнинг асосий манбаи — БМТ Уставининг қабул қилиниши туфайлигина ана шундай истисно учун умум тан олинган ва юридик мезон пайдо бўлди. Мазкур тамойил БМТ Уставига мувофиқ бўлмаган мажбуриятларга дахлдор эмас.

Мазкур тамойилни қўллашнинг ушбу ўта муҳим мезони қуидагиларни англатади:

- давлатлар БМТ Устави бўйича, замонамизнинг асосий ва барча учун мажбурий бўлган (универсал) шартномаси сифатида, ўз мажбуриятларини сидқидилдан адо этишга мажбурлар;

- улар ўзларининг ўзга шартномалари юзасидан фақат БМТ Устави бўйича мажбуриятларга мувофиқ

келадиган мажбуриятларини бажаришлари керак, яъни фақат унда халқаро ҳуқуқнинг барча учун мажбурий бўлган асосий тамойиллари юридик асосланган;

— давлатнинг бирон бир шартномаси мажбуриятлари унинг БМТ Устави бўйича мажбуриятларига зид келган ҳолда унинг Устав бўйича мажбурияти устунликка эга бўлиб, бошқа шартнома бўйича мажбурият эса — нохуқуқий(ёки ноқонуний)дир ва шу сабабдан амал қилиши мумкин эмас.

1969 йилги халқаро шартномалар ҳуқуки тўғрисидаги Вена Конвенцияси ва давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартнома ҳуқуки тўғрисидаги 1986 йилги Вена Конвенцияси *rechts sun servanda* тамойилини яна бир бор тасдиқладилар. Шу билан бирга 1969 йилги Конвенция шартнома иштирокчиси «ички ҳуқуқ қоидаларига шартномани бажармаганликни оқловчи сабаб сифатида важ қилиб кўрсатиши мумкин эмас»лигини (27-модда) кўзда тутади. Ушбу ҳуқуқбузарлик очик-ойдин, яъни ҳар қандай манфаатдор давлат учун объектив аниқ бўлиб, мазкур давлат ички ҳуқуқининг алоҳида аҳамиятга эга бўлган меъёрларига тегишли бўлган ҳолатлар (ушбу конвенциянинг 46-моддаси) истисно этилади.

Масалан, 1992 йил 15 майдаги давлатларнинг жамоавий хавфсизлиги тўғрисидаги Тошкент шартномаси Европа ва Осиёда жамоавий хавфсизлик тизимлари яратилганида (1-модда), халқаро хафсизликнинг ўзга муҳим масалалари амалга оширилганида (2-модда), бир ёки бир неча иштирокчи — давлатлар худудий бирлиги ва сўверенитети хавфсизлигига хавф пайдо бўлганида (2-модда) «зудлик билан маслаҳат (консультация)лар ўтказишни» назарда тутади. Шартноманинг у ёки бу иштирокчиси ушбу актга қадар қабул қилинган Суворенитет тўғрисидаги декларация ёки бошқа бирор қонунга ишора қилиб, ана шундай консультациялардан боштортиши мумкинми? Жавоб юзага келган муайян ҳақиқий, ҳам юридик вазиятга боғлиқ бўлиб, бироқ ана шундай савол пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

## **21. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА АСОСИЙ ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ**

1970 йили кодлаштирилган Халқаро ҳуқуқ тамойиллари түғрисидаги БМТ декларациясидаги асосий тамойиллар ичиде ушбу ҳуқуқ йўқ. Бироқ ўтган давр мобайнида мазкур тамойил умум томондан тан олинган ҳуқуқлар қаторидан жой олди. Бунга риоя қилиш 1945 йилдаги БМТ Уставида (кириш қисми, 1-модда, 3-банд; 55-модда; 62-модда, 2-банд ва ҳоказо) кўзда тутилганидек, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг асосларидан бири бўлиб қолди. Ушбу фикрнинг ишонарли далили: бугунги кунда инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича кўп томонлама асосий деб номланадиган конвенцияларнинг ўзигина 20 дан ортиб кетди.

Халқаро ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари инсон шахсиятига хос қадр-қимматдан келиб чиқишини кўзда тутади. Улар унинг эркин тараққий этиши учун энг қулай ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган бўлиб, халқаро ҳуқуқ устунлиги ва унга риоя қилган ҳолда миллий қонун томонидан ҳимоя қилинмоғи лозим.

Замонавий халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича умумий тусдаги манбалар тўртта: 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси, 1966 йилги Иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар түғрисидаги халқаро пакт, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар түғрисидаги халқаро пакт ва унинг Факультатив баёни (протоколи) (ҳар иккала пакт ва баён 1976 йилдан кучга кирган). Ушбу актлар йиғиндинини Инсон ҳуқуқлари түғрисидаги Билль деб атайдилар.

Улардан ташқари ҳозирда ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш, шу билан бирга инсон ҳуқуқларининг маҳсус соҳалари юзасидан 20 дан ортиқ конвенция мавжуд. 1949 йилги Иш ҳақини муҳофаза қилиш түғрисидаги конвенция, 1951 йилги Қочоқлар мақоми түғрисидаги конвенция, 1952 йилги Оналикни муҳофаза

қилиш тұғрисидаги конвенция, 1961 йилги Фуқаролиги бўлмаган шахслар миқдорини қисқартириш тұғрисидаги конвенция ва бошқаларини биринчи соҳа қаторига қўшиш мумкин бўлса, иккинчилардан: 1948 йилги Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазо бериш тұғрисидаги конвенция, 1965 йилги Барча шаклдаги ирқий камситишларни тугатиш тұғрисидаги халқаро конвенция, 1968 йилги Ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан жазолаш муддати ўтганлиги қоидасини қўлламаслик тұғрисидаги конвенция, 1989 йилги Бола ҳукуқлари конвенцияси ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Мазкур тамойилга мувофиқ, давлатлар барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар инсон ҳукуқларини ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишлари шарт. Улар фуқаролик, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳукуқ ва эркинликларни БМТ Устави, Инсон ҳукуқлари умумий декларацияси ва ўзга қонунларнинг мақсад ва тамойиллариға мувофиқ равишда самарали амалга оширилишини рағбатлантириши ва ривожлантириши шарт.

Худудида миллий ва диний озчиликни ташкил этгандар гурухлар мавжуд бўлган давлат ана шу озчиликка оид шахслар ҳукуқини ҳурмат қилиши, қонун олдида тенг кўриши, инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларидан амалда фойдаланишига тўлиқ имконият бериши ва шу билан уларнинг ушбу соҳадаги қонуний манфатларини ҳимоя қилиши лозим.

Давлатлар, шунингдек ўзаро муносабатларида ҳам инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишлари, жумладан, БМТ билан ҳамкорликда ҳам, жаҳонда инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликларининг умумий ва самарали тарзда амалга оширилишига эришишлари лозим. Улар шахслар ва халқлар ўзларининг инсон ҳукуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги ўз ҳукуқ ва мажбуриятларини билишлари ва шунга мувофиқ ҳаракат қилишлари учун тегишли шароит яратиб беришга мажбурдирлар.

Халқаро хукуқнинг барча манбалари, инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини хурмат қилиш — дунёда халқаро хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётнинг асосий шартларидан бири эканлигини тасдиқлайди.

## 22. ХАЛҚАРО ХУКУҚДА ФУҚАРОЛИК

**Фуқаролик** тушунчаси деганда индивид — жисмоний (шунингдек, юридик) шахснинг уларнинг ўзаро хукуқ ва мажбуриятларини аниқлаб берувчи ушбу муайян давлат билан муқим хукуқий алоқаси тушунилади. XX аср бошларида фуқаролик масалалари деярли тұлалигича миллий қонунлар құли остида әди. Аср охирiga келиб ҳолат ўзгарди — фуқароликнинг тобора күпроқ жиҳатлари халқаро хукуқ доирасыда күриб чиқылмоқда. Бу күп томонлама конвенцияларда қайд этилиб, уларда давлатлар күнгилли равишда фуқароликнинг у ёки бу йұналишида барча учун умумий тартиб ўрнатилишига рози бўладилар. Фуқароликни қабул қилиш ва уни йўқотиш шартлари ва жараёни — давлатнинг суверен хукуқи соҳасыда бўлса ҳам, бугунги кунда давлатлар ўз-ўзини бирхиллаштирилган қоидаларга бўйсундирган ўндан ортиқ универсал акт (қонун)лар амал қилмоқда.

1948 йилдаёқ Инсон хукуклари умумий декларацияси 15-моддасыда «ҳар бир инсон фуқаролик хукуқига эга» ва «ҳеч ким ўз фуқаролигидан ўзбошимчалик билан ёки фуқаролигини ўзgartириш хукуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас»лиги түғрисидаги иккита мухим қоида ёзиб кўйилган әди. Гап шундаки, иккинчи жаҳон уруши жараёни ва натижасыда фуқаролик асосий инсон хукуклари ва эркинликларини мустахкамлаб ёки бузганида давлатлараро муносабатларга бевосита таъсир кўрсатиши амалда барча тан олган ҳодисага айланыб, бу 1948 йилги Умумий декларация ва 1966 йилги Инсон хукуклари пактларининг кириш қисми (преамбула)сида ёзиб кўйилган. Шу сабабдан, масалан, Фуқаро-

лик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (25-модда) давлатларга тўғридан тўғри ўз фуқароларига:

«а) давлат ишларини юритишда иштирок этиш...

б) ҳақиқий даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш...

в) ўз давлатида умумий тенглик шартларида давлат хизматида ишлаш» ҳуқуқи ва имкониятини беришга кўрсатма берилади.

Ушбу халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ соҳасига «кириб келиши»нинг асосий мотиви бир қатор кўп томонлама конвенциялар тузилишига сабаб бўлди. Чунончи, 1957 йили турмуш қурган аёл фуқаролиги тўғрисидаги конвенция имзолаш учун очилган эди (1958 йилдан кучга кирди). У янги тамойилни ўрнатди — чет эллик билан турмуш қуриш ёки ажралиш ёхуд никоҳ иттифоқи мавжудлиги даврида эри фуқаролигининг ўзгариши «хотинининг фуқаролигида автоматик тарзда акс этмайди» (1-модда). Бу мазкур соҳада аёллар тенгҳукуқлигини ўрнатишигина эмас, балки халқаро муносабатлар учун номақбул жараён, яъни фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар) сони ёки икки ё ундан ортиқ фуқаролиги бўлган шахслар (бипатридлар) сонининг ортиб бориши жараёнини қисқартиришга қаратилган акт ҳам бўлди. Бунга хусусан Қозогистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси асос беради. Шу билан боғлиқ равишда 1954 йили Апатридлар мақоми тўғрисидаги конвенция, 1961 йилда эса Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисидаги маҳсус конвенция қабул қилинди.

Апартеид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолашнинг 1973 йилги халқаро конвенцияси ана шу каби жиноятлар таркибига бирор бир ирқий гурухга мамлакат ҳаётида иштирок этишга халал берадиган ёки хусусан мазкур гурух аъзоларини фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилиш йўли билан уларнинг тўқис ривожланишига халал берадиган шароит яратишга қаратилган «қонун тусидаги ва ўзгача исталган чоралар»ни ҳам киритди (2-модда).

Фуқароликнинг баъзи жиҳатлари урушдан кейинги даврда дунёning у ёки бу худудида қочоқлар муаммосининг юзага келиши билан боғлиқ равишда ҳалқаро тусга эга бўлди. Улар умумжаҳон миқёсида 1951 йили қабул қилинган Қочоқлар Мақоми тўғрисидаги конвенция билан мувофиқлаштирила бошлаб, у 1967 йили Қочоқлар мақомига оид баён (протокол) билан тўлдирилди. Африкадаги озодлик ҳаракатлари ва давлатлардаги мустамлакачилиқдан сўнгги тўқнашувлари билан боғлиқ равишда 1969 йили Африкада қочоқлар муаммоларининг ўзига хос томонларини мувофиқлаштирувчи ўз минтақавий конвенцияси қабул қилинди.

Ўзлари фуқаро бўлмаган давлат худудига келиб қолган, лекин унинг фуқароси бўлмаган шахсларнинг ҳукуқий мақоми тўғрисидаги масала Фуқароликнинг ҳалқаро-ҳукуқий жиҳатларидан бири бўлиб қолди. Булар юқорида айтиб ўтилган қочоқларгина эмас, 1948 йилги Инсон ҳукуқлари умумий декларациясида 14-моддасидаёқ, «ҳар бир инсон таъқибдан (жиноий бўлмаган — РТ) бошқа мамлакатларда бошпана олиш ҳукуқига эга ва ана шу бошпанадан фойдаланиши» кўзда тутилган. Ушбу қоидани ривожлантира бориб БМТ 1967 йили ҳудудий бошпана тўғрисидаги декларацияни қабул қилди. 1985 йили эса у Ўзлари яшаб турган мамлакат фуқароси бўлмаган шахсларга нисбатан инсон ҳукуқлари тўғрисидаги декларацияни қабул қилди.

## 23. ҚОЧОҚЛАР ВА ҲАЛҚАРО ҲУКУҚ

ХХ аср ҳалқаро муносабатларининг ушбу долзарб муаммоси СССР учун давлат бўлиниб кета бошлаганига қадар назарий бўлиб келган эди. Ҳозирда МДҲда қочоқлар муаммоси энг долзарб тусга эга бўлди.

Бугунги кунда ҳалқаро ҳукуқнинг қочоқлар бўйича икки универсал манбаи мавжуд: 1951 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция ва 1967 йилги Қочоқлар мақомига оид баён (протокол). 1951 йилги конвенция «қочоқ» тушунчасини қуйидагича талқин этади: бу

шундай шахски, у «ирқий белгиларга, диний эътиқодига, фуқаролигига, муайян ижтимоий гурухга оидлиги ёки сиёсий эътиқодларига кўра таъқиб қурбони бўлишдан асосланган тарзда хавфсираш туфайли ўз фуқароси бўлган мамлакат ташқарисида бўлиб, ушбу мамлакат ҳимоясидан фойдалана олмайди ёки шу каби хавфсираш натижасида бундай ҳимоядан фойдаланишни истамайди; ёхуд шу каби ҳодисалар натижасида муайян фуқароликка эга бўлмай, ана шундай хавфсираш туфайли ортга қайта олмайди ёки қайтишни истамайди».

Аммо Конвенция қўйидагиларга таъсир кучини ўтказмайди: а) тинчликка қарши жиноят, ҳарбий жиноят ёки инсониятга қарши жиноят содир этганлар; б) қочоқ бўлиб қолгунига қадар сиёсий бўлмаган оғир жиноят содир этганлар ва в) БМТ мақсад ва тамоилиларига зид қилмишлар содир этганлар. Фуқароликни янги қабул қилган ва ўзининг янги фуқаролиги давлати ҳимоясидан фойдаланадиган ёки ўзи тарк этган мамлакатга қайтиб борган ёхуд ундан ташқарида қолатуриб унинг ҳимоясидан фойдаланувчилар қочоқ ҳисобланмайди.

Халқаро ҳукуқ қочоқларни уларнинг ирқига, динига ёки келиб чиқиш мамлакатига кўра ҳар қандай камситишини тақиқлайди. Қочоқнинг шахсий мақоми у юридик жойлашган мамлакат қонунлари билан белгиланади. У мавжуд бўлмаганда эса, — ўзлари яшаб турган мамлакат қонунлари билан белгиланади. Конвенцияга мувофиқ, давлатлараро қочоқларнинг ўзлари ҳукумат ҳузурига ташриф буюриб, ўзларининг кириб келишлари ёки яшаб туришлари сабабини қониқарли тушунтириб беришлари шарти билан уларнинг ноқонуний киришлари, давлат ҳудудига ноқонуний кириб келишлари ёхуд жойлашганликлари учун жазоланмаслиги керак. Давлатлар қочоқларнинг кўчишига заруратсиз халал бермасликлари ва уларнинг ўзга мамлакатга чиқиб кетишида кўмаклашишлари шарт (31-модда).

Конвенция қочоқларнинг кўчадиган ва кўчмас мулки, уларнинг муаллифлик ва саноат ҳукуқлари, ишга жой-

лашиш ва ижтимоий таъминот ҳамда ҳоказо масалала-рини мувофиқлаштиради. Қочоқлар кучга эга бўлган йўл хужжатлари бўлмагандан ўзлари жойлашган давлатдан шахсий гувоҳномалар олишлари лозим. (21-модда).

Конвенция давлат ҳудудида қонуний тарзда ўшаб турган қочоқларни фақат суд қарорига биноан ва давлат хавфсизлиги ва жамоат тартиботи мулоҳазалари-га кўрагина кўчириб юборишга рухсат этади (32-модда). Шу вақтнинг ўзида улар қочоқларнинг жойлашиши ва фуқаролик олишини енгиллаштириб беришлари лозим. БМТ тизимида қароргоҳи Женевада жойлашган БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар Бошқармаси мавжуд.

1969 йили Африкадаги мустамлакачиликдан сўнг юзага келган тўқнашувлар натижасида бу қитъада қочоқлар муаммоларининг ўзига хос жиҳатларини мувофиқлаштирувчи минтақавий Конвенция қабул қилинган эди. Унда 1951 йилги Конвенцияда келтирилган қочоқ тушунчасининг таърифи такрорланиб, унга жиддий тўлдириш киритилган, яъни «қочоқ» атамаси, шунингдек «ташқи босқинчилик, эгаллаб олиш, чет эл ҳукмронлиги ёки у туғилиб ўсан ё фуқароси бўлган бутун мамлакат ёхуд мамлакатнинг бир қисмида ижтимоий тартибни жиддий бузган ҳодисалар туфайли ўз одатий яашаш жойини мажбуран тарқ этиб, мамлакат ташқарисида ўзга жойлардан бошпана қидиришга мажбур бўлган ҳар қандай шахсга» нисбатан қўлланилиши кўрсатилган (1-модда, 2-банд).

## **24. ЧЕТ ЭЛЛИKLAP VA XALҚARO ХУҚУҚ**

МДҲ мамлакатлари, жумладан Марказий Осиё республикаларининг мустақилликка эришишлари оқибатларидан бири — уларда «ўзларининг» (иттифокка тегишли бўлмаган) чет элликлар пайдо бўлишидир. Булар илгариги каби саёҳатчи сифатида келаётганлар ёки тадбиркорларгина эмас, балки янги тоифа — дав-

лат пойтахтларида жойлашган элчихона ва консуллик-  
ларнинг ходимлари ҳамdir..

Давлатлар ахолисининг, яъни унинг фуқаролари,  
фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет элликтар ва ҳоказо-  
лар хукуқий мақомини мувофиқлаштириш масаласи --  
давлатнинг суверен хукуқидир. Бироқ, юқорида айтил-  
ганидек, ушбу соҳаларда ҳам давлатлар ўзларини ҳалқ-  
аро ҳукуқ меъёрларига у ёки бу ҳажмда бўйсундиришга  
мажбурдирлар. Бунинг учун улар қатор кўп томонлама  
актлар қабул қилдилар. Булар орасида БМТ 1985 йилда  
қабул қилган, ўзлари яшаб турган мамлакат фуқароси  
бўлмаган шахсларга нисбатан Инсон хукуклари декла-  
рацияси каби умумий тусдаги хужжат ҳам бор.

Унда «чет эллик» деганда «ўзи жойлашган давлат-  
нинг фуқароси бўлмаган ҳар қандай шахс»(1-мод.), яъни  
ҳам ўзга давлатларнинг фуқаролари, ҳам фуқаролиги  
бўлмаган шахслар (апатридлар) тушунилади. Қочоқлар  
ҳам чет элликлар ҳисобига киритилади.

Ҳар бир давлат чет элликларни киритиш ва улар-  
нинг яшаб туриши шароитларига оид қонун ва қоидалар  
қабул қилиш ёки фуқаролари ва чет элликлар ўрта-  
сидаги фарқни белгилашга ҳақли. Бироқ шу каби қонун  
ва қоидалар ушбу давлат зиммасига олган ҳалқаро-ҳукуқ  
мажбуриятлари билан, жумладан инсон хукуклари со-  
ҳасидаги мажбуриятларига зид бўлмаслиги керак(2-  
мод.).

Чет элликлар, жумладан дипломатлар ва маҳаллий  
фуқаролик ва жиноий юрисдикциядан олинадиган бо-  
шқа шахсларнинг ҳам асосий мажбуриятлари,- ўзлари  
яшаётган ёки истиқомат қилаётган давлат қонунларига  
риоя қилиш, ушбу давлат ҳалқи урф-одат ва анъана-  
рига хурмат билан муносабатда бўлишдан иборат.

Юқорида айтиб ўтилган Декларацияда давлатлар  
ички қонунларга мувофиқ ва қабул қилаётган давлат-  
нинг ҳалқаро мажбуриятларини ҳисобга олиб, чет эл-  
ликлар унда, хусусан, куйидаги ҳукуклардан фойдала-  
нанишларига рози бўлдилар: ҳаёт ва шахсий дахлсиз-  
лик ҳукуки; шахсий ва оиласвий ҳаёти ёки турар жойига

ва хат ёзиш, олишига ўзбошимчалик билан ё ноконуний аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқи, одил судлов органлари қаршисида тенглик ва жиноят тафтишида таржимоннинг бепул ёрдамини олиш ҳуқуқи, турмуш ўртогини танлаш, оила яратиш ҳуқуқи, фикрлаш ва виждан эркинлиги ҳуқуқи (жамоат хавфсизлиги, тартиби, аҳоли соғлиги ёки маънавиятига ва ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказмаган ҳолда); она тилиси, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ҳуқуқи, даромадлари, жамғарма ва ўзга шахсий пул маблағларини чет элга (ички валюта қоидаларини ҳисобга олган ҳолда) ўтказиш ҳуқуқи. Ундан ташқари, инсон ҳукуқлари бўйича халқаро қонунларга мувофиқ келадиган демократик ички қонунлар доирасида, мазкур давлат худудида қонуний равишда яшаётган чет элликлар қуйидаги ҳукуқларга эга: мамлакатни тарк этиш, ўз фикрини эркин ифода этиш, тинч йиғинлар уюштириш, якка тарзда ёки бошқалар билан бирга мулкка эгалик қилиш, эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини эркин танлаш, маҳаллий фуқаро бўлган турмуш ўртоги билан қайта бирлашиш. Уларни қийноқлардан ҳимоя қилиш, гайриинсоний ва ғурурни поймол қиладиган муносабатдан, зўрлик билан ўтказиладиган тиббий ва илмий тажрибалардан муҳофазалаш таъминланади. Конунан яшаб келаётган чет элликлар миллий қонун асосида шунингдек қуйидаги ҳукуқлардан фойдаланадилар: хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари, ўз меҳнати учун одилона ва тенг ҳақ олиш, соғлигини муҳофаза қилиш, тиббий ва ижтимоий хизмат, касбга оид ва ўзга ташкилот ва уюшмаларга аъзо бўлиш.

Ҳар қандай чет эллик ўзи фуқароси бўлган давлат ё унинг вакили бўлмиш мамлакат консулхонаси ёки дипломатик ваколатхонаси билан исталган вақтда эркин боғлана олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

## **25.ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА АСОСИЙ ЭРКИНЛИКЛАР**

Аввалги мақолаларда айтиб ўтилганидек, иккинчи жаҳон уруши оқибатида жаҳоннинг кўпгина давлатларида, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари муаммоси давлат ҳукуматининг мутлақлашуви оқибатида унинг ўзбошимча ҳокимлиги соҳаси бўлмай қолди ва халқаро ҳукуқ томонидан келишиб белгиланган доира билан чекланиши зарурлигига рози бўлдилар. Шунингдек «асосий эркинликлар» тушунчасининг маъноси ҳақида изоҳ берилиб, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари масалаларида асосий халқаро-ҳукукий манбалар кўрсатиб ўтилди (21-мод.) Шу сабабли, бу ерда уларнинг умумий тавсифи хусусида, шунингдек ушбу соҳадаги халқаро механизм таърифига тўхталиб ўтиш лозим.

«Барча учун — ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига хурматни рағбатлантириш ва ривожлантириш»даги халқаро ҳамкорлик — халқаро ҳукуқнинг БМТ Уставида унинг тўрт бош мақсадлари орасида қайд этилган замонавий субъектларининг асосий мажбуриятларидан биридир. Бунда 1966 йилги инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, халқаро ҳукуқнинг негиз манбалари бўлмиш ҳар иккала пактда кўрсатиб ўтилганидек, халқаро ҳукуқ инсон ҳуқуқларининг «инсон шахсига хос қадр-қиммат»дан келиб чиқишига таянади.

1976 йилдан кучга кирган ҳар иккала пакт, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуки моҳиятини очиб берадиган (18-мод. қар.) ва унинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар учун негиз бўлиб хизмат қилишини уқтириб ўтадиган ўхшаш моддалар билан дебочаланади. Ҳар иккала пакт инсоннинг ҳар қандай камситилишини тақиқлайди.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт: меҳнат қилиш, одилона ва қулай

мехнат шароитлари, инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмаларини яратиш, ижтимоий таъминот, оиласи, онани, болаларни муҳофаза қилиш, муносиб турмуш даражаси, очликдан сақланиш, жисмоний ва руҳий соғлиқнинг «эрициб бўладиган энг юксак даражаси», таълим, маданий ҳаётда иштирок этиш, илмий тараққиёт натижалари ва уларни амалда қўллаш, муаллифлик хуқуқи ва бошқа хукуқларни белгилайди.

Пакт маҳсус тарзда(25-мод.) «халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларига тўлиқ ва эркин эгалик қилиш ва улардан фойдаланишга доир узвий хукуқи»ни тасдиқлайди. Бунга алоҳида эътибор бермоқ лозим, чунки баъзи МДҲ республикаларининг алоҳида конституциявий актларида халқаро хукукнинг меъёрига зид равища (уни бузиб), мазкур хукуқ давлатга тегишли деб айтилади.

Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳар кимнинг қуидаги хукуқларини қарор топтиради: хукуқий ҳимоя, жумладан мансабдор шахслар ўзбошимчалигига учраганида хукуқий ҳимоя, ҳаёт хукуки, қийноқлардан ёки шафқатсиз, гайриинсоний муносабат ёки хўрлашдан эркинлик; қуллик ва қул савдосининг «ҳар қандай кўринишидан» эркинлик; эркинлик ва шахсий дахлсизлик («Ҳар бир ҳибсга олинган шахсга ҳибсга олиш сабаби ва ушбу шахсга тақалаётган айб зудлик билан унга маълум қилинади» — 9-мода, 2-б.); ноқонуний ҳибсга олинган бўлса, товон пули тўланиши, озодликдан маҳрум этиш жойларида муруватли муносабат ва «инсон шахсига хос» қадр-қимматини ҳурмат қилиш, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш; исталган мамлакатдан, жумладан ўз мамлакатидан чиқиб кетиши, айборлиги қонунга кўра исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланиш хукуқи, ўзига қарши кўрсатма беришга ёки ўзини айбор деб тан олишга мажбур этилмаслик, хукуқий субъект эканлигининг тан олиниши, шахсий ва оиласий ҳаётига ёки турар жойи ва хат ёзиш, фикрлашига ўзбошимча ёки

ғайриқонуний аралашувдан әркін бўлиш; виждон, фикрлаш ва гоя билдиришда әркинлик (сўнгги икки ҳолда — ўзгалар ҳукуқи, давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли соғлигини бузмаган ҳолда), тинч йиғилишлар ўтказиш, уюшмалар тузиш әркинлиги; оила яратиш, уни ҳимоя қилиш; эр-хотин тенглиги; фарзандни ҳимоя қилиш; давлат ишларида иштирок этиш; қонун олдидаги тенглик ва қонуннинг тенг ҳимояси ва бошқалар. Этник, диний ва тил жиҳатидан озчиликни ташкил этганлар ўз маданияти, дини, тилига эга бўлиш ҳукуқига эга.

Хозир дунёда инсон ҳукуқлари ва асосий әркинликларига риоя қилишни назорат қилишнинг ҳукуматлараро ва жамоат механизмларининг универсал ва минтақавий кенг тармоғи мавжуд. Универсал тармоқлар ичida — БМТ тизими, минтақавий тизимлар ичida эса — Европа тизими энг кенг тарқалган. БМТ тизимида: Бош Ассамблеяning барча олти қўмитаси ва унинг баязи қўмакчи органлари (Апартеидга қарши маҳсус қўмита ва бошқалар), Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ўзининг қўмакчи органлари билан бирга (Инсон ҳукуқлари комиссияси, Озчиликни хўрлашнинг олдини олиш ва ҳимоялаш кичик комиссияси, Аёллар аҳволи бўйича комиссия) ва инсон ҳукуқлари бўйича халқаро конвенцияларга мувофиқ таъсис этилган органлар.

## **26. ХАЛҚАРО ИНСОНПАРВАРЛИК ҲУКУҚИ**

**Масаланинг тарихи.** «Инсонпарварлик» («гуманизм») тушунчаси ҳар доим ҳам ҳозир биз уни XXI аср бўсағасида тушунганимиз каби қабул қилинмаганидан тарих гувоҳлик беради. Бироқ инсонларнинг инсонпарварликни ижтимоий ҳаётнинг яхшироқ, одил тузумига интилиш билан боғлашлари шубҳасиздир.

«Гуманизм» тушунчаси, яъни инсонийлик, лотинча *humanus* — инсоний, *humanitas* — инсонийлик, инсон

табиати, илмлилик, яъни инсонга, унинг ижтимоий мавжудлиги ва онгига тааллуқли маъносини англатади.

Инсонпарварлик ўз тараққиёти жараёнида қатор босқичлардан ўтди. Инсонпарварлик тассавурлари Европада Уйғониш даврида ёқ пайдо бўла бошлаган бўлса, Шарқда ундан ҳам аввал юзага келган эди.

XVII-XVIII асрларда инсон нодонлик асиригидан озодликка чиқа бориб, ўзини ҳётнинг олий қадрияти сифатида англай бошлади. Кейинчалик ўша замон илфор инсонларининг асарларида янада тараққий эттирилган «гуманизм» тушунчаси ўша давр ижтимоий турмушида пайдо бўлди.

1789 йилги Буюк француз революцияси ва 1787 йилда Америка конституциясининг қабул қилиниши ҳам инсонпарварлик хукуки ва инсон хукуқларининг тараққий этиши ва оёққа туришига ижобий таъсир кўрсатди.

XIX асрнинг иккинчи ярми тўртта бошқа женевалик- Густав Муанье, Гийом-Анри Дюфур, Луи Аплиа ва Теодор Монуар кўмагида Женева фуқароси Анри Дюнан ғоясига кўра кейинчалик Халқаро Қизил Xоч қўмитасига айлантирилган «Бешлар қўмитаси» номи билан маълум, ярадорларга қўмак бериш қўмитасига асос солганлиги билан машҳур бўлди.

Шундан кейин кўп ўтмай Швейцария ҳукумати Женевада дипломатия конференциясини чақириб, бу ерда 1864 йилнинг 22 августида Ҳаракатдаги қўшинларда ярадорлар тақдирини енгиллатиш тўғрисидаги конвенция имзоланди.

Конвенция халқаро инсонпарварлик хукуқини кодлаштиришга қўйилган биринчи қадам бўлди. Конвенция тиббиёт қисмлари ва уларнинг ходимларини ажратиш учун оқ матодаги Қизил Xоч шаклини киритди.

**«Халқаро инсонпарварлик хукуки» тушунчасининг моҳияти.** Ҳозирги пайтда XIX тушунчаси ягона таърифга эга эмас. Бу хусусда турли қарашлар мавжуд. Мисол учун, баъзи тадқиқотчилар «уруш ҳукуки» таърифини тавсия этсалар (Ф.Бербер, А.Фердроcс), ўзгалар «Халқаро уруш ҳукуки» атамасидан фойдала-

нишни (Е.Барт), учинчилар — «уруш қонуни» (Л.Оппенгейм), яна бирлари «қуролли мажаро» (С.Е.Нахлик) атамасини, бешинчилар «қуролли мажаролар хукуки» жумласидан фойдалананишни таклиф этадилар(БМТ, Д.Б.Левин, Л.И.Савинский).

Хозирги пайтда аксарият тадқиқотчилар «халқаро инсонпарварлик хукуки» атамасини қўллашни маъқул деб топмоқдалар. Мазкур атама швейцариялик Жан Пиктега тегишли бўлиб, бир қатор халқаро актлар, жумладан қуролли мажаролар даврида халқаро инсонпарварлик хукукини қарор топтириш ва тараққий эттириш масаласи юзасидан Женева дипломатия конференцияси (1974-1977й.) номидан ҳам ўрин олди.

Хозирга келиб XIX атамасини қўллаш бирмунча афзалроқ кўринади, чунки у аввалгиларга нисбатан анча кенг талқин қилинади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, инсонпарварлик хукуки икки бўлимдан иборат: 1-сафдан чиқкан ҳарбийлар манфаатини, шунингдек ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаган шахсларнинг манфаатларини муҳофаза қиласиган «Женева хукуки»; 2 — ҳарбий операцияларни амалга оширишда урушаётган томонларнинг хукуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган ва зарба бериш воситаларини танлаш имкониятини чеклайдиган «Гаага хукуки».

Баъзи тадқиқотчилар (Ж.Пикте) инсон хукукларида умумий тамойиллар тақдим этилган бўлиб, шу вақтнинг ўзида инсонпарварлик хукуки эса факат ўзига хос тусга эга деб ҳисоблайдилар, чунки у уруш инсон хукукларини амалга оширишга халал бериши ёки уларни чеклаб, кўйиши мумкинлигини ҳисобга олиб, уруш бошланганидагина қўллана бошлайди.

Инсонпарварлик хукуки факат қуролли мажаролар вақтидагина кучга кирса, инсон хукуки тўғрисидаги қонунлар асосан тинчлик вақтида амал қиласи ва унинг уруш шароитида қўлланилишини чекловчи моддаларга эга. Ундан ташқари, инсон хукуклари тўғрисидаги қонунлар давлат ва унинг ўз фуқаролари ўртасидаги,

инсонпарварлык ҳуқуқи эса — давлат ва душман давлат фуқаролари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиради.

Ўзгалар (И.П.Блишченко) фикрига кўра, ХИХ уч қисмдан иборат, яъни: тинчлик давридаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тартибини белгилайдиган ҳалқаро-ҳуқуқий меъёрлар мажмуи; куролли можаро вақтида инсоннинг оддий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш тартиби; куролланиш пойгасини чеклаш.

Т.Леско қуролли можаролар ҳуқуқи тўрт қисмдан иборат деб ҳисоблайди: ҳалқаро уруш арафаси ҳуқуқи, ҳалқаро уруш ҳуқуқи, ХИХ ва ҳалқаро жиноий ҳуқуқ.

**Шундай қилиб, ХИХ** — ҳалқаро ошкора ҳуқуқнинг жадал ривожланиб бораётган мустақил, умум қабул қилинган тамоийиллар асосида, шунингдек уруш ва тинчлик масалаларини мувофиқлаштирувчи, шу билан бирга шахснинг энг тўлиқ ҳимоясини таъминлайдиган ва давлат ҳамда алоҳида жисмоний шахсларнинг масъулиятини белгилайдиган кўп томонлама битим ва таомиллар асосида амал қиласидиган мустақил соҳаларидан биридир.

**ХИХ манба ва тамоийиллари.** ХИХнинг асосий манбалари шартнома ва таомиллар ҳисобланади. Илгари урушлар оддий ҳуқуқ ёрдамида мувофиқлаштирилган бўлса, 1864 йили Женева конвенцияси (ярадор ва хасталанган ҳарбийлар тўғрисида) қабул қилинганидан сўнг (ХИХ да кодлаштиришга асос солган биринчи конвенцион битим деб ҳисобланган), қатор бошқа ҳужжатлар юзага келди:

- 1868 йилги портловчи ўқлар тўғрисидаги Санкт-Петербург декларацияси;
- Куруқликдаги уруш тўғрисидаги Гаага конференциялари (1899 ва 1907 йиллар), айнан: 1907 йилдаги тўртинчи Конвенция ва унга илова қилинган Низом; 1907 йилги ярадорлар, хасталар ва кема ҳалокатига учраганлар тўғрисидаги ўнинчи конвенция;
- 1925 йилги кимёвий курол тўғрисидаги Баённома (протокол);

- Харбий асиirlар түғрисидаги 1929 йилги Женева конвенцияси;
- Геноциднинг олдини олиш ва унинг учун жазо бериш түғрисидаги 1948 йилги Конвенция;
- 1949 йилги Женева конвенциялари:
  1. Куруқликдаги хасталар ва ярадорлар түғрисида;
  2. Хасталар, ярадорлар ва денгизда кема ҳалокатига учраганлар түғрисида;
  3. Харбий асиirlар билан муомала қилиш түғрисида;
  4. Фуқаро бўлган шахсларни ҳимоя қилиш түғрисида;
- Уруш даврида маданий бойликларни муҳофаза қилиш түғрисидаги 1954 йил конвенцияси;
- Кимёвий ва бактериологик қуролдан фойдаланишини тақиқловчи конвенция, 1972 йил;
- 1949 йил (1977) конвенцияларига қўшимча баённомалар:
  1. Халқаро қуролли можаролар түғрисида;
  2. Халқаро тусга эга бўлмаган қуролли можаролар түғрисида;
- миналар, ёндириб юбориш қуроли, парчаларини топиб бўлмайдиган снарядлардан фойдаланишини чекловчи 1980 йилги конвенция.

Ҳозирги вақтда ана шулар ХИХ учун негиз бўлган асосий ҳужжатлардир.

Ундан ташқари ХИХда асосий ва умумий **тамоиллар** мавжуд.

Масалан, ХИХнинг асосий тамоиллари деб қуидагилар ҳисобланади:

- инсонпарварлик тамоили;
- инсонпарварлик ҳуқуқи тамоили;
- Женева ҳуқуқи тамоили;
- Гаага ҳуқуқи тамоили.

ХИХ умумий тамоилларига қуидагилар киритилади:

- дахлизизлик тамоили;
- хўрлашга йўл қўйиб бўлмаслик тамоили;
- хавфсизлик тамоили.

ХИХнинг можаролар қурбонларига оид тамоиллари;

- бетарафлик тамоили;

- нормаллик тамойили;
- химояланиш тамойили.

ХИХнинг уруш ҳуқуқи (Гаага ҳуқуқи)га оид тамоиллари:

- шахсларга кўра чеклаш тамойили;
- уруш ҳаракатларини олиб бориш восита ва усулларига кўра чеклаш тамойили.

Бундан ташқари Қизил Хоч Халқаро қўмитаси ўз фаолиятининг етти асосий тамойилини эълон қилди:

- инсонпарварлик;
- беғаразлик;
- бетарафлик;
- мустакиллик;
- кўнгиллилик;
- бирлик;
- универсаллик.

ХИХнинг барча асосий манбалари ва унинг тамоиллари ўзаро боғлиқ ва уларга риоя қилиш барча халқаро ҳуқук субъектлари учун мажбурий эканлигини қайд этиш лозим.

## **27. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ. БОШ АССАМБЛЕЯ**

Бош Ассамблея — БМТнинг энг ваколатли органи бўлиб, унинг ишида мазкур универсал ва ўз аҳамиятига кўра нодир ташкилотнинг аъзоси бўлган барча 85 давлат иштирок этади. Ундан ташқари Бош Ассамблея фаолиятида Нью-Йоркда БМТ қошида доимий кузатувчи мақомига эга давлатлар ҳам иштирок этади. Швейцария (1946 йилдан) ва Ватикан (1954 йилдан) шулар жумласига киради. Ҳукуматлараро ташкилотлар доимий таклиф этилганлар мақомига эга. БМТ Бош Ассамблеяси ўз сессияларида:

- халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-куватлашга оид ҳар қандай масалаларни муҳокама қиласди ва улар бўйича тавсиялар беради;
- тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-куватлаш иши-

да давлатлаара ҳамкорлик масалаларини, жумладан куролсизланиш ва қуролланишни мувофиқлаштириш масалаларини кўриб чиқади;

— сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳалар, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида тадқиқотлар ўтказади ва халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш максадида тавсиялар беради;

— низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича тавсиялар беради;

— БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва унинг бошқа органдари маъruzаларини тинглайди;

— БМТ бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, унинг аъзолари бадаллари миқдорини белгилайди;

— Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик бўйича Кенгашнинг доимий аъзоларини сайлайди;

— Хавфсизлик Кенгаши билан биргалиқда Халқаро Суд судьяларини сайлайди ва Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига кўра БМТнинг Бош Котибини тайинлайди;

— Халқаро Суддан исталган юридик масала юзасидан консультатив хulosалар сўрайди (талаб қиласи);

— Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига кўра БМТга янги аъзолар қабул қиласи.

Ҳар йили Бош Ассамблея ўзининг навбатдаги сессиясини сентябрь ойининг ҳар 3-сешанбасида бошлайди, бу ҳакда БМТ Бош Котиби унинг аъзоларини хабардор қиласи.

Навбатдаги сессия кун тартибига кўриб чиқиш учун Бош Ассамблея томонидан Бош котиб томонидан тузилган масалалар киритилиб, улар БМТ аъзоларига маълум қилинади. Одатда, навбатдаги сессиянинг дастлабки кун тартибига, Бош Ассамблеяning 1981 йил 30 декабрь ҳолатига кўра расмий тартиб қоидаларига мувофиқ қуйидаги масалалар киритилади.

а) ташкилот фаолияти тўғрисидаги Бош котиб маъруzasи;

б) Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик бўйича Кенгаш, Халқаро Суд, Бош

Ассамблеяning кўмакчи органлари ва маҳсус муассасаларининг маърузалари (бундай маърузалар тузилган битимларда кўзда тутилган бўлса);

в) Бош Ассамблея бундан аввалги сессияларидан бирида кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қилган барча бандлар;

е) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзга бош органлари томонидан таклиф этилган барча бандлар;

д) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай аъзоси томонидан таклиф этилган барча бандлар;

е) кейинги молия йили бюджетига оид ва ўтган молия йили учун ҳисбот тўғрисидаги маърузага оид барча бандлар;

ж) Бош котиб Бош Ассамблея кўриб чиқиши учун киритиш зарур деб топган барча бандлар;

з) Уставнинг 35-моддаси, 2-бандига мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси бўлмаган давлатлар томонидан таклиф этилган барча бандлар.

**Махсус сессиялар** исталган масала юзасидан чақирилиши мумкин. БМТ тарихида маҳсус сессия илк марта 1947 йили (28 апрель — 15 май) Фаластин тўғрисидаги масала бўйича чақирилган эди. Хавфсизлик Кенгаши талабига биноан чақирилаётган маҳсус сессиянинг дастлабки кун тартиби расмий маросимлар қоидасига биноан БМТ аъзоларига камида 14 кун аввал, Ташкилот кўпчилик аъзоларининг ёки кўпчилик кўшилган аъзолардан бирининг талабига кўра чақирилганда эса, — сессия очилишидан камида 10 кун аввал маълум қилинади. Дастлабки, кун тартиби сессияни чақириш тўғрисидаги билдириш билан бирга маълум қилинади.

**Фавқулодда маҳсус сессиялар** тинчлик учун хавф түғилганда, тинчлик бузилиб ёки босқинчилик рўй бергандан чақирилади. Фавқулодда маҳсус сессиялар БМТ Бош котиби томонидан ана шундай сессияни чақириш тўғрисидаги Хавфсизлик Кенгашидан келиб тушган ва Кенгашининг исталган 9 аъзоси овози билан қўллаб-куватланган, БМТ аъзоларининг кўпчилиги талабига

кўра ёки БМТ аъзоларидан бирининг талабига сессия чақириш тўғрисидаги БМТнинг қолган аъзоларининг кўлчилиги қўшилиши тўғрисидаги талабнома олингандан сўнг 24 соат давомида чақирилади.

1956 йили БМТ тарихида биринчи маротаба фавқулодда маҳсус сессия бир вақтнинг ўзида икки сабабга кўра — 1 ноябрдан 10 ноябргача Сувайш канали юзасидан ва 4 ноябрдан 10 ноябрга қадар Венгриядаги аҳвол тўғрисидаги масала юзасидан чақирилган эди.

Бош Ассамблея ишида иштирок этиш учун Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар делегацияси кўпи билан беш вакил ва беш муовиндан ва делегация учун зарур микдордаги маслаҳатчилар, эксперталар ва тегишли мавқега эга шахслардан иборат бўлиши лозим. Вакил муовини делегация бошлигининг тайинлашига кўра вакил мажбуриятларини бажариши мумкин. Ҳар бир сессия бошида Бош Ассамблея Раиснинг таклифига кўра вакиллар ваколатини ва маъruzалар тақдим этилишини текшириш бўйича Кўмитанинг 9 аъзосини тайинлайди. Давлат вакилларининг ваколати ва делегациялар рўйхати Бош котибга, имкон борича, сессия очилишидан камида бир ҳафта аввал тақдим этилиши лозим. Ваколатлар давлат раҳбари, хукумат раҳбари ёки ташки ишлар вазири томонидан берилгандагина ҳақиқий ҳисобланади. Ўзбекистон қонунларига биноан вакилларнинг ваколати давлат раҳбари — Президент томонидан белгиланади.

Навбатдаги сессия фаолиятини юритиш учун унинг бошланишида мансабдор шахслардан Бош қўмита сайланиб; у Раисдан, раиснинг 21 муовини ва 7 асосий қўмита раисларидан иборат бўлади. Бош Қўмита таркибига ҳар қандай делегациядан биттадан ортиқ аъзо кирмаслиги лозим.

Ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Бош Ассамблея Раиси, одатда, овоз бермайди. Унинг учун унинг топшириғига биноан делегациянинг бошқа аъзоси овоз беради. Раис ўз фаолиятида Бош Ассамблея қарорларига бўйсунади.

БМТ Уставида кўрсатилганидек, Бош Ассамблея муайян вазифаларни бажариш учун зарур деб топган кўмакчи органларни таъсис этишга ҳам ваколатлидир. (22-модда).

Бундай органларга қуидагилар киради:

а) Сиёсий масалалар ва хавфсизлик масалалари, жумладан, қуролларни мувофиқлаштириш қўмитаси (1-кўмита);

б) Махсус сиёсий қўмита;

в) Иқтисодий ва сиёсий масалалар бўйича қўмита (2-кўмита);

г) Махсус ва инсонпарварлик масалалари ва маданият масалалари бўйича қўмита (3-кўмита);

д) Васийлик, жумладан, ўз-ўзини бошқармайдиган худудлар масаласи бўйича қўмита (4-кўмита);

е) Маъмурий ва бюджет масалалари бўйича қўмита (5-кўмита);

ж) Хукукий масалалар бўйича қўмита (6-кўмита).

**Бош қўмиталардан ташқари,** Бош Ассамблея қўмиталар, кичик қўмиталар, комиссиялар, кенгашлар, минтақавий марказлар, масалан, Ваколатларни текшириш қўмитаси, Ҳинд океани бўйича махсус қўмита ва ҳоказоларни таъсис этиши мумкин.

**Овоз бериш.** БМТ Уставига (18-модда) биноан Бош сессиянинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Халқаро ташкилотларда қарорлар қабул қилиш тартибини қуидагиларга ажратиш мумкин: 1. Анъанавий. 2. Концессуал. 3. Аралаш.

Бош Ассамблея учун БМТ аъзоси бўлган давлатлар иродасини овоз бериш йўли билан ифодалайдиган анъанавий тизим хосдир.

**Бош Ассамблеянинг** муҳим масалалар бўйича қарорлари Ташкилот аъзолари ҳозир бўлғанлари ва овоз беришда иштирок этганлари овозларининг учдан икки қисми (ёки малакали кўпчилиги) билан қабул қилинади. Бу каби масалалар БМТ Уставининг 18-моддаси 2- бандида белгиланган.

Бош Ассамблеяning расмий тартиб бўйича қарорлари ташкилот аъзоларидан ҳозир бўлганлар ва овоз беришда иштирок этаётганлар оддий кўпчилик овози билан (ёки 50 фоиз + 1 овоз) қабул қилиниши мумкин (18-модда 3-банди).

Бош Ассамблея ишида иштирок этаётган, бироқ овоз беришдан тийилган, БМТ аъзоси бўлган давлатлар овоз беришда иштирок этмаётганлар деб қаралади.

Номма-ном овоз бериш тартиби ўз хусусиятига эга: мисол учун, у Раис томонидан қуръага кўра белгилана-диган инглиз алифбоси тартибида ўтказилади. Овоз бериш якунлари мажлис ҳисботига инглиз алифбоси тартибида Ташкилот аъзоларининг номлари бўйича киритилади. Номма-ном ёки механик овоз беришда БМТ аъзоси бўлган давлатлар «Ҳа», «Йўқ», ёки «Бетарафман» деб жавоб берадилар.

Овоз бериш масалаларига БМТ ва бошқа ҳалқаро ташкилотларда катта аҳамият берилади. Вакт ўтиши билан овоз бериш расмий тартиби тобора демократик тусга эга бўлиб бормоқда. Мисол учун, кейинги пайтда қарор қабул қилишнинг консенсус услуби кенг кўлланилмоқда. БМТ ҳужжатларига кўра, консенсус «овоз бермасдан умумий розиликка келиш, бироқ якдиллик (бир овозлилик) шарт эмас», деб таърифланади.

**Консенсус** давлатларнинг оддий иродасини маълум қилишигина эмаслигини қайд этмоқ лозим. 1975 йилги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг якуний мажлиси акти консенсусга яққол мисол бўла олади. Овоз беришнинг мазкур тизими айниқса ҳалқаро анжуманлар, кенгашлар ишида тобора кенгроқ кўлланилмоқда. Мисол учун, БМТ қуролсизланишга оид маҳсус сессиясининг фаолияти ҳам консенсусга асосланиб қурилди.

БМТ Уставининг 4-моддасига мувофиқ:

«1. Ташкилот аъзолигига қабул мазкур Устав бўйича мажбуриятларни зиммасига олған ва, Ташкилот фикрига кўра, ушбу мажбуриятларни бажара оладиган ва

бажаришни истаган барча бошқа тинчликсевар давлатлар учун очик.

2. Ҳар қандай ана шундай давлатни Ташкилот Аъзолигига қабул қилиш Баш Ассамблеясининг қарори билан Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига биноан амалга оширилади».

Ана шу билан боғлиқ равишда 1948 йилдаёқ БМТ Халқаро Суди ўз консультатив хулосасида БМТга қабул қилиш учун талаб этиладиган беш мезонни кўрсатиб ўтди. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) давлат,
- 2) у тинчликсевар бўлса,
- 3) Уставда баён этилган мажбуриятларни зиммасига қабул қиласа,
- 4) ушбу мажбуриятларни бажара олса,
- 5) уларни бажаришни истаса.

БМТга янги аъзоларни қабул қилиш учун давлат номидан Баш котиб номига расмий акт шаклидаги ариза берилиб, унда давлатнинг Устав қоидаларини эътироф этиш ва бажариш бўйича мажбуриятлари акс эттирилган бўлиши шарт.

БМТ Баш котиби ариза нусхасини маълумот тарикасида Баш Ассамблеяга, БМТ аъзоларига юборади; бу ҳақда Хавфсизлик Кенгashi аъзолари ҳам хабардор этилади.

Хавфсизлик Кенгashi қабул тўғрисидаги аризани кўриб чиқади ва ўз хулосасини ёзма равишда тақдим этади.

Хавфсизлик Кенгashi ваколатига — ушбу давлат Хавфсизлик Кенгashi нуқтаи назаридан тинчликсевар ёки йўқлиги ва Устав бўйича мажбуриятларни бажаришни исташ-истамаслиги масаласини ҳал қилиш кирди. Бунга асосланиб Хавфсизлик Кенгashi Баш Ассамблеяга БМТ аъзолигига у ёки бу давлатни қабул қилишни тавсия қилиш ёки тавсия қилмаслик ҳақида қарорга келади.

Ўзбекистон мисолида қуйидаги фактни келтириш мумкин. Барча расмий талаблар бажарилгандан сўнг

Ўзбекистонни БМТ аъзолигига қабул қилиш масаласи Хавфсизлик Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, у 1992 йилнинг 29 январида овоз бермасдан Бош Ассамблеяга Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкilotига қабул қилишни тавсия этди, бу ҳақда БМТ Бош котиби Б.Бутрос Голий ўзининг Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов номига йўллаган номасида маълум қилди.

Шундай қилиб, Хавфсизлик Кенгашининг тавсияномаси у ёки бу давлатни БМТ аъзолигига қабул қилиш масаласини Бош Ассамблеяда кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Хавфсизлик Кенгаши Бош Ассамблеяга тавсиянома билан бирга бўлиб ўтган мунозара тўғрисидаги тўлиқ ҳисботни топширади. Махсус маърузада баён этилган худди ана шундай ҳисбот, Хавфсизлик Кенгаши аризани кўриб чиқишни тавсия этмаган ёки вақтинча қолдирган ҳолларда ҳам Бош Ассамблеяга тақдим этилади.

Янги аъзоларни қабул қилиш учун Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеяда овоз бериш масаласи муҳим ўрин тутади.

Бош Ассамблея (18-модда) ва унинг расмий маросим тартибида (83-модда) белгиланишича, янги аъзоларни қабул қилиш учун Ассамблея аъзоларининг ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этаётганларнинг учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овози талаб этилади.

Аммо, ҳозирги вақтда Бош Ассамблеяда янги аъзоларни кўпчилик овоз билан эмас, балки умумий келишувга биноан қабул қилиш анъанаси юзага келганини қайд этмоқ лозим. Бу каби ҳолларда овоз бериш амалга оширилмайди.

1992 йилнинг 2 марта даги БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида ҳам расмий маросим шу каби тартибда ўтиб, Ўзбекистон Республикаси БМТ аъзолари бўлган давлатлар томонидан бир овоздан тасдиқлаш йўли билан қабул қилиниб, бундан кейин Устав қоидалари асосида мазкур актни юридик мустаҳкамлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

## **28. ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ·**

БМТ Уставига биноан, Хавфсизлик Кенгаши зиммасига «дунёда тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш учун асосий масъулият» юкланди. (24-модда).

Хавфсизлик Кенгашининг дунё ҳодисаларига етарли даражада тезлик билан муносабат билдирганини эслатиб ўтиш мухим. 1946 йилдан то 1996 йилга қадар Хавфсизлик Кенгаши 200 дан ортиқ низо ва можароларни кўриб чиқиб, бунда 3000 дан ортиқ мажлис ўtkазилди.

1948 йилдан бошланган даврда Хавфсизлик Кенгашининг қарорига биноан 35 дан ортиқ тинчлик ўрнатиш бўйича операциялар ва кузатиш миссиялари ўтказилган, 1988 йилдан 1994 йилгача тинчликни қўллаб-қувватлаш бўйича 24 янги операция амалга оширилиб, 1995 йилнинг бошига келиб жаҳоннинг турли ҳудудларида БМТ нинг 69 мингта яқин ҳарбий хизматчиси, ҳарбий кузатувчилари ва 77 мамлакатнинг фуқаро полицияси ходимлари иштирок этган. 1948 йилдан бошлаб 120 мингдан зиёд ҳарбий хизматчи ва минглаб фуқаро шахслар БМТ кучларида хизматни ўтадилар ва улардан деярли 1200 таси тинчликни қўллаб-қувватлаш операцияларида иштирок этиб, ҳалок бўлдилар.

Хавфсизлик Кенгашининг фаолияти БМТ Уставининг V бобида (23-32-моддалар) акс эттирилган. Ундан ташқари, Хавфсизлик Кенгашига берилган муайян ваколатлар VI, VII, VIII, IX бобларда баён этилади. БМТ Уставининг 30-моддасига асосан, «Хавфсизлик Кенгаши ўз расмий маросим қоидаларини, жумладан ўз Райсими сайлаш тартибини белгилайди».

Хавфсизлик Кенгаши турли мақомга эга бўлган 15 аъзодан иборат (1965 йилнинг 31 августида кучга кирган 1963 йил 17 декабридаги тузатиш киритилганига қадар у 11 аъзодан иборат бўлган). Хавфсизлик Кенгашининг доимий (мунтазам) аъзолари ёки қабул қилинганидек «буюк давлатлар» қаторига Хитой Республикаси, Франция, Россия (1992 йилгача — СССР), Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ва

Америка Кўшма Штатлари кирадилар. Доимий бўлмаган (номунтазам) аъзоларга икки йил муддатга сайланадиган давлатлар киради. 1963 йилгача доимий бўлмаган аъзо номидан олти давлат вакил бўлиб, Уставга киритилган ўзгартиришлардан сўнг уларнинг микдори ўнтаға етди. Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзолари географик жойлашувига қараб адолатли тарзда икки йил муддатга сайланади. Ҳар йили бундай аъзоларнинг ярми қайтадан сайланади.

Халқаро ҳукуқ назариётчилари ва давлатлар ҳамда ҳукуматларнинг раҳбарлари ўртасида Хавфсизлик Кенгashi аъзоларининг сонини ўзгартириш тўғрисидаги фикрлар доимо билдирилиб келмоқда. Хусусан, 1979 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгashi микдорий таркибини 21 аъзогача кенгайтириш тўғрисида Бош Ассамблея резолюциясининг лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, лекин мазкур лойиҳа ҳозирча етарли қўллаб-қувватланмади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1993 йил 23 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасида «БМТ нинг ҳал қилувчи органи — Хавфсизлик Кенгashi ҳозирги дунёнинг ижтимоий-иктисодий, этник-маданий, конфессионал, маънавий турли-туманлигини айнан акс эттириши, шунингдек самарали чоралар қўллаши учун ҳам юзага келган ўз консерватив тузумини қайта кўриб чиқиши учун қатъий зарурат туғилгани» қайд этилган эди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йил 24 октябрдаги 50-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Германия ва Японияни БМТ Хавфсизлик Кенгashi доимий аъзолари таркибиға киритиш тўғрисидаги гояни илгари сурди.

#### **Хавфсизлик Кенгашининг асосий вазифалари ва ваколатлари куйидагилардан иборат:**

- халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш;
- Бош Ассамблея кўриб чиқиши учун ҳар йилги маърузаларни ва зарур ҳолларда — маҳсус маърузаларни тақдим этиш;

- у ўз вазифаларини бажариши учун зарур деб топган кўмакчи органларни таъсис этиш;
- ўз расмий маросим қоидаларини белгилаш;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича тавсиялар бериш;
- ҳалқаро келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай низо ёки вазиятни текшириб чиқиш;
- тинчликка хавф туғилганда ёки босқинчилик юз берганида унга таъриф бериш;
- БМТ га янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисида тавсиялар бериш;
- Бош Ассамблеяга Бош котиб тайинлаш тўғрисида ва Бош Ассамблея билан бирга Халқаро Суд аъзоларини сайлаш тўғрисида тавсиялар бериш.

Хавфсизлик Кенгаши фаолиятида иш юритиш жараёни муҳим ўрин тутиб, у «узлуксиз равишда фаолият кўрсатиш учун шунга мувофиқ тарзда ташкил этилади» (БМТ Уставининг 28-моддаси). Ушбу ҳолат Хавфсизлик Кенгашига тинчлик ва хавфсизлик учун хавф туғдириши мумкин бўлган вазият ёки низоларни зудлик билан кўриб чиқиш имкониятини беради. Шу билан боғлиқ равишда Уставда белгиланишича (28-модда, 3-банд), «Хавфсизлик Кенгашининг мажлислари нафақат Ташкилотнинг жойлашиш жойида, балки Кенгаш фикрига кўра, унинг фаолияти учун нисбатан кулайроқ бўлган ҳар қандай бошқа ерда ўтказилиши мумкин». Шу каби мажлислар Хавфсизлик Кенгаши амалиётида 1972 йили Аддис-Абебада, 1973 йили Панамада, 1990 йили Женевада бўлиб ўтган эди.

Хавфсизлик Кенгаши Ташкилот мазкур аъзосининг манфаатларига дахлдор деб топган барча ҳолатларда, Хавфсизлик Кенгашига киритилган ҳар қандай масала муҳокамасида Хавфсизлик Кенгашининг аъзоси бўлмаган ва овоз бериш хукуқига эга бўлмаган БМТ нинг исталған аъзоси иштирок этиши мумкин. (31-модда). Ундан ташқари, Хавфсизлик Кенгаши масалани ўзи ҳаққоний деб хисоблаган шароитда муҳокама қилиш учун тарафлар иштирокчиларини, улар низолашаётган тараф

бўлган ҳолларда, уларнинг БМТ га аъзолигидан қатъи назар, таклиф этиши мумкин.

Кенгаш бошқа қарорга келмаганда, Хавфсизлик Кенгашининг иши очик тусда олиб борилиши мумкин; ёпиқ мажлислар Баш Ассамблеясининг тавсиясига кўра Баш котибни тайинлашда ўтказилади.

Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси БМТ Уставига биноан бир овоз хукуқига эга (27-модда). Хавфсизлик Кенгашининг расмий маросим масалалари бўйича қарорлари, унинг учун Кенгашининг 9 аъзоси овоз берганида, қабул қилинган ҳисобланади. Бошқа барча масалалар юзасидан қарорлар, улар учун Кенгаш 9 та аъзосининг, жумладан, унинг барча доимий аъзоларининг мос овозларини қўшганда қабул қилинган ҳисобланади.

Хавфсизлик Кенгашининг қарорлари, 33-моддада кўрсатилганидек, тавсия тусига эга бўлиб, ушбу моддада тарафлар низоларни биринчи навбатда музокаралар, текширув, воситачилик, ярашув, ҳакамлик, суд муҳокамаси, минтақавий органларга мурожаат қилиш, битим тузиш ёки ўз ихтиёрига кўра ўзга тинч воситалар ёрдамида ҳал қилишга интилмоқликлари лозимлиги кўрсатилган. Ёки 36-моддада айтилганидек, юридик тусга эга бўлган низоларни, одатда, тарафлар Суд Мақоми қоидаларига мувофиқ Халқаро Судга оширишлари шарт. Лекин айни вақтда Хавфсизлик Кенгashi қарорлари БМТ аъзоси бўлган давлатлар учун ҳам превентив (39-модда), ҳам императив (50, 52-моддалар) тусга эга бўлиши мумкин. Уставнинг 25-моддасида айтилишича, Ташкилот аъзолари Хавфсизлик Кенгashi қарорларига бўйсунишлари ва уларни бажаришлари шарт.

## **29. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ КЕНГАШ (ЭКОСОС)**

ЭКОСОС БМТнинг асосий органларидан бири ҳисобланиб, аъзоликка сайланадиган 54 давлатни ўз ичига олади. Баш Ассамблеясининг ҳар бир навбатдаги сессиясида БМТ Уставига биноан (61-модда) 18 янги аъзо сай-

ланади. «Буюк давлатлар» ЭКОСОСнинг доимий аъзолариридир. Кенгаш ўз фаолиятида БМТ Уставига ва ЭКОСОСнинг иш қоидаларига амал қиласди. Давлатлар ЭКОСОС аъзоси қилиб сайланганида таксимот давлатлар қаерда жойлашганига қараб амалга оширилади.

ЭКОСОСнинг Олий органи сессия бўлиб, бир йилда икки марта: баҳорда --- Нью-Йоркда, ёзда — Женевада чакирилади. Кенгашда қарорлар унда ҳозир бўлган ва овоз беришда қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади (67-модда 2-банди), бунда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир.

ЭКОСОСнинг асосий вазифаси ва ваколатлари, БМТ Уставига кўра, қуидагилардан иборат:

- иқтисодий, ижтимоий, маданий, таълимий ва бошқа соҳаларда халқаро масалалар бўйича тадқиқотлар ўтказиш ҳамда маъruzалар тузиш;
- Бош Ассамблеяга ва манфаатдор махсус муассасаларга тавсиялар тақдим этиш;
- инсон хукуқлари ва барча учун асосий эркинликларни ҳурмат қилиш ва риоя этишни рағбатлантириш;
- конвенция лойиҳаларини Бош Ассамблеяга тақдим этиш;
- Кенгаш ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро конференцияларни чакириш;
- махсус муассасалар фаолиятини улар билан маслаҳатлашувлар ва Бош Ассамблея ҳамда Ташкилот аъзоларига тавсиялар воситасида келиштириш;
- Кенгаш ваколатига кирадиган масалалар бўйича ноҳукумат ташкилотлар билан маслаҳатлашувлар;
- Бош Ассамблеяга маъruzалар бўйича ўз фикрмuloҳазаларини тақдим этиш;
- Хавфсизлик Кенгашига ахборот тақдим этиш.

ЭКОСОС фаолиятида унинг қуидаги минтақавий комиссиялари муҳим роль ўйнайди:

1. Африка бўйича иқтисодий комиссия (Аддис-Абеба, Эфиопия).
2. Осиё ва Тинч Океан учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия (Бангкок, Таиланд).

3. Европа иқтисодий комиссияси (Женева, Швейцария).

4. Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасидаги мамлакатлар учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия (Сантьяго, Чили).

5. Фарбий Осиё учун иқтисодий комиссия (Бағдод, Ирек).

ЭКОСОСнинг кундалик ишида 6 та доимий қўмита иштирок этади, улар куйидагилардир:

1. Дастур ва мувофиқлаштириш бўйича қўмита.

2. Табиий ресурслар бўйича қўмита.

3. Ноҳукумат ташкилотлар бўйича қўмита.

4. Трансмиллий корпорациялар бўйича қўмита.

5. Аҳоли пунктлари бўйича қўмита.

6. Музокаралар ва ҳукуматлараро муассасалар бўйича қўмита.

Юқорида саналган асосий қўмиталар ва комиссиялардан ташқари зарурутга қараб барпо этиладиган тури қўмита ва комиссиялар (техника ёрдами, уй-жой курилиши, режалаштириш ва ҳоказолар бўйича) фаолият кўрсатади.

БМТ Болалар фонди(ЮНИСЕФ), Гиёхвандлик воситаларини истеъмол қилишга қарши курашиш фонди ва бошқалар ЭКОСОС таркибидаги маҳсус органлар ҳисобланади. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари ЭКОСОС билан маҳсус битимлар орқали боғланган.

600дан ортиқ ҳукуматга тааллукли бўлмаган ташкилотлар ЭКОСОС қошида консультатив (маслаҳатчилик) мақомига эга. Улар Кенгаш кўмак берувчи органларининг очик йигилишларида иштирок этиш учун кузатувчилар йўллайдилар. ЭКОСОС, БМТ Уставига биноан, ноҳукумат ташкилотларнинг фикрини сўраши, улар билан маслаҳатлашиши мумкин.

ЭКОСОС фаолияти БМТ бошқа асосий органларининг иши билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон ўш мустақил давлат сифатида ЭКОСОС органларининг фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Шу билан боғлиқ равишда Ўзбекистоннинг БМТ тизими

доирасидаги ҳамкорликка оид таклифлари долзарб кўринади.

Ўзбекистоннинг мазкур йўналишдаги фаол сиёсати яқин давр ичидәёқ муайян натижаларга олиб келиб, республиканинг БМТ тизимининг ўзга таркибий тузилмаларига кириши ҳам уларнинг янада салмоқли бўлишига кўмаклашарди.

## 30. ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ

Васийлик кенгаши БМТнинг асосий органларидан бири бўлиб, Низомини Уставнинг 7-моддасига биноан иш юритади. Ундан ташқари, Васийлик кенгаши Бош Ассамблея раҳбарлигига(85-модда,2-б,87-мод.), шунингдек, зарур ҳолларда Хавфсизлик Кенгаши шафелиги остида (83-модда) ҳаракат қилиши мумкин. БМТ Уставининг 91-моддасига биноан «Васийлик кенгаши тегишли вазиятларда Иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг ва ихтинослаштирилган муассасаларнинг, улар манфаатдор бўлган масалалар юзасидан ёрдамидан фойдаланаади».

БМТ Бош Ассамблеясининг 1981 йил 31 декабридаги расмий маросимлар тартиби қоидаларига, шунингдек БМТ Уставининг 86-моддасига мувофиқ васийлик қилинаётган худудларни бошқармаётган Васийлик кенгаши аъзоси уч йил муддатга сайланади ва шу вактнинг ўзида қайта сайланиши мумкин (148-қоида).

Васийлик кенгашининг асосий вазифа ва ваколатлари куйидагилардан иборат:

- бошқараётган ҳокимият томонидан тақдим этилган ҳисботларни кўриб чиқиш;
- петициялар қабул қилиш ва уларни бошқарувчи ҳокимият билан маслаҳатлашиш доирасида кўриб чиқиш;
- бошқарувчи ҳокимият билан келишилган муддатларда васийлик қилинаётган тегишли худудларга ташриф буюриш;
- васийлик тўғрисидаги битим (БМТ Уставининг 87-моддаси) шартларига мувофиқ чоралар кўриш.

БМТ Уставига биноан «Васийлик кенгаши васийлик

қилинаётган ҳар бир худуд ахолисининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, шунингдек унинг таълим соҳасидаги таракқиётига оид сўровнома (анкета) ишлаб чиқади, Баш Ассамблея ваколатида бўлган васийлик қилинаётган худудни бошқараётган ҳокимият унга ушбу сўровнома асосида йиллик маъruzаларни топширади» (88-модда).

Васийлик кенгаши ўз расмий маросимлари тартибини, жумладан ўз Раисини сайлаш тартибини жорий этади. Кенгаш ўзининг йиллик сессияларини ўтказади, ундан ташқари қайта тикланган ва маҳсус сессиялар чақирилиши мумкин. Кенгаш йигилишлари, одатда, май ойида чақирилади. Расмий маросим тартиби қоидалари «Кенгаш аъзолари кўпчилигининг талабига кўра йигилишлар чақирилишини кўзда тутмоғи лозим»(90-мод.). Васийлик кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Унинг қарорлари ҳозир бўлганлар ва овоз беришда иштирок этаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кенгашининг асосий вазифаси БМТ Уставининг 1 ва 76-моддаларига биноан БМТ мақсадларига эришишда кўмаклашишдан иборат.

БМТ яратилиш даврида васийликка олинган дастлабки худудлар 11 та эди. 1994 йилга келиб, васийлик тизими олдига қўйилган мақсад ва вазифалар уdda-ланди. Ҳозирги вақтда собиқ васийликдаги худудлар мустақил давлат мақомига эга бўлдилар ёки шу каби давлатлар таркибиغا қўшилдилар. Шунга боғлиқ равишда Васийлик кенгаши ўз расмий маросим тартиби қоидаларига ўзгартиришлар киритди ва йигилишларини зарурат туғилган шароитда ўтказадиган бўлди.

Шундай қилиб, ўтган давр мобайнида Васийлик кенгаши васийликдаги худудлар таракқиёти ва ўзини тиклаб олишида ижобий ўрин тутди. Бироқ васийлик тизими бугунги вақтда ўз вазифаларини ўтаб бўлди ва БМТ органлари таркибидаги архаик бўлинмага айланиб қолди. Ўйлаймизки, Васийлик кенгашининг, мисол учун, Экологик хавфсизлик кенгаши ёки Инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш кенгаши сифатида ўзгартирилиши учун вақт етди.

## **31. ХАЛҚАРО СУД**

Халқаро Суд БМТ тизимидағи «бош суд органи» сиғатида таъсис этилган асосий органлардан биридир. БМТ Халқаро Суди БМТ Уставининг ажралмас қисми бўлган Халқаро Суд Мақомига биноан фаолият юритади.

БМТ Уставининг XIY боб, 92-96-моддаларида Халқаро Суд фаолияти масалалари кўриб чиқилади. 92-моддада айтилишича, Халқаро Суднинг мақоми Миллатлар Лигаси доирасида фаолият юритган ва унга ўз ваколатини топширган «Халқаро Одил Суд Доимий Палатасининг Мақомига асосланган».

1921 йилнинг 1 сентябридан то 1940 йилнинг февралига қадар ўз фаолияти даврида Халқаро Одил Суд Доимий Палатаси 65 та ишни кўриб чиқди (улардан 7 таси давлатларапо низолардан иборат ва 28 та иш Миллатлар Лигаси масалалари юзасидан маслаҳатлашув хуносаларини ташкил этган).

БМТ Халқаро Суди ўзи ташкил этилган вақтдан бошлаб 72 та ишни кўриб чиқди ва 21та маслаҳат хуносасини берди.

Тузилишига кўра БМТ Халқаро Судининг Мақоми (Статут) 70 та моддадан иборат. Биринчи модда кириш қисми(преамбула)ни ташкил этган бўлса, қолганлари 5-бобга бўлинади. 1-боб судни ташкиллашириш масалаларига бағишланган (2-33-мод.); 2-боб суд компетенциясига (34-38-мод.); 3-боб суд хужжатларини юритишга (судопроизводство)(39-64-мод.); 4-боб маслаҳат хуносаларига (65-68-мод.); 5-боб тузатишлар киритиш(69-70 моддалар) тартибини белгилаб беради.

Бундан ташқари, БМТ Уставининг 93-моддасида айтилишича:

«1. Ташкилотнинг барча аъзолари Халқаро Суд Мақоми (Статути)нинг иштирокчилари ҳисобланадилар.

2. Ташкилот Аъзоси бўлмаган давлат ҳар бир алоҳида ҳолда Бош Ассамблея томонидан Ҳавфсизлик Кенгашининг тавсиясига биноан белгиланадиган шартларда Халқаро Суд Мақомининг иштирокчиси бўлиши мумкин».

Халқаро Суд «Бош Ассамблея ва Ҳавфсизлик Кенгаши Ҳакамлик Судининг Доимий Палатаси миллий гурӯхларининг таклифига биноан рўйхатга киритилган шахслардан сайлайдиган» (Мақомнинг 4-моддаси) 15 нафар судьядан иборат бўлиб, «шу билан бирга унинг таркибида бир давлатнинг икки фуқароси бўлиши мумкин эмас» (Мақомнинг 3-моддаси). Халқаро Суд аъзолигига номзодларни кўрсатишда Мақомнинг 2-моддасида қайд этилган мезонлар ҳисобга олинниб, унда «ўз давлатида олий суд лавозимлариға тайинланиш учун зарур талабларга жавоб берадиган юксак маънавий сифатларга эга бўлиши лозим»лиги кўрсатилади. Халқаро Суд аъзолари «халқаро ҳуқуқ соҳасида тан олинган юрист» бўлиши, ундан ташқари, сайлашда географик жиҳат, шунингдек турли ҳуқуқ мактабларининг (қитъа, англосаксон, мусулмон ҳуқуки ва ҳ.) вакиллиги ҳам ҳисобга олинади.

Мақомнинг 13-моддасида шундай дейилади:

«1. Суд аъзолари тўққиз йилга сайланадилар ва қайта сайланышлари мумкин, бироқ, Суд биринчи таркибидаги беш нафар судьянинг ваколати муддати уч йилдан сўнг якунланса, яна бешта судьянинг ваколатлари олти йилга бориб тугайди.

2. Бош Котиб биринчи сайловлар тугаши биланоқ судьялардан қай бири юқорида кўрсатилган дастлабки уч ва олти йилга сайланган деб ҳисобланишини куръага кўра аниқлайди».

Мақомнинг 31-моддасига биноан, шунингдек ҳамкаслари билан тенг равишда қарор қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган *ad hoc* судьяларини ишга жалб қилиш рухсат этилади.

«Тарафлар унга топширган ва Бирлашган Миллалар Уставида маҳсус кўзда тутилган ёки амалдаги шартнома ва конвенцияларда қайд этилган барча масалалар» Суд ваколати доирасига киради. «Фақат давлатларгина Суд кўриб чиқаётган ишлар юзасидан тараф бўлиши мумкинлиги» (Мақомнинг 34-моддаси) ва у «мазкур Мақом иштирокчилари бўлган давлатлар учун

очик» (Мақомнинг 35-моддаси) лигини қайд этмоқ мұхим. Мақомнинг 35-моддасига биноан «Суд БМТ аъзолари бўлмаган, лекин Халқаро Суд Мақомини тан оладиган бошқа давлатлар учун очик» дир.

Суд ўз фаолиятида ўзига топширилган низоларни халқаро ҳуқуққа асосланиб кўриб чиқади ва Мақомнинг 38-моддасига биноан қуидагиларни қўллайди:

«а) низолашаётган давлатлар томонидан муайян тан олинган қоидаларни белгилаб берадиган ҳам умумий, ҳам маҳсус халқаро конвенциялар;

б) ҳуқуқий меъёр сифатида тан олинган умумий амалиёт исботи тарзидаги халқаро таомиллар;

в) маданийлашган миллатлар томонидан тан олинган ҳуқуқнинг умумий тамойиллари;

г) турли миллатларнинг ошкора ҳуқуки бўйича энг малакали мутахассисларнинг суд қарорлари ва доктриналарини ҳуқуқий меъёрларни белгилаш учун кўмакчи восита сифатида, 59-моддада кўрсатилган эслатма билан.

2. Ушбу қарор Суднинг ех aequo et bono ишини, тарафлар шунга рози бўлганда ҳал этиш ҳуқукини чекламайди».

Халқаро Суд фаолиятидаги муаммолардан бири барча давлатлар ҳам Суднинг мажбурий юрисдикциясини тан олмай, у ёки бу модда юзасидан эслатмалар киритишлари билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда 59-та давлат ўзининг Халқаро Суд юрисдикциясининг мажбурийлигига рози эканликларини билдириди. Мазкур масала мунозарали кўринади, чунки Халқаро Суд қарорларининг мажбурийлигини эътироф этишга интилиш давлатлар суверенитетига зид келади, бирок, иккинчи тарафдан БМТ Устави 33-моддаси низоларни тинч йўл билан ҳал қилишда «музокараплар, текширув, воситачилик, ярашув, ҳакамлик, суд текшируви йўли билан, минтақавий органларга мурожаат қилиш, битим тузиш, ёки ўз ихтиёрига кўра ўзга тинч воситалар» ёрдамида ҳал қилиш имкониятини беради. Ундан ташқари, БМТ Уставининг 95-моддаси «Ташкилот аъзоларининг ўз

келишмовчиликларини ҳал қилишни бошқа судларга топширишига халал бермайди».

БМТ Халқаро Суди олдидаги муаммоларни қайд этаркан, тұғрисида таниқли жазоирлик олим, ҳозирда унинг Раиси М.Бежөвий суд ҳамон әскирган юридик намуналарни құллайды деб ҳисоблайди. Бу эса замон билан бирга қадам ташлаши керак бўлган суднинг асосий муаммосидир. Мажбурий ва автоматик тарзда бажариладиган юрисдикцияга эга бош суд органи бўлишнинг ўрнига Суд факат давлатлар розилигига асосланган муайян юрисдикцияга эга. Суд юрисдикцияси давлат ва халқаро ташкилот, икки халқаро ташкилот ўртасидаги, халқаро ташкилот органлари ўртасидаги низоларга ўтмайди.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган вақтдан бери БМТ Халқаро Судига бирон маротаба мурожаат этилмади, бироқ республика халқаро ҳукуқ меъёр ва тамойилларини сўзсиз бажариш тарафдоридир.

## **32. КОТИБИЯТ**

Котибият БМТнинг бош органларидан бири бўлиб, унинг таркибиға — Бош котиб ва Ташкилот учун зарур бўлиши мумкин бўлган ходимлар киритилади. Ходимларнинг ҳукуқий мақоми 1952 йил 2 февралидаги Бош Ассамблея резолюцияси билан тасдиқланган. Ходимлар тўғрисидаги низом орқали бошқарилади. БМТ Уставининг 101-моддасига биноан:

«1. Котибият ходимлари Бош котиб томонидан Бош Ассамблея белгилаб берадиган қоидаларга мувофиқ тайинланади.

2. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга, Васийлик Кенгашига, зарурат туғилганда — Ташкилотнинг бошқа органларига доимий равишда ишлаш учун тегишли ходимлар ажратилади. Ушбу ходимлар Котибиятнинг муайян қисмини ташкил этади.

3. Хизматга қабул қилиш ва хизмат шароитларини белгилашда биринчи навбатда, ишчанлик қобилияти,

юксак билим савияси ва сидкидилликни таъминлаш заруратидан келиб чиқиш лозим. Ходимларни имкон борича кенгроқ географик асосда танлашга ҳам етарли эътибор бериш даркор».

Ана шу тарзда, Устав халқаро хизматчиларга қўйиладиган талабларни белгилайди. Бундан ташқари, Устав холис бўлишга чакиради. Ўз вақтида Перес де Күэль-яр шундай деган эди: «БМТга кира туриб, ўз миллатини «музлатиш камерасига» қўйиб қўйиш керак: БМТ ва унинг идеалларига хизмат қилиш керак. Мен, масалан, перуликман, ўз мамлакатимни албатта севаман ва у ерда бўлаётган ҳодисаларни кузатиб бораман. Бироқ ўз мамлакатимдан юборилган кўрсатма буйруқларни қабул қила олмайман, чунки мен — халқаро ходиммандан».

Ўз навбатида, Котибият ходимлари мутахассислар ва техник ходимларга ажратилади. Мутахассислар мансабдор шахслардан иборат. Техник ходимлар эса ўз ичига котибалар, машинисткалар, курьерлар ва бошқаларни олади. Жисмоний меҳнат билан машғул ходимлар алоҳида гурухни ташкил этади.

Шундай қилиб, Котибият ходимлари халқаро фуқаро хизматини ташкил этади. Котибиятда лавозими даражасига кўра бўлинеш мавжуд — разрядлар: «Д»-директорлар, «Р» — профессионаллар, «Л» — маҳаллий (техник ходимлар). Разрядларнинг ҳар бири ўз ўрнида босқичларга бўлинади.

Котибиятга хизматга қабул қилиш ёллашнинг иккитури бўйича доимий (пенсия ёшига етгунга қадар) ва муваққат контрактлар асосида амалга оширилади. Котибиятнинг 30 фоиздан ортиқ ходимлари ана шу тарзда ишлайдилар.

БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларига ишга қабул қилинганда хизматчилар БМТ Уставининг 100-моддасига биноан ёзма қасамёд қабул қиласидилар.

Бош котиб ва Котибият ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Ташкилотга тааллуқли бўлмаган ҳар қандай хукумат ёки ҳокимиятдан кўрсатма сўраши ёки олиши керак эмас. Улар ўзларининг

Ташкилот олдида масъул бўлган халқаро мансабдор шахс сифатидаги вазиятларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатдан тийилишлари лозим.

БМТ Бош Котиби ва Котибият фаолияти икки қисмга бўлинади: умумий — кўриб чиқиш учун қабул қилинган, шу жумладан сиёсий вазият, иқтисодий аҳвол ва шу каби бошқа масалаларни ҳал қилиш ва маҳсус — расмий маросим тартиби қоидаларига оид Котибият ва раҳбари тутган ўрни, ижро этувчи раҳбарнинг шахсий ва хизмат хислатлари, ходимлар малакаси, уларни танлашда географик жойлашиш одил тақсимотига риоя қилиш ва ҳоказо. Барча ушбу омиллар биргаликда ижро этувчи раҳбар ва Котибият ролига катта таъсир кўрсатиб, уни фаолроқ ёки пассивроқ қиласди. Ижро этувчи раҳбар ва Котибиятнинг фаол роли конференциал тизим ишлашининг самарадорлигини оширади, унинг қўйилган мақсадларга тезроқ эришишини таъминлайди.

### **33. БМТ НИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МУАССАСАЛАРИ**

«Хукуматлараро битимлар билан тузилиб, ўзларининг таъсис хужжатларида белгиланган иқтисодиёт, ижтимоёт, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа шу каби соҳаларда кенг халқаро масъулиятга эга бўлган» ташкилотлар ихтисослаштирилган муассасалар деб аталади. (БМТ Уставининг 57-моддаси).

БМТ Уставининг 57-59 ва 63, 64, 66, 70-моддаларида алоҳида хусусиятлари уларнинг халқаро ташкилотларнинг алоҳида гуруҳига кириб, БМТ билан хукуқий алоқада эканлигидан иборат бўлган ихтисослаштирилган муассасаларга оид қатор хукуқий масалалар мувофиқлаштирилади. БМТ Уставининг 63-моддасига биноан, ЭКОСОС — унинг асосий органларидан бири — 57-моддада кўрсатилган ҳар қандай муассаса билан ана шундай муассасалар Ташкилот билан алоқа боғлайдиган белгиловчи шартларни битимга кириши учун ва-

колатлидир. Бундай битимларни Бош Ассамблея тъсис этиши лозим.

Ихтисослаштирилган муассасалар тизими уларнинг Уставига асосланган бўлиб, бир типли ҳисобланади. Улар учун турли ташкилотларда турлича номланадиган: Конгресс (ВПС), Ассамблея (ИКАО, ЖСТ), Бош конференция (ХМТ, ЮНЕСКО), Конференция (ФАО) — барча аъзо — давлатларнинг умумий йигилиши (олий орган) томонидан раҳбарлик қилинадиган уч босқичли бошқарув тизими хосдир. Ижроия органлари ҳам олий органлар каби турлича номланади: Маъмурий кенгаш (МСЭ), Кенгаш (ИКАО, ФАО), Ижроия Кенгаш (ВПС). Улар олий орган сессиялари ўртасида ўтган давр мобайнида ихтисослаштирилган муассасаларнинг доимий фаолиятини таъминлайдилар. Маъмурий органлар одатда қайта сайланиш ҳуқуқига эга бўлиб, беш йил муддатга сайланадиган бош маъмурий шахс (Директор, Бош директор, Бош котиб) раҳбарлик қиладиган Котибиятни ўз ичига олади. Котибиятнинг асосий вазифаси нашрлар, ҳисботлар учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш, маслаҳатлар ва ўз фаолияти тўғрисида маълумотлар беришдан иборат бўлади.

## **34. ЖАҲОН МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИ (ЖМТ)**

У 1873 йили ташкил этилган эди. 1947 йили Вашингтондаги конференцияда ЖМТ Конвенцияси ишлаб чиқилди ва у 1950 йилнинг 23 марта бошлаб кучга кирди. Шундан бўён ҳар йили 23 март ЖМТ куни сифатида нишонланади. Ҳозирги вақтда ЖМТ 180 дан ортиқ давлатни бирлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йилнинг 22 январида ЖМТ аъзолигига қабул қилинди. Ўзбекистон гидрометеорология хизмати олдида турган ўта муҳим вазифа, — метеорологик, иқлимий ва гидрология жараёнлари тўғрисидаги маълумотларни таъминлашдан ибо-

рат. Ўзбекистон Республикасининг Бош гидрометеорология маркази Жаҳон метеорология ташкилотининг ишида фаол иштирок этмоқда.

Тошкент бугунги кунда Жаҳон Об-ҳаво Хизмати тизимидағи 29 минтақавий ихтисослаштирилган метеорология маркази, Телеалоқа глобал тармоғининг Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Россиянинг Осиё қисмини ўз ичига олган улкан минтақадан маълумотлар йигилиб, ишлов бериладиган минтақа марказига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош гидреометеорология марказининг гидрометеорология кузатишлари тармоғида 400 га яқин станция мавжуд. Улардан 119 таси сув ресурслари устидан кузатув олиб борса, 19 таси иқлимини маҳсус кузатиб боради.

1963 йили Жаҳон Об-ҳаво Хизмати (ЖОҲ) деб ном олган комплекс тезкор тизим барпо этилди. Унинг таркибида ҳозирга келиб, куруқликдаги 9000 кузатув станцияси ва 7000 кема иш олиб бормоқда. Мингга яқин ер усти станциялари 30 километргача бўлган баландликда босим, ҳарорат, намлик ва шамол тўғрисидаги маълумотларни олиш учун аэрологик зондлаш ишларини ўтказмоқдалар. Ушбу маълумотлар самолётлар, автоматлаштирилган ер усти метеорология станциялари, океан оқимлари билан бирга кўчиб юрган денгиз бухталаридан олиб борилган кузатувлар ёрдамида тўлдирилмоқда.

Жумладан Ўзбекистон ҳам имзолаган БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Рамали Конвенцияси ва биологик турли - туманлик бўйича Конвенция сўнгти вақтда қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлар бўлди.

Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Рамали Конвенция атмосферадаги «иссиқлик ўтказмайдиган» газларни уларнинг иқлим тизимиға хавфли антропоген таъсирига йўл қўймайдиган даражага тушириш бўйича тадбирлар ўтказишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Бош гидреметерология марказида ушбу Конвенция тавсияларини бажариш юзасидан биринчи қадам сифатида Ўзбекистон ҳудудида чиқариладиган «иссиқлик

ўтказмайдиган» газлар Кадастрини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хозирги пайтга келиб Ерларнинг чўлга айланишига қарши кураш конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича музокаралар олиб бориш Халқаро қўмитаси яратилган.

ЖМТ мақсадлари қўидагилардан иборат:

— Метеорология ва гидрология кузатувлари ва хизматларини таъминлаш учун станциялар ва марказлар тармоғини яратишга қўмаклашиш;

— метеорология ва у билан боғлиқ маълумотларни тезкор алмашинув тизимларини яратишни ва фаолиятини қўллаб-кувватлаш;

— метеорология ва у билан боғлиқ кузатувларни стандартлаштиришга қўмаклашиш ва кузатув натижалари ҳамда статистика маълумотларини яхлит нашр қилишни таъминлаш;

— метеорологиянинг авиация, дengiz иши, сув ресурслари муаммосини ҳал қилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда қўлланилишини рағбатлантириш;

— тезкор гидрология соҳасида фаолиятни ривожлантириш;

— метеорология ва гидрология хизматлари ўртасида узвий ҳамкорликни таъминлаш.

— ЖМТ олий органи — Жаҳон метеорология конгресси — тўрт йилда бир марта чақирилади.

Ижроия кенгashi ўз номидан иштирок этаётган миллий метеорология ва гидрология хизматларининг 36 нафар директоридан иборат. Йилига камида бир маротаба Конгресс тасдиқлаган дастурлар бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида йигилади. Котибият Буш котиб раҳбарлигидаги маъмурий ва техник ходимлардан ташкил топади.

Бундан ташқари, ЖМТ таркибига олти минтақавий метеорология уюшмалари ва саккиз техник комиссия киради.

ЖМТ қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

## **35. ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ (ЖСТ)**

1946 йилда ташкил этилган бўлиб, 1948 йилнинг 7 апредидан, 26 давлат — БМТ аъзолари ЖСТ Уставини тасдиқлаганларидан сўнг иш бошлади. Ҳозирги вақтда ЖСТ таркибига 189 та давлат киради. Ўзбекистон 1992 йилнинг 22 майидан бошлаб унинг аъзоси ҳисобланади.

ЖСТ мақсади, унинг Уставига биноан, «барча халқларнинг имкон борича соғлиқнинг олий даражасига эришишидан» иборат.

Шу билан боғлиқ равишда 1977 йилда Жаҳон Соғлиқни саклаш Ассамблеяси ЖСТнинг биринчи навбатдаги вазифаси сифатида «барчанинг 2000 йилга соғлом бўлиши»ни таъминлашни белгилаб, бу мақсадга эришишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқди. Бундан келиб чиқиб, ЖСТ ўз фаолиятини куйидаги асосий йўналишларга қаратади:

- инсонлар соғлигини саклашга қаратилган халқаро фаолиятни мувофиқлаштириш;
- соғлиқни саклаш соҳасидаги техник ҳамкорликка кўмаклашиш;
- ҳукumatларнинг илтимосларига кўра уларга соғлиқни саклаш хизматларини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатиш;
- талаб этилган техник ёрдам, фавқулодда ҳолларда эса мамлакат ҳукуматининг илтимосига кўра ёки унинг розилиги билан зарур ёрдам кўрсатишни таъминлаш;
- өпидемиялар ва ўзга касалликлар олдини олиш ва наъзорат қилиб бориш бўйича фаолиятни рағбатлантириш ва тараққий эттириш;
- овқатланишни, тураржой ва санитария-тозалик шароитларини, шунингдек меҳнат шароитларини ва инсон тозалик мухитига оид ўзга жиҳатларни яхшилаш мақсадида бошқа ихтисослаштирилган муассасалар билан ҳамкорликка кўмаклашиш;

— соғлиқни сақлаш соҳасидаги тадқиқотлар ва биотиббиёт тадқиқотларини тараққий эттириш ва мувофиқлаштириб бориш;

— соғлиқни сақлаш, тиббиёт ва турдош мутахассисликлар соҳасида таълим бериш ва касб тайёргарлиги андозаларини юксалтириш;

— биологик, фармацевтик ва ўхшаш маҳсулотларнинг халқаро андозаларини яратиш ва яратишни рагбатлантириш, шунингдек диагностика русум-қоидаларини андозалаштириш;

— ақлий соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият, айниқса инсонлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга күмаклашадиган чора-тадбирларни қўллаб-куватлаш.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси ЖСТнинг бош раҳбар органи бўлиб, унда барча аъзолари вакил бўладилар. У ҳар йили чақирилиб, ишларини якунлайди, сиёсати, дастурларни ишлаб чиқади, бюджетини қабул қиласди, Ижроия кенгашини сайлайди.

Ижроия кенгаш 31 давлатнинг вакилидан иборат бўлиб, йилига икки марта йигилади, Ассамблея қарорларининг бажарилишини кузатади, Котибият фаолиятига раҳбарлик қиласди.

Котибият ЖСТ Бош директори ва олти минтақавий директор томонидан бошқарилади. Ушбу директорлар ЖСТнинг олти минтақа қўмитасини бошқаради.

Айнан ушбу тузилмада соғлиқни сақлаш соҳасига оид халқаро конвенциялар ва битимларнинг кўп сонли лойиҳалари юзага келган.

ЖСТ қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

## 36. ЖАҲОН АҚЛИЙ МУЛК ТАШКИЛОТИ (ЖАМТ)

ЖАМТнинг юзага келиши тарихи 1883 ва 1886 йилларда, Саноат мулкини сақлаш бўйича Париж конвенцияси ва Адабий ва бадиий асарларни сақлаш бўйича

Берн конвенциясининг қабул қилинишидан бошланиб, айни вақтда тегишли Уюшмаларни келтириб чиқарди.

ЖАМТ ўзининг ҳозирги кўринишида 1967 йилда Стокгольмда имзоланиб, 1970 йилдан кучга кирган конвенцияга мувофиқ фаолият кўрсатади. 1974 йилдан ЖАМТ БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси мақомига эга. Ҳозирга келиб у ўз сафларида 150 дан ортиқ давлатни бирлаштирган. Ўзбекистон 1993 йилнинг 5 майидан унинг аъзоси ҳисобланади.

ЖАМТ мақсадлари қуидагилардан иборат:

а) давлатлар ўртасида ҳамкорлик ҳамда тегишли ҳолларда, ҳар қандай бошқа халқаро ташкилот билан ўзаро ҳамкорлик қилиш йўли билан бутун дунёда ақлий мулкни саклашга кўмаклашиш. Ушбу мақсадлар йўлида ЖАМТ янги аниқ мақсадни кўзлаган халқаро шартномаларни тузиш, миллий қонунларни замонавийлаштиришни рағбатлантиради ва аъзо давлатлар ўртасида ўзгача турдаги маъмурий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади;

б) ақлий мулкни саклаш соҳасида Уюшмалар ўртасида маъмурий ҳамкорликни таъминлаш.

Уюшмалар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида ЖАМТ уларнинг маъмурий бошқарувини айни вақтда ЖАМТ котибияти бўлган Женевадаги Халқаро бюро орқали марказлаштиради ва бошқарувни назорат қилиб боради.

Куидагилар ЖАМТнинг раҳбар органлари ҳисобланади: ЖАМТга аъзо давлатлардан иборат бўлган Конференция; Буш Ассамблея — Париж ва Берн уюшмалари аъзоси бўлган, ЖАМТга аъзо барча давлатлардан иборат; Мувофиқлаштириш кўмитаси — ЖАМТ, Париж ва Берн уюшмалари аъзоси бўлган давлатлардан иборат ҳамда *ex officio*, Швейцария (1995 йилнинг 1 январига 58 давлат Кўмита аъзолари бўлган).

Буш Ассамблея иккала Уюшма учун умумий бўлган харажатларнинг икки йиллик бюджетини қабул қиласади. Конференция ҳам ўз икки йиллик бюджетини қабул қиласади.

Бош Ассамблея ва Конференция навбатдаги сессияларга икки йилда бир марта, Муофикалаштириш кўмитаси йилда бир марта йигилади.

ЖАМТнинг ижрои раҳбари — Бош директор. У Бош Ассамблея томонидан 6 йил муддатга сайланиб, ушбу муддат узайтирилиши мумкин.

ЖАМТ аъзолиги БМТнинг бошқа ихтисослаштирилган муассасаларига нисбатан баъзи ўзига хос жиҳатларга эга. Мисол учун Париж (саноат мулки бўйича) ёки Берн (муаллифлик ҳуқуқи бўйича) Уюшмаларининг ёки БМТ ёхуд МАГАТЭ билан боғлиқ ихтисослаштирилган бошқа муассасалар аъзоси бўлган ёхуд Халқаро Суд Мақоми тарафи бўлган ёки ЖАМТ Бош Ассамблеяси томонидан Конвенция иштирокчиси бўлиш учун таклиф этилган ҳар қандай давлат ЖАМТ аъзоси бўлиши мумкин.

ЖАМТ аъзоси бўлиш учун, давлат унинг Бош директорига сақлаш учун ратификация ёрлиги ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни топширади. Париж ёки Берн конвенцияларининг аъзоси бўлган давлатлар фақат улар жуда бўлмаганда 1967 йилги Стокгольм акти, 1971 йилги Париж конвенцияси ёки Париж акти, Берн конвенцияси маъмурий қоидаларига дахлдор бўлганда ёки, улар бир вактнинг ўзида уларни ратификация қилиб ёхуд улардан бирининг маъмурий қоидаларига қўшилганларида ЖАМТ аъзолари бўлишлари мумкин.

ЖАМТ қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

### **37. ЖАҲОН ПОЧТА УЮШМАСИ (ЖПУ)**

У 1874 йилнинг 9 октябрида 22 давлатнинг маъқулаши билан Берн шартномасига биноан таъсис этилган ва 1875 йилнинг 1 июлидан кучга кирган. 1878 йилга қадар «Умумий почта уюшмаси» деб аталган. 1947 йилдан бошлаб ЖПУ БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси мақомига эга ва 1957 йил 3 октябрида Оттавадаги Почта конгрессида қабул қилинган ва 1969 йил-

да янгиланган Жаҳон Почта конвенцияси, шунингдек ЖПУ Устави ҳамда Умумий регламент асосида фаолият юритади.

Бугунги кунда 190 дан ортиқ давлат ЖПУ аъзоси ҳисобланади, улар ичидаги 1992 йилнинг апрелида аъзоликка қабул қилинган Ўзбекистон ҳам бор.

ЖПУ ўзаро корреспонденциялар алмашиниш учун мамлакатларнинг ягона почта ҳудудини ташкил этади. Унинг мақсадлари почта хизматларининг ишини уюштириш ва такомиллаштиришни таъминлаш; Уюшма аъзоси бўлган мамлакатлар сўраган почта хизмати соҳасида техник ёрдам кўрсатишда иштирок этиш; ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликни кўллаб-куватлашдан иборат. ЖПУ аъзоси бўлган ҳар бир давлат ўзга давлатлар — ЖПУ аъзоларига тегишли почтани ўз почтасини етказиб беришда фойдаланадиган энг яхши воситалар билан жўнатиш мажбуриятини олади.

ЖПУ тариф ставкаларини, почтанинг энг оғир ва энг енгил оғирлигини ва ҳажмини, шунингдек корреспонденцияни қабул қилишнинг шартларини белгилаб беради (хатлар, жумладан аэrogramмалар, почта открытикалари, босма материаллар, кўзи ожизлар учун бўртма ҳарфли адабиётлар ҳамда кичик пакетларни ўз ичига олган). У шунингдек транзит йигимларини ҳисоблаш ва олиш (бир ёки бир неча мамлакат ҳудудидан ўтиб келаётган корреспонденциялар учун) ва пировард пунктлардаги йигимларни ҳисоблаш ва олиш усуллари тўғрисида кўрсатма беради. Бундан ташқари у буюртма корреспонденциялар ва ҳаво почтасига оид, шунингдек юқумли ва радиоактив моддалар каби алоҳида эҳтиёткорлик талаб этадиган буюмларни ташиб қоидаларини белгилаб беради.

Барча аъзо-давлатлардан иборат бўлган Жаҳон Почта конгресси ЖПУнинг олий органи ҳисобланади. У ҳар беш йилда бир марта Жаҳон почта конвенциясини ва унинг қўшимча битимларини аъзо-давлатлар тақдим этган таклифлар асосида қайта кўриб чиқиш учун ийғилади. Бундан ташқари, Конгресс дастур, бюджет-

ни тасдиқлайди ва Баш директорни сайлайди. Аъзодавлатлар камида учдан икки қисмининг талабига биноан ёки уларнинг розилигига кўра фавқулодда конгресс чакирилиши мумкин.

Географик жиҳатдан адолатли вакилликка риоя қилиб, Конгресс томонидан сайланган 40 та аъзодан иборат Ижроия Кенгаши ЖПУнинг конгресслараро давридаги фаолияти узлуксизлигини таъминлайди, почта маъмуриятлари билан жипс алоқада бўлади, Халқаро бюро фаолиятини назорат қиласи, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан хизмат алоқаларини ўрнатади; маслаҳат (консультация)лар беради, тадқиқотлар ўтказади ва Конгрессга таклифлар киритади. Кенгаш бир йилда бир марта йигилади.

Ижроия кенгаш қошида ҳар бири почта хизмати, оддий корреспонденциялар (тарифлар ва ҳақ тўлаш), авиапочта ва жўнатмалар сифати назорати ҳамда банк почта хизматига оид масалаларни ҳал қиласиган комиссиялар мавжуд.

Конгресс сайлайдиган 35 аъзодан иборат бўлган Почта тадқиқотлари бўйича маслаҳат (консультатив) кенгаши почта алоқасига оид техник, тезкор ва иқтисодий масалалар юзасидан тадқиқотлар ўтказади ва фикрларни маълум қиласи, шунингдек янги ва ривожлангаётган мамлакатларда юзага келаётган техник ҳамкорлик муаммоларини ўрганади.

Кенгаш шу билан бирга почта ва бозор, тезкор почтани ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва уларнинг сифати, замонавийлаштириш ва бошқа турли масалалар билан шуғулланувчи комиссияларни тузади.

Халқаро бюро ЖПУ Котибияти бўлиб, асосий маъмурий шахс -- Баш директор томонидан бошқарилади. Бюро почта маъмуриятлари орасида алоқани, маълумот ва маслаҳат беришни таъминлайди, шунингдек ЖПУ битимлари тизимиға ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар қабул қиласи ва ушбу ўзгаришлардан хабардор этиб боради, конгрессларни тайёрлаш ишларини ўтказади, шу билан бирга манфаатдор тарафлар

талағыга биноан низоли масалалар юзасидан эксперт холосасини тайёрлайди.

ЖПУ қароргохи Бернда (Швейцария) жойлашған.

## 38. ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ ҮЮШМАСИ (ХТУ)

Халқаро Валюта фонди (ХВФ) ва Халқаро Тикланыш ва Таракқиёт Банки (ХТТБ)нинг таклифига биноан 1959 йилда барпо этилган. 1960 йилдан ХТТБ шохобчаси (филиали) сифатида фаолият юритади, амалда у томонидан бошқарилади ва биргаликда лойихаларни кредитлашни амалга оширади.

160 дан ортиқ давлат ХТУ аъзоси бўлиб, жумладан, 1992 йилнинг 21 ноябринда Ўзбекистон ҳам шулар жумласига кирди.

ХТУнинг асосий мақсади асосан ривожланаётган мамлакатларга кредит беришдан иборатdir.

ХТУ кредитлари, Банк қарзларидан фарқли равишида, 50 йил муддатга, маъмурий харажатларни қоплаш учун олинадиган озгина йигимдан ташқари, фоизларсиз берилади.

ХТУдан кредит олишга даъвогарлик қилаётган мамлакат тўрт мезонга тўғри келиши керак: 1) камбағаллик, 2) етарли даражадаги иқтисодий, молиявий ва сиёсий барқарорлик, 3) тўлов балансига оид катта қийинчиликлар ва етарли микдордаги чет эл валютасини топиш истиқболининг йўқлиги, 4) сидқидилдан таракқиёт сари интилиш.

ХТТБ даромадлари, аъзо давлатлар ҳамда ўзига тўқ аъзо давлатларнинг бадаллари, шунингдек аввал берилган кредитлар ХТУни молиявий таъминлашда асосий манба бўлиб хизмат қиласи.

ХТУ ўз таркибига кўра Бошқарувчилар кенгashi, Ижрочи раҳбариятдан иборат бўлиб, Президент томонидан бошқарилади.

ХТТБ Президенти айни вактда ХТУ Президенти бўлиб, ХТТБ мансабдор шахслари ва ходимлари ўрин-

дошлик бўйича ХТУ да ҳам ўз вазифаларини бажарадилар, бироқ бунинг учун қўшимча ҳақ олмайдилар.

ХТУ ходимларининг фаолияти тўрт сектор: операциялар, молиялаштириш, сиёсат, режалаштириш ва тадқиқотлар секторлари бўйича амалга оширилади.

ХТУ қароргоҳи Вашингтонда (АҚШ) жойлашган.

### **39. ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ТАШКИЛОТИ (ХДТ)**

1959 йилда ташкил этилганидан то 1982 йилнинг 22 майига қадар БМТнинг мазкур ихтисослаштирилган муассасаси Ҳукуматлараро денгиз маслаҳат (консультатив) ташкилоти (ХДТ) номи билан юритилди. ХДТ (ИМО)га 150 дан ортиқ давлат аъзодир. Ўзбекистон ҳозирча мазкур ташкилотга аъзо эмас.

ХДТнинг асосий мақсади ва вазифалари куйидагилардан иборат:

- халқаро савдо билан боғлиқ кема қатновига техник масалалар юзасидан ҳукуматлараро ҳамкорлик ва маълумот алмашув;

- денгиздаги хавфсизликка, самарали навигацияга оид амалий меъёрларни қабул қилиш ва кемалардан денгизларни ифлослантиришнинг олдини олиш ҳамда ана шундай ифлослантиришга қарши курашни қўллаб-қувватлаш ва шу билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқиш;

- ҳукуматлар томонидан ўрнатиладиган халқаро савдо билан боғлиқ бўлган кема қатновига дахлдор бўлган таҳқирловчи ҳаракатлар ва ортиқча чекловларнинг бекор қилинишига кўмаклашиш.

Ассамблея ХДТ олий органи ҳисобланади. Унинг ишида аъзо бўлган барча давлатлар иштирок этадилар. Ассамблея икки йилда бир маротаба чақирилиб, ХДТнинг яқин даврдаги сиёсатини белгилайди, аввалдан унинг органларида кўриб чиқилган масалалар юзасидан узил-кесил қарор қабул қиласи, ХДТ Кенгаши ва

Денгиздаги хавфсизлик бўйича қўмита аъзоларини сайлайди.

Кенгаш ХДТнинг Ассамблея сессиялари орасидаги ишига раҳбарлик қиласди. У Ассамблея сайлайдиган 32 аъзодан иборат бўлиб, улардан 8 нафари халқаро денгизда юк ташишдан энг кўп даражада манфаатдор бўлган мамлакатларнинг, 8 таси халқаро дengиз савdosидан энг кўп даражада манфаатдор мамлакатларнинг ва 16 таси эса — ушбу тоифалардан бирортасига мос келмайдиган, аммо дengиз транспорти ва кема қатнови соҳасида ўз манфаатларига эга бўлган мамлакатларнинг вакилларидир. Кенгашга жаҳоннинг барча асосий географик минтақаларининг вакиллари сайланиши таъминланади.

ХДТ таркибида 4 та асосий қўмита мавжуд: Денгиздаги хавфсизлик қўмитаси, Ҳукукий масалалар қўмитаси, Денгиз мухитини муҳофаза қилиш қўмитаси ва Техник ҳамкорлик бўйича қўмита.

Қўмиталар Ассамблеяга ўз маъруза ва тавсияларини Кенгаш орқали тақдим этадилар ва ХДТ аъзо давлатларининг йиштироки учун очиқ бўладилар.

Котибият — Бosh Котиб раҳбарлик қиласидиган маъмурий орган ҳисобланади.

ХДТ қароргоҳи Лондонда (Буюк Британия) жойлашган.

## **40. ФУҚАРО АВИАЦИЯСИННИГ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ (ФАХТ)**

1947 йилнинг 4 апрелида БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси сифатида, 26 давлат 1944 йилда Чикагода ишлаб чиқилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилинганидан сўнг ташкил этилган.

Хозирги вақтда ФАХТ(ИКАО) таркибига 183 давлат, жумладан, 1992 йилнинг 12 ноябридан Ўзбекистон Республикаси ҳам кирган.

ФАХТ фаолиятининг мақсади ва турлари бутун дунёда фуқаро авиациясининг хавфсиз ва режали ривож-

ланишини таъминлаш; самолётларни конструкциялашва улардан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ҳамда халқаро фуқаро авацияси учун авиалиниялар, аэропортлар ва аэронавигация ускуналари барпо этишни рағбатлантириш; дунё аҳолисининг хавфсиз, мунтазам, самарали ва тежамкор ҳаво орқали ташишга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

ФАХТ олий органи — Ассамблея барча аъзо-давлатларнинг делегацияларидан таркиб топиб, камида учийилда бир маротаба чақирилади. У ФАХТ сиёсатини белгилайди ва Кенгаш кўриб чиқиши учун маҳсус берилмайдиган ҳар қандай масалани муҳокама қиласади.

Ассамблея томонидан сайланиб, 33 мамлакат вакилларидан иборат бўлган Кенгаш ФАХТнинг ижроия органидир. Кенгаш Ассамблея қарорларини амалга оширади ва ФАХТ молиявий ишларига раҳбарлик қиласади. У халқаро аэронавигация учун меъёрлар қабул қиласади, аэронавигация масалаларига оид маълумотларни йигади, ўрганади ва нашр этади ва манфаатдор аъзо давлатлар илтимосига биноан халқаро фуқаро авацияси билан боғлиқ бўлган ҳар қандай келишмовчиликларни ҳал қилиш учун трибунал сифатида ҳаракат қилиши мумкин.

Кенгашнинг ўта муҳим вазифаларидан бири ўзгариб бораётган тактика талабларини ҳисобга олган ҳолда халқаро андозалар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан иборат. Ҳозирги вақтда халқаро андоза ва тавсиялар Конвенцияга 17 та илова сифатида расмийлаштирилган.

Кенгаш ўзининг кўмакчи қўмиталарига эга: 1) юридик, 2) молиявий, 3) аэронавигация таъминотини ҳамкорликда қўллаб-куватлаш, 4) фуқаро авацияси ишларига ноқонуний тарзда аралашиб бўйича қўмиталар.

ФАХТ Котибияти — Ассамблея, Кенгаш ва бошқа органларнинг фаолиятини таъминлайдиган доимий ҳаракатдаги орган бўлиб, — унга Бош котиб раҳбарлик қиласади.

ФАХТ қароргоҳи Монреалда (Канада) жойлашган.

## **41. ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ (ХМТ)**

1919 йили ташкил этилган бўлиб, 1946 йилнинг 14 декабрида биринчи бўлиб БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси мақомини олди. Ҳозирга келиб ХМТ 170 дан ортиқ давлатни ўз сафларига бирлаштирган. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг 13 июлидан унинг аъзоси ҳисобланади.

ХМТ мақсадлари қуидагиларни таъминлашдан иборат.

— бандлик ва ривожланиш (аъзо-давлатлар учун на-  
муавий сиёsat ва стратегияни ишлаб чиқиш, ишчи  
кучини режалаштириш, кўп меҳнат қиладиган ижтимо-  
ий ишлар, қишлоқда камбағалликни енгиллатиш, тех-  
нологиялар танлаш, кичик индустрияни ривожлантириш,  
меҳнат соҳасида ахборот ва статистика);

— касбга тайёрлаш (сиёsat ва тайёрлаш тизимини  
ишлаб чиқишига кўмаклашиш, бошқарув соҳасида тайё-  
ргарлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, тижорат соҳалари-  
да касбга тайёргарлик, таълим учун услубият ва мате-  
риалларни ишлаб чиқиш, ногиронларнинг касб қоби-  
лиятини тиклаш, аёлларни ва мактабда ўқимайдиган  
ёшларни касбга тайёрлаш);

— соҳалар бўйича фаолият (биринчи навбатда —  
кооперативларни ривожлантириш ва меҳмонхона ҳамда  
саёҳат индустрияси учун кадрлар тайёрлаш);

— меҳнат шароити ва иш муҳити (касбга оид хав-  
фсизлик техникаси ва соғлиқни сақлаш, меҳнат ва тур-  
муш щароитлари, тенгликни таъминлаш);

— ижтимоий таъминотнинг ишлаб чиқариш муносабатлари; ишчиларга таълим бериш (уларни ўргатиш);  
ёлловчи ташкилотлар томонидан кўмак берилишини  
таъминлаш.

Ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ХМТ бугун-  
га келиб 300 дан ортиқ конвенция ва тавсияномалар қабул  
қилди. Конвенциялар уларни ратификация қилган дав-  
латлар зиммасига ҳисбот қўринишидаги муайян маж-

буриятларни юкласа, тавсияномалар миллий сиёсат, қонунлар ва амалиёт учун мүлжал вазифасини ўтайди.

Ушбу жараённи назорат қилиб бориш 20 нафар юристдан иборат бўлган конвенция ва тавсияномаларни бажариш бўйича мустақил экспертлар қўмитасига ва масалаларни экспертлар қўмитасининг маъruzалири асосида муҳокама этадиган Конференциянинг конвенция ва тавсияномаларни бажариш бўйича уч тарафлама қўмитаси зиммасига юкланган. Тавсияномалар ва ратификация қилинмаган конвенциялар бўйича ХМТ миллий қонунларнинг конвенция меъёрларига мувофиқлиги тўғрисида маълумот беришларини сўраб мурожаат этиш ҳукуқига эга.

ХМТ олий органи — Халқаро меҳнат конференцияси бўлиб, у бир йилда бир марта йигилади. Унинг ишида барча аъзолар иштирок этадилар. Ҳар бир делегация ҳукumatнинг икки вакилидан: бири — ёлловчилардан, иккинчиси — ишчилардан ташкил топганлиги ХМТнинг ўзига хос хусусиятидир. Конференциялар орасида ўтган даврда ХМТ ишини 56 аъзодан иборат Маъмурий кенгаш бошқариб боради (у ҳам ўша асосда жамланади: ҳукumatдан 28 вакил, жумладан ёлловчилардан 14 та, ишчилардан 14 та вакил).

ХМТ Котибияти вазифасини Женева (Швейцария)-да жойлашган Халқаро меҳнат офиси ўтайди.

## **42. ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ (ХМК)**

ХМК 1956 йилда ХТТБнинг шохобчаси сифатида ташкил этилган ва БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси сифатида фаолият юритади. Ҳозирги вақтда 150 га яқин давлат, жумладан, 1992 йилнинг 21 октябридан Ўзбекистон ҳам ХМК аъзоси ҳисобланади.

ХМК ўз фаолиятида ХТТБ билан узвий боғлиқ. Корпорация асосан ишлов бериш, шунингдек, кон саноатига, туризм, коммунал корхоналар ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ лойиҳаларга сармоя жойлаш билан

шүғулланади. ХМК шу билан бирга хусусий капитал маблағларини конвенция тариқасида, асосан худудида кредит талаб этиладиган объектлар жойлашган ривожланётган давлатларга жалб этади. Қарз бериш муддати – 7 дан 12 йилгача бўлиб, у қайси валютада олинган бўлса, ўша валютада қайтарилади. Ундан ташқари, ХМК иқтисодиётни бошқариш ва турли молиявий хизматлар кўрсатишда ёрдам беради.

ХМК ХТТБ дан дотациялар олади.

Тузилишига кўра ХМК ХТТБга ўхшаб кетади. ХМК Президенти вазифасини ХТТБ Президенти ўтайди – бу халқаро амалиётдаги ўзига хос ғалати ҳодисадир.

Кизиқарли фактлардан яна бири шундан иборатки, фақат ҳукуматнинг кафолати билан ҳукуматларга ва иштирокчи мамлакатларнинг хусусий фирмаларига қарз берадиган ХТТБдан фарқли равишда ХМК ўз Уставига биноан нафақат давлатларга, балки ҳукумат кафолатисиз хусусий шахсларга ҳам қарз бериши мумкин. Бу йўналишда ХМК фаолият имкониятлари анча кенг ва жозибалироқдир. ХМК кредитларини иштирокчи мамлакатларнинг хусусий корхоналари объект учун талаб этиладиган сумманинг 50 фоизини ўzlари қўшган тақдирдагина беришини қайд этиш лозим. Бу каби кредитлар, одатда, кичик ва ўртacha корхоналарга берилади.

Ҳар қандай мамлакат ҳам ХМК мижози бўла олмайди. Иштирокчи мамлакат хорижий инвесторлар учун қулай муҳитни таъминлаб, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириши талаблардан биридир. Бирдамлик ва барқарорлик ҳам кредит беришда асосий тамойиллардан ҳисобланади.

ХМКга раҳбарлик қилувчи органлар қуйидагилардан иборат: ХМКнинг барча ваколатларига эга бўлган ва ХМК аъзолари бўлган мамлакатлар вакил этган Жаҳарорлик ҳам кредит беришда асосий тамойиллардан ҳисобланади. Ҳар кандай мамлакат ҳам ХМК мижози бўла олмайди. Иштирокчи мамлакат хорижий инвесторлар учун қулай муҳитни таъминлаб, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириши талаблардан биридир. Бирдамлик ва барқарорлик ҳам кредит беришда асосий тамойиллардан ҳисобланади. Ҳар қандай мамлакат ҳам ХМК мижози бўла олмайди. Иштирокчи мамлакат хорижий инвесторлар учун қулай муҳитни таъминлаб, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириши талаблардан биридир. Бирдамлик ва барқарорлик ҳам кредит беришда асосий тамойиллардан ҳисобланади.

бўлган Директорлар кенгаши. Улар ХМКнинг умумий операцияларини назорат қиладилар.

Жаҳон банкининг Президенти эгаллаб турган лавозимига кўра ХМК Директорлар кенгашининг Раиси ҳисобланади.

ХМК қароргоҳи Вашингтонда (АҚШ) жойлашган.

### **43. ХАЛҚАРО ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚКИЁТ БАНКИ (ХТТБ)**

Бреттон — Вудс конференциясининг қарорига биноан 1944 йилда ташкил этилган бўлиб, БМТнинг ихтиослаштирилган муассасасидир. 1946 йилда ўз фаолиятини бошлаган. 1947 йилнинг ноябрида БМТ билан битим тузган бўлиб, унга мувофиқ Банк ўз кредит сиёсатини амалга оширишда тўла мустақилликка эга. ХВФга аъзо бўлиш ҳам ХТТБ аъзолиги шартларидан биридир.

Дастлаб банк иштирокчи-мамлакатларнинг хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришда кўмак бериш мақсадида яратилган эди.

1945 йилнинг 31 декабрига қадар Банк тўғрисидағи битимни имзолаган мамлакатлар Банкнинг дастлабки аъзолари ҳисобланади. Ҳозирга келиб ХТТБга 177 мамлакат, жумладан, 1992 йилнинг 21 октябридан Ўзбекистон ҳам кирган.

ХТТБнинг асосий мақсади ишлаб чиқариш мақсадлари учун сармоя жойлашни рағбатлантириш орқали тиклаш ва ривожланишга кўмаклашиш, хорижий хусусий сармоя жойловчиларни рағбатлантириш, шунингдек халқаро савдони ривожлантириш учун шароит яратишдан иборат.

ХТТБнинг асосий тамоилларида қарз факат ишлаб чиқариш мақсадларида берилиши таъкидланган. Қарз олиш учун қарзнинг аниқ мақсадлар учун ишлатилишининг иқтисодий асосланиши ва ҳукумат кафолати зарур бўлади.

ХТТБ олий органи — Башқарувчилар кенгаши бўлиб, у Банкнинг барча ваколатларига эга ва унинг таркибиغا ҳар бир аъзо-давлатдан биттадан башқарувчи ва ўринbosар киради. Башқарувчилар кенгаши ўз йиғилишларини бир йилда бир марта ўтказади ва ХТТБ ва ХВФ учун ягона олий орган ҳисобланади. Одатда кўриб чиқиши учун киритиладиган умумий масалалар — дунёдаги молиявий ва иқтисодий вазият аҳволи.

Кенгашда овоз беришда ҳар бир аъзо 250 овозга ва иштирокчи мамлакатларнинг ҳар бир акцияси учун битта қўшимча овозга эга бўлади. (1 овоз — ўз квотасини ўзлаштиришга оид маҳсус ҳукуқ — ЎМХ 100000 бирлиги).

Ҳақиқий ҳокимият ХТТБнинг ижроия органидан ташкил топган ва 24 ижро этувчи директорлардан (улардан 5 таси энг кўп міқдордаги акцияларга эга аъзо-давлатлар томонидан тайинланади) иборат директоратга тегишилдири. Ўз вақтида ушбу ва бошқа талаблар ХТТБга аъзо бўлиш учун асос сифатида СССР раҳбарияти томонидан тан олинмаган. Бунинг моҳияти, албатта, ХТТБга раҳбар органларни шакллантиришнинг нодемократик таомойилларини қўллаш орқали раҳбарлик қилинаётганилиги ва овоз бериш тартибида бўлган даъволарда эди. Бундай шароитда, албатта, овозларнинг аксариятини назорат остига олган «Катта еттиликка оид» ривожланган мамлакатлар устунликка эга. Колган 19 та ижроичи-директор иштирокчи-мамлакат вакиллари бўлган башқарувчилар томонидан сайланадилар.

Башқарувчилар кенгаши шунингдек ХТТБ Президентини сайлаб, у ўз навбатида Банк хизматчилари штатига раҳбарлик қиласди, умумий сиёсатга оид масалалар юзасидан эса башқарувчи-директорлар кўрсатмаларига амал қиласди. Президент ўз хизмат лавозимига кўра Башқарувчилар кенгашининг Раиси бўлиб, беш йил муддатга сайланади. ХТТБ тарихида фақат АҚШ фуқароларигина унинг президентлари этиб сайланиб келяпти.

Кредитлар хусусида сўз юритганда, уларнинг 20 йилгача муддатга беш йиллик имтиёзли даври билан анча йирик фоиз ҳисобига берилишини, бунда шарт-

лардан бири қарз олувчи мамлакат Банк тавсияларини бажаришга мажбурлиги ва унга халқаро бозорларда жойлаштирилаётган қарз (заём)лардан фойдаланиш тұғрисидаги ҳисоботлар тақдим этиши кредит бериш учун қўйиладиган шартлардан бири эканлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистоннинг ХТТБ билан ҳамкорлиги бирмунча фаол ривожланмоқда. Чунончи, биринчи босқичда ХТТБ республикага институционал тизимни ривожлантиришда техник ёрдам сифатида 1993 йилнинг октябринде 21 млн. доллар миқдорида, 1995 йилнинг май ойида эса ишлаб чиқаришнинг асосий секторларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш мақсадида 160 млн. миқдорида реабилитация (қайта тиклаш) заёмини ажратди. Банкнинг Ўзбекистондаги учинчи операцияси — 1995 йилда берилган 66 млн. доллар миқдоридаги заём пахта толаси ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган эди. Бундан ташқари, Банк барча Марказий Осиё мамлакатлари иштирок этаётган «Орол денгизи» минтақавий дастурини мувофиқлаштириб боради. Дастур ўз ичига 19 лойиҳани олган. Шу билан бирга Банк маҳсус бўлинма — 2 млн. долларли грантга эга бўлган Орол денгизи ҳавзаси марказини барпо этди.

ХТТБ қароргоҳи Вашингтонда (АҚШ) жойлашган бўлиб, шунингдек Париж ҳамда Токиодаги бўлинмалирига эга.

#### **44.ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ (ХВФ)**

Мазкур ташкилот Устави, ХТТБ Устави каби Бреттон-Вудс конференциясида 1944 йилда қабул қилинган бўлиб, 1945 йилнинг 27 декабридан кучга кирди. 1969 йилнинг 28 июлида унга Директорлар қўмитаси 1968 йилнинг 31 майида қабул қилинган 23-5-сон резолюциясида тасдиқланган жiddий тузатишлар киритилган эди. Устав 1976 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган 31-4-сон резолюциясида Директорлар қўмитаси

тасдиқлаган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда 1978 йилнинг 1 априлида узил-кесил қабул қилинди.

Собиқ СССР Бреттон-Вудсдаги конференцияда иштирок этган, ХТТБ ва ХВФни барпо этиш тўғрисида-ги битимларни имзолаган, бироқ битимни сиёсий ва мафкуравий мулоҳазаларга кўра ратификация қилмаган эди. Худда ана шу сабабларга кўра 1950 йилда Польша, 1954 йилда эса — Чехословакия Фонд таркибидан чиқдилар.

Ҳозирги вақтда ХВФ аъзолари 180 га яқин давлат бўлиб, жумладан Ўзбекистон унга 1992 йилнинг 21 октябридан аъзо бўлиб кирган.

Уставнинг 1-моддасига биноан ХВФ ўз олдига қуйидаги мақсадларни кўяди:

— халқаро валюта муаммолари бўйича консультациялар ва ҳамкорликни уюштиришни таъминлайдиган мунтазам фаолият кўрсатувчи институтлар орқали халқаро валюта ҳамкорлигига кўмаклашиш;

— халқаро савдони кенгайтириш ва мувозанатли ривожланиши учун шароит яратиш ва шу билан — бандлик ва реал даромадларнинг юксак даражасига эришиш;

— барча иштирокчиларнинг ишлаб чиқариш ресурсларини иқтисодий сиёсатнинг асосий бирламчи обьектлари сифатида тараққий эттириш;

— айирбошлаш курсининг барқарорлигига эришиш, иштирокчилар срасида айирбошлаш курси бўйича тартибга солувчи чораларни қўллаш ва айирбошлаш курсларининг рақобатли қадрсизланишини чеклаш;

— иштирокчилар ўртасидаги жорий келишувларга нисбатан тўловларнинг кўп томонлама тизимини ўрнатишида ва халқаро савдо тараққиётига халал берадиган хориж валютаси курсини чеклашни бекор қилишда ёрдам кўрсатиш.

Ўзининг аъзолиги тўғрисида 1945 йилнинг 31 деқабрига қадар маълум қилган мамлакатлар бирламчи иштирокчи (муассис) ҳисобланадилар.

Ҳар бир иштирокчига алоҳида ўзлаштириш ҳуқуқларida ифодаланган квота (улуш) белгиланади. Квота

ҳажми ҳар бир мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги иқтисодий ва нисбий салмоғи таҳлилидан келиб чиқиб белгиланади. Белгиланган улушнинг 25 фоизи олтин билан, қолган қисми эса иштирокчи бўлган мамлакатнинг ўз ўз валютасида тўланади. ХТТБ ва ХВФ аъзоси бўлган ҳар бир иштирокчи давлат ўз миллий валютасига эга бўлиши ҳам мазкур ҳалқаро ташкилотларга аъзо бўлиш шартларидан биридир. Ҳар бир иштирокчи-мамлакат ХВФ билан ўз операцияларини давлат томонидан белгиланган молия органи орқали амалга оширади. Фонд иштирокчи-мамлакатлардан маълумот тақдим этишларини талаб қилиши мүмкін, бироқ мамлакатлар маълумотларни уларнинг моҳиятини хусусий шахслар ва корпорацияларга очиб берадиган кўринишда беришга мажбур эмаслар, бироқ, шунга қарамай, иштирокчилар керакли маълумотини бемаъни баҳолашларга йўл қўймаслик учун имкон борича муфассал ва аниқ шаклда тақдим этишга кафолат берадилар (8-модда).

Бошқарувчилар кенгаши ХВФнинг олий органи бўлиб, унинг таркибига ҳар бир аъзо-давлатдан биттадан бошқарувчи ва биттадан унинг ўринbosари киради. Кенгаш ҳар йили чакирилади ва Фонд сиёсатини белгилайди. Ҳар бир мамлакатнинг овоз бериш хукуки, ўз навбатида, фонднинг жаҳон иқтисодиётидаги нисбий улушига боғлиқ бўлган унинг молиявий ресурсларига қўшилган улушига мувофик равишда белгиланади.

Ижроия кенгаши — ҳар кунги жорий ишларни баҗарувчи орган бўлиб, — Раисдан ва еттитаси энг катта квотага эга мамлакатлар (Германия, Буюк Британия, Хитой, Франция, Саудия Арабистони, АҚШ ва Япония) томонидан, қолганлари эса ХВФнинг бошқа аъзо-давлатлари томонидан минтақавий вакилликни ҳисобга олиб тайинланган ҳолда 23 та ижрочи директордан иборат бўлади. Ижроия кенгашига сайлов ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилади.

Бошқарувчи директор Ижроия кенгаши томонидан 4 йил муддатга сайланиб, вужудга келган анъанага кўра бу лавозимга Европа вакили сайланади. Бошқарувчи

директор Директорат раиси ҳамда ХВФ котибиятида асосий маъмурий шахс ҳисобланади.

ХВФ қароргоҳи Вашингтонда (АҚШ) жойлашган бўлиб, шунингдек унинг Токио ва Парижда ҳам бўлинмалари мавжуд.

## **45.ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ УЮШМАСИ (ХЭУ)**

Ушбу ташкилот 1865 йилда Парижда Халқаро телеграф уюшмаси сифатида ташкил этилган эди. 1932 йилда Мадридда электр алоқаси бўйича халқаро конвенция қабул қилинганидан сўнг ушбу ном 1934 йилда Халқаро электр алоқаси уюшмаси деб ўзгартирилди. ХЭУ 1947 йилда қайта ташкил этилиб, БМТнинг Электр алоқаси бўйича ихтисослаштирилган муассасасига айланди. 1954 йилнинг 1 январидан ХЭУ фаолияти Буэнос-Айресдаги ваколатли конференцияда 1952 йилнинг 22 декабрида қабул қилинган конвенцияга биноан мувофиқлаштирилади.

ХЭУ таркибида 180 дан ортиқ аъзо-давлатлар бўлиб, Ўзбекистон 1992 йилнинг 10 июлидан унинг аъзоси ҳисобланади.

ХЭУнинг асосий мақсадлари барча турдаги электр алоқасини яхшилаш ва ундан тежамли фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш ҳамда техник воситаларни ривожлантириш ва электр алоқаси хизматлари самарадорлигини ошириш учун улардан энг самарали фойдаланишга, уларнинг фойдалиигини ошириш ва ҳамма аҳоли учун ҳаммабоплигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

Барча аъзо-давлатлардан иборат бўлган Ваколатли конференция ХЭУнинг олий органи ҳисобланади. Конференция 5 йилда бир марта йигилади ва ишнинг асосий йўналишларини белгилайди ва ташкилот бюджетини тасдиқлайди, Кенгаш маъruzаларини муҳокама қиласи, электр алоқаси бўйича халқаро конвенцияларда қайта кўриб чиқади, халқаро ташкилотлар билан

халқаро шартномалар тузади, Маъмурий кенгаши, Баш котибини сайлайди.

Маъмурият кенгаши — географик жиҳатдан одилона вакилликни ҳисобга олган ҳолда сайланган — 43 давлат — ХЭУ аъзоларидан иборат. Кенгаш ваколатли конференция сессиялари орасида доимий ишлаб турувчи орган ҳисобланади. Унинг зиммасига мувофиқлаштириш, назорат ва ижро вазифалари юкланади. У бир йилда бир марта йигилади.

Бундан ташқари ХЭУ таркибида қуидаги доимий органлар ҳам мавжуд: Баш котибият, Частоталарни ҳисобга олиш халқаро қўмитаси, икки халқаро консультация қўмиталари: радио бўйича халқаро консультация қўмитаси ва телеграфия ва телефония бўйича халқаро консультация қўмитаси, шунингдек Телекоммуникацияларни ривожлантириш бюроси. Мазкур доимий органлар фаолиятини қароргоҳидан туриб, Маъмурият кенгаши мувофиқлаштиради.

Маъмурият конференциялари — одатда, ваколатли конференция билан бир вақтда маъмурий регламентларни қисман қайта кўриб чиқиши чақирилади.

ХЭУ қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

## **46. КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХАЛҚАРО ФОНДИ (КРХФ)**

КРХФни ташкил этиш тўғрисидаги таклиф Римда (Италия) 1974 йилда бўлиб ўтган Жаҳон озиқ-овқат конференциясида илгари сурилган эди. КРХФни барпо этиш тўғрисидаги битим 1976 йилнинг 13 июнида БМТ конференциясида қабул қилиниб, 1976 йилнинг 20 деқабрида эълон қилинган дастлабки бадаллар миқдори 1 млрд. долларга етганидан сўнг имзолаш учун очилди ва 1977 йилнинг 30 ноябридан кучга кирди.

Хозирги вақтда КРХФ таркибига 150 дан ортиқ аъзо давлатлар кирган.

КРХФ фаолиятида БМТ аъзоси бўлган алоҳида дав-

латлар, унинг ихтисослаштирилган муассасалари ва АЭХА иштирок этиши мумкин. КРХФ иштирокчилари учтоифага бўлинадилар: биринчиси — ривожланган мамлакат — донорлар (уларнинг улуши дастлабки сармоянинг 55 фоизини ташкил этади), иккинчиси — ривожланётган мамлакатлар — донорлар (42,5 фоиз), учинчи тоифа эса ичига бошқа ривожланаётган мамлакатларни (2,5 фоиз) олади. Шу билан бирга биринчи ва иккинчи тоифага оид мамлакатлар бадалларини эркин айирбушланадиган валютада қўшишлари керак бўлиб, одатда улар КРХФ барча ресурсларининг 99 фоизига teng. Учинчи тоифага оид мамлакатларга бадалларини ўз миллий валютасида қўшишга рухсат этилади. ХВФ да қабул қилинган «ўзлаштиришнинг маҳсус ҳуқуклари» КРХФнинг хисоб-китоб бирлиги ҳисобланади.

КРХФ асосий мақсадлари ва фаолияти турлари ривожланаётган мамлакатларга озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва озиқланиш даражасини юксалтиришда ёрдам бериш учун қўшимча маблағларни йўллашдан иборат. КРХФ фақат қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик, балиқ овлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш билан шуғулланиб, ўз эътиорини жаҳоннинг тараққий этаётган мамлакатларида ахолининг аксарияти яшаб ишлайдиган қишлоқ ҳудудларига қаратади. Унинг асосий вазифаси — Африка, Осиё ва Лотин Америкаси ахолисининг камида 20 фоизи азоб чекаётган сурункали очлик ва тўйиб овқат емасликни тугатиш бўйича ҳаракатларга кўмаклашишдан иборат.

КРХФ ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни, уни айниқса қишлоқ ахолисининг энг камбағал табақалари манфаатлари йўлида кўпайтиришга анча жиҳдий таъсир кўрсатадиган лойиҳалар учун аксарият ҳолларда ўта имтиёзли шартларда ёки жуда оз фоизлар билан кредитлар беради. У ўз ресурсларидан кичик фермерлар ва ерсиз дехқонларни ривожланиш жараёнига жалб қилиш бўйича саъй- ҳаракатларнинг бир қисми сифатида фойдаланишга интилади. Шундай қилиб, фондни факат ишлаб чиқариш мақсад-

лари қизиқтириб қолмай, балки ҳар бир лойиха бандлик, озиқланиш ва даромадларнинг тақсимланишига кўрсатиши мумкин бўлган таъсир ҳам қизиқтиради.

КРХФ кредит операциялари икки гурухга тақсимланади: Фонд амалга ошираётган лойихалар ва Жаҳон банки ва ХРУ ҳамда турли ривожланиш банклари (Африка, Осиё, Америка, Ислом банклари) сингари тараққиёт масалалари билан шуғулланадиган муассасалар ва бошқа молия муассасалари билан биргаликда молия билан таъминланадиган лойихалар. КРХФ кредитлари лойихалар бўйича умумий харажатларнинг бир қисминигина ташкил этади; тегишли ҳукуматлар ҳам ўз улушларини кўшадилар.

КРХФ лойихаларини суғориш ва сув ресурслари устидан назорат, қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантириш, қишлоқ хўжалик масканлари ва уларни ривожлантириш, майда фермерларга қишлоқ хўжалик кредитлари бериш, чорвачиликни ривожлантириш ва ўғит етказиб бериш ва тақсимлаш кабиларни кўзда тутади.

Бошқарувчилар кенгаши ва Ижроия қўмитаси КРХФнинг раҳбар органлари ҳисобланади. Бошқарувчилар кенгашида аъзо бўлган барча давлатлар вакиллари мавжуд бўлиб, бунда аъзолар тоифаларидан ҳар бири ( rivожланган мамлакатлар, нефть экспортери бўлган ривожланаётган мамлакатлар ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар) тенг микдордаги овоз ҳукуқига эга. Шундай қилиб, донор мамлакатлар овозлар умумий микдорининг учдан икки қисмига эга бўлса, айни вақтда ривожланаётган мамлакатлар ҳам овозларнинг учдан икки қисмига эгадир. Жорий операциялар 18 нафар бошқарувчи-директордан (аъзоларнинг ҳар уч тоифасидан 6 қишидан), ва 18 ўринбосардан иборат Ижроия қўмита томонидан назорат қилиниб, Кўмита Раиси вазифасини Бошқарувчилар кенгаши томонидан аъзоларнинг учдан икки қисми томонидан 4 йил муддатга сайланадиган Фонд раиси бажаради ва у кейинги муддатга қайта сайланиш ҳукуқига эга.

КРХФ қароргоҳи Римда (Италия) жойлашган.

## **47. ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (ЮНЕСКО)**

ЮНЕСКО Устави 1945 йили Лондонда чакирилган конференция томонидан ишлаб чиқилган эди. ЮНЕСКО фаолиятини 1946 йилнинг 4 ноябрида, 20 давлат Уставни имзолаб ўз акцепт хужжатларини саклаш учун Бирлашган Қиролликка топширганларидан сўнг бошлади.

ЮНЕСКОнинг асосий мақсади таълим, илм-фан ва маданият соҳаларида ҳамкорлик қилиш орқали тинчлик ва ҳамкорликни таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

184 давлат ЮНЕСКО аъзоси бўлиб, жумладан, 1993 йилнинг 29 октябрида тўла ҳукуқли иштирокчи сифатида қабул қилинган Ўзбекистон ҳам шулар қаторидадир.

ЮНЕСКО давлатларо ҳамкорликнинг маданий маркази бўлиб, инсоният маданиятини келажак авлодлар учун саклаб қолиш ишида актив фаолият кўрсатмоқда, бу жиҳатдан у жиддий муваффақиятларга эришди.

Ўзбек халқининг жаҳон маданиятига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда буюк бобокалонларимиз, қомусчи-олимлар Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Муҳаммад Тарагай Улуғбекнинг юбилейлари ЮНЕСКО доирасида нишонланди.

ЮНЕСКОнинг 1995 йилги 28-Бош конференциясида Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди, бу эса буюк бобокалонимизнинг жаҳон илми ва маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасининг тан олинганидан далолат беради.

Шу билан боғлиқ равишда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида 1996 йилда «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Кейинроқ эса, ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон қадриятлари рўйхатига киритилган Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилиндики, мазкур нарса кўхна шаҳарлари-

миз бутун инсониятга оид бойлик эканлигининг яна бир исботидир.

Хозирги вактда ҳам ЮНЕСКОнинг жаҳон илми ва маданиятини ривожлантиришдаги роли ўта муҳимдир. Мисол учун, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг Париждағи сессиясида нутқ сўзлаб, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ЮНЕСКОнинг ўзига хослигини «ер юзидағи катта ва кичик ҳалқларнинг ўтмиши ва бугунги кунига бирдек ҳурмат ва эътиборини сақлаган ҳолда ЮНЕСКО доирасида ўзига хос ва бетакрор миллий маданиятларнинг ва инсоният ютуқларини намойиш этиш учун ажайиб имкониятлар пайдо бўлаётганлигига кўрамиз» деб таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ташкилотнинг ўзга аъзо-давлатларидаги каби ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия тузилган бўлиб, Самарқандда Бош конференция қарорига биноан Марказий Осиёни ўрганиш бўйича Халқаро институт барпо этилган ва унинг мақсади «Буюк ипак йўлини тадқиқ этишда интеллектуал ҳамкорлик мақсадида институтлар тармоғини уюштиришни фаоллаштириш»дан иборат.

Фаолиятида барча аъзо-давлатларнинг вакиллари иштирок этадиган Бош конференция ЮНЕСКОнинг олий органидир. У икки йилда бир маротаба, сиёsat, дастурларни ишлаб чиқиш ва бюджетни тасдиқлаш учун чақирилади.

Ижроия кенгashi Бош конференция томонидан 4 йил муддатга сайланади ва 51 аъзодан иборат бўлади. Кенгаш икки йилда бир маротаба чақирилади ва Конференцияда қабул қилинган дастурларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Котибиятни — кейинчалик яна худди шундай муддатга қайта сайланиш ҳуқуки билан 6 йиллик муддатга сайланадиган ЮНЕСКО Бош директори бошқаради.

ЮНЕСКО қароргоҳи Парижда (Франция) жойлашган.

## **48. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАРНИНГ САНОАТ ТАРАҚКИЁТИ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТИ (ЮНИДО)**

ЮНИДО 1965 йилда БМТнинг автоном (мустақил) органи сифатида ривожланаётган мамлакатларнинг саноат тарақкиёти ва индустрлаштириш суръатини оширишни рағбатлантириш, шунингдек БМТнинг ушбу соҳасидаги бутун фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган эди. 1975 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИДО Бош конференциясининг ЮНИДОнинг ихтисослаштирилган муассаса сифатидаги Уставини ишлаб чиқиш қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-кувватлади. 1979 йили ЮНИДОни ихтисослаштирилган муассаса сифатида ўзгартириш бўйича БМТ Конференцияси унинг Уставини қабул қилди ва уни имзолаш учун очик деб эълон қилди. Устав кучга кирган 1985 йилдан бошлаб, ЮНИДО БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси ҳисобланади.

Хозирги вақтда 170 дан ортиқ давлат унинг аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон ЮНИДОга 1994 йилда қабул қилинган.

ЮНИДО ривожланаётган мамлакатларни индустрлаштиришга қаратилган саъи-харакатларда асосий бўғин бўлиб, шу мақсадда саноатнинг турли секторларида саноат тадқиқотларини тайёрлаш ва илмий тадқиқот фаолиятини, шунингдек алоҳида мамлакатлар ва уларнинг минтақаларига нисбатан амалга оширади; технологияларни ишлаб чиқиш ва беришни рағбатлантиради; ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам беради; Саноат ва технология маълумотлари банкининг фаолиятини таъминлайди; саноат соҳасида статистика маълумотларини йигади ва индустрлаштириш жараёнида қўлланадиган тажрибага асосланган тадқиқотларни амалга оширади.

ЮНИДО вазифаси жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатларига уларнинг илтимосига биноан саноат ёрда-

ми беришдан иборат. ЮНИДО ривожланишга оид у ёки бу лойихани амалга оширишда саноат вакилларини жалб қилиш жараёнида воситачи сифатида иштирок этади. Шундай қилиб, ЮНИДО лойихалари муайян дарражага қадар ўз-ўзига ёрдам бериш дастуридир; улар сохта ғамхўрликка асосланмаган бўлиб, қарздорликнинг юзага келиши ёхуд у ёки бу режалар ё бўлмаса дастурларни зўрлаб ўтказиш имконияти мустасно этилган. Ёрдам оладиган барча мамлакатлар ЮНИДОнинг тўла хукуқли ва тенг аъзоси бўлиб, Ташкилотни пул билан таъминловчи асосий манбаларга бадал тўлайдилар ва ниҳоят, ўз саноат тараққиётининг йўналиши хусусида ўзлари қарор қабул қиласидар.

Икки йилда бир маротаба чақириладиган Бош конференция ЮНИДОнинг олий раҳбар органи ҳисобланади.

Саноат тараққиёти бўйича кенгаш — Бош конференция томонидан 4 йилга (ярми) ва 2 йилга сайланадиган 53 аъзодан таркиб топади. Кенгаш ўз мажлислирини бир йилда бир марта ўтказади.

Дастур ва бюджет масалалари қўмитаси Бош конференция томонидан икки йил муддатга сайланадиган 27 аъзодан иборат бўлган қўмакчи органлар.

Котибият 4 йил муддатга сайланадиган Бош директор томонидан раҳбарлик қилинадиган маъмурий орган ҳисобланади.

Ташкилот қароргоҳи Венада (Австрия) жойлашган.

## **49. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАРНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ (ФАО)**

ФАО 1945 йилнинг 16 октябрида Квебекда бўлиб ўтган конференцияда ташкил толиб, шу ерда унинг Устави ҳам имзоланган эди. Ҳар йили 16 октябрь Жаҳон озиқ-овқат куни сифатида нишонланади. 170 дан ортиқ давлат ФАО аъзоси ҳисобланади.

ФАО фаолиятининг асосий мақсади ва йўналишлари қуидагилардан иборат:

— аъзо-давлатларда инсонлар озиқланишини яхшилаш ва уларнинг турмуш даражасини юксалтириш;

— қишлоқ хўжалиги, шунингдек ўрмончилик ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва тақсимлашни янада такомиллаштириш;

— қишлоқ аҳолиси турмуш шароитларини яхшилаш.

ФАО ушбу мақсадларни амалга ошириш жараёнида:  
а) интеллектуал хизматларни, жумладан, овқатланиш, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик хўжалиигига оид фактологик ва статистика маълумотларининг тақдим этилишини таъминлайди, шунингдек уларнинг маҳсулотини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилинишига баҳо беради ва уларни прогнозлайди;

б) қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш, маркетинги, қайта ишлаш ва тақсимотини яхшилашга, табиий ресурсларни саклашга йўлланган миллий ва халқаро интилишларни кўллаб-куватлайди, шунингдек аъзо-давлатлар кредит ва товар сиёсатининг ривожланишига кўмаклашади.

в) манфаатдор томонларнинг илтимосига биноан кўрсатиб ўтилган соҳаларнинг исталган бири бўйича техник ёрдам кўрсатади;

г) қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадлари учун мамлакатларга инвестициялар жалб қилишда кўмаклашади.

ФАОнинг олий раҳбар органи — барча аъзо-давлатларни таркибиға олган Бош конференция ҳар иккӣилда, бир маротаба сиёсатни белгилаш, бюджетини ва фаолият дастурини тасдиқлаш учун йиғилади. Конференция томонидан сайланадиган Кенгаш таркибиға 49 аъзо-давлат кирган бўлиб, у Конференция сессиялари орасидаги даврда ФАОнинг раҳбар органи сифатида фаолият кўрсатади. Бош директор Конференция томонидан 6 йил муддатга сайланади. У Конференция ҳамда Кенгаш назорати остида ҳаракат қиласиди ва 7 та департаментга бўлинган Котибият раҳбари ҳисоб-

ланади. Бундан ташқари, ФАО Африкада, Осиё — Тинч океан минтақасида, Европада, Лотин Америкасида, Яқин Шарқда минтақавий бўлимларига ва Шимолий Америкадаги алоқа бюросига эга.

ФАО ўзга ихтисослаштирилган муассасалардан аъзо-давлатларнинг бадаллари, БМТ тараққиёт дастури маблағлари, Жаҳон банки маблағлари, шунингдек аъзо-давлатлар томонидан пул билан таъминланадиган Васийлик фонди ҳисобига фаолият кўрсатиши билан фарқланади.

ФАО қароргоҳи Римда (Италия) жойлашган.

## **50. АТОМ ЭНЕРГИЯСИ ХАЛҚАРО АГЕНТЛИГИ (МАГАТЭ)**

АЭХА (МАГАТЭ) Устави 1956 йилнинг 26 октябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилиниб, 1957 йилнинг 29 июлида Венада Агентлик барпо этилди. 1957 йилнинг 14 ноябрида Бош Ассамблея Агентлик ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги битимни тасдиклади.

АЭХА БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси эмаслигига қарамай, айни вақтда БМТ тизимиға тааллуқли бўлиб, маҳсус битимга эга. Чунончи, битимнинг биринчи моддасига биноан БМТ, Агентлик ўзининг ҳукуматлараро характеристи ва халқаро мажбуриятларидан келиб чиқиб, ўз Уставига асосланган ҳолда, ушбу битим орқали БМТ билан хизмат алоқасига киришган автоном халқаро ташкилот сифатида иш юритишини тан олади. Битимнинг учинчи моддасига биноан Агентлик ўз фаолияти тўғрисида Бош Ассамблеяга ва зарурат туғилганда БМТ Хавфсизлик Кенгашига йиллик маъруза топширади. Мазкур халқаро ташкилот ваколатига кирган атом энергияси масалаларининг алоҳида аҳамиятини ҳисобга олиб, ана шундай тартиб ўрнатилган. АЭХА шунингдек ўз ваколат доирасига кирган масала-

лар юзасидан БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашига маъruzалар тақдим этади.

Хозирги вақтда 120 дан ортиқ давлат АЭХАга аъзо бўлиб, шулар қаторидан 1994 йилнинг 15 январида Ўзбекистон ҳам ўрин олган.

АЭХА икки асосий мақсадни кўзлайди:

— бутун дунёда тинчлик, соғлиқ ва фаровонликни қўллаб-қувватлаш учун атом энергиясидан тез ҳамда кенг фойдаланишга интилиш;

— у бераётган ёки унинг илтимосига биноан ёхуд унинг назорати ё кузатуви остида берилаётган ёрдам бирор бир ҳарбий мақсадда фойдаланмаслигини имкони бор қадар таъминлаш, бунинг учун АЭХА кафолатлари тўғрисида битимлар тизими ишлаб чиқилган.

АЭХАнинг асосий вазифалари — бутун дунёда атом энергиясининг тинч мақсадларда тадқиқ этилишига кўмаклашиш, материаллар, хизматлар, ускуналар етказиб беришда воситачилик қилиш, илмий-техник маълумотлар алмашинувини ривожлантириш, олим ва эксперт-кадрлар билан алмашинув ва тайёргарликни рафтлантириш, агентлик кўрсатаётган ёки у орқали ўтаётган ёрдамдан нотўғри фойдаланишга қарши хавфсизлик тизимини барпо этиш, хавфсизлик андозаларини ишлаб чиқишидан иборат.

Дунёда ядро қуролини чеклаш ва қисқартириш, шунингдек ядросиз зоналарни барпо қилишга киришиш имконияти пайдо бўлгандан сўнг АЭХАнинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ўсди. Бунда биринчи навбатда, сўз 1969 йилги ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома, 1967 йилги Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома (Тлателолко шартномаси), 1985 йилги Тинч океан Жанубий қисмида ядросиз зона тўғрисидаги шартнома (Раротонг шартномаси) ҳакида бормокда. Ушбу шартномалар АЭХА зиммасига ядрорий чеклаш ва қуролсизланиш билан боғлиқ «кафолатлар тўғрисидаги қоидалар»ни ишлаб чиқиш ва қўллаш масъулиятини юклашни шарт қилиб қўйди. Бугунги кунда АЭХА ка-

фолатлари 900 дан ортиқ ядро қурилмалари ва ядро қуроли маконларига тъсир кучини ўтказади. Бу ядро қуролига эга давлатларнинг ташқарисидаги ядро тизимлари ва материалларининг 95 фоизига тенгдир. Ушбу кафолатлар АЭХАнинг 100 дан ортиқ давлат билан тузган маҳсус битимлари (170 га яқин) орқали мустаҳкамланган.

АЭХА аҳамияти айниқса Чернобиль фалокати ва тинч АЭСлардаги носозликлар тез-тез рўй бера бошлагандан кейин ошди. АЭХА бошқарувчи орган эмаслигига қарамай, унинг тавсиялари кўп мамлакатларда давлат ички андозаларини ва ҳукукий меъёрларини ишлаб чиқишида асос сифатида олинади.

АЭХА радиациядан муҳофаза қилиш бўйича амалиётнинг асосий меъёрларини ишлаб чиқади ва операцияларнинг муайян турлари бўйича, жумладан, радиоактив материалларни хавфсиз ташиш амалиёти қоида ва меъёрларини нашр эттиради, шунингдек, радиация ҳалокати рўй берганда, мисол учун, Чернобиль фалокатидан сўнг бўлгани каби, фавқулодда ёрдам кўрсатишга кўмаклашади. Унинг фаолияти бевосита ядро аварияси ёки радиация аварияси вазиятида ёрдам бериш тўғрисидаги конвенция, ядро фалокати тўғрисида зудлик билан хабардор қилиш тўғрисидаги конвенция каби халқаро шартномаларни ишлаб чикиш ва уларнинг амал қилиши билан боғлиқдир.

Ядрорий фан ва технологияларнинг барча жиҳатлари юзасидан кенг маълумотларни йиғиши ва тарқатиш билан АЭХАнинг Венадаги Ядрорий маълумотларнинг халқаро тизими шуғулланади. АЭХА ЮНЕСКО билан биргаликда Триестдаги (Италия) Назарий физика халқаро марказининг фаолиятига раҳбарлик қилади. У ядро физикасини қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтказадиган уста лабораторияга эга. ФАО билан биргаликда АЭХА атом энергиясини озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўллаш бўйича тадқиқотлар ўтказса, ЖСТ билан радиациядан тиббиёт ва биология соҳаларида фойдаланиш хусусида тадқиқотлар ўтказади.

АЭХА сиёсати ва дастурларига барча аъзолардан таркиб топган ва ҳар йили йиғилиш ўтказадиган Бош конференция ва конференция сайлайдиган 35 аъзодан иборат Бошқарувчилар кенгаши раҳбарлик қиласди.

АЭХА қароргоҳи Вена (Австрия)да жойлашган.

## **51. ТАРИФЛАР ВА САВДО БҮЙИЧА БОШ БИТИМ – ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ (ТСББ-ЖСТ)**

Давлатларнинг мазкур БМТ доирасидан ташқарида, БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси эмаслигига қарамай, у билан алоқада мавжуд бўлиб, иш олиб борадиган иккинчи ўта муҳим давлатлараро, таърифиға кўра универсал (Жаҳон) уюшмасидир. Совет даврида, СССР ТСББ-ЖСТ таркибиға кирмаганлиги туфайли, унинг тўғрисидаги маълумотларни оммага етказиш чекланган бўлиб, кенг жамоатчилик жаҳон иқтисодиётини учун нақадар муҳим бўлган ушбу ташкилот ҳақида тасаввурга эга эмас эди.

ТСББ-ЖСТ — ҳозирги замонда халқаро савдонинг келишилган қоидаларини белгилаб берадиган ягона кўп томонлама битим. ТССБ-ЖСТ 1948 йилнинг январидан амал қиласди. Уни жаҳоннинг 100 та давлати имзолаган бўлиб, яна ўттизтага яқини унинг меъёрларига риоя қиласди. Яъни, айтиш мумкинки, ушбу битим амалда жаҳон савдоси ҳажмининг 90%дан ортигини бошқариб туради.

ТССБ-ЖСТнинг асосий мақсади — жаҳон савдосини эркинлаштиришдан ва дунё халқлари ҳамда давлатларининг иқтисодий ўсиши, тарақкий этиши ва фаровонлигига кўмаклашиши учун барқарор асос барпо этишдан иборат. ТССБ-ЖСТ қуидагилар бўйича бошхалқаро орган ҳисобланади:

- жаҳон савдосини амалга ошириш меъёрларини ва уларни бузганлик учун жазо чораларини яратиш;
- халқаро бозордаги рақобатчилик йўлида савдо ва ўзга тўсикларни озайтириш;

— савдога ва умуман халқаро савдо муносабатларига оид низоларни мувофиқлаштириш..

ТССБ-ЖСТ Битим сифатида — халқаро савдо кодексидир.

Ташкилот сифатида эса у савдога оид маълумотлар жамланган, давлатлар ўз савдо масалаларини ҳал этишлари, улар бўйича музокаралар олиб боришлари мумкин бўлган форум ҳисобланади.

ТССБ-ЖСТнинг асосий тамойиллари:

— «энг қулай шароит яратиб берилган миллат» яъни камситишларсиз савдо тамойили;

— мамлакат саноатини муҳофазалаш чоралари ўзгача савдо воситалари ёрдамида эмас, балки асосан божхона тарифлари орқали амалга оширилиши лозим;

— тарифлар кўптомонлама музокаралар йўли билан мунтазам камайтириб борилиши керак.

— савдога оид муаммоларни шартлашаётган томонлар (ТССБ-ЖСТ аъзолари шундай деб аталади) биргаликдаги консультация (маслаҳатлашув) йўли билан ҳал қилишлари лозим.

1964 йилда ТССБ-ЖСТ ривожланаётган мамлакатларга экспортни кенгайтириш, экспорт бозори ва сочув услугларига оид масалалар бўйича консультациялар беришда кўмаклашиш мақсадида Халқаро савдо марказини барпо этди. Ҳозирда у ТССБ-ЖСТ нинг БМТдаги кўшма кўмакчи органидир.

Жаҳон савдоси тарихига ТССБ-ЖСТнинг етти музокара «раундлари» кирган. Улардан энг муҳимлари қуидагилардир: ТССБ-ЖСТ нинг яратилишига олиб келган Женева раунди (1947-48 й.), Кеннеди раунди (1964-67 й.), Токио раунди (1973-79 й.) ва Уругвай раунди (1989-90 й.). Мисол учун, Токио раунди тарифларнинг анча — 33 фоизга қисқаришига сабаб бўлди, шунингдек қатор соҳалар бўйича: субсидиялар ва компенсация чоралари тўғрисида, давлат харидлари тўғрисида, жаҳон савдоси тараққиёти йўлидаги техник тўсиклар тўғрисида, импортни лицензиялаш муомалалари тўғрисидаги битимларнинг тузилишига олиб келди.

Шартлашаётган томонларнинг сессияси ТССБ-ЖСТ нинг олий органидир. Коидага кўра у йилига бир маротаба йигилади. ТССБ-ЖСТ қарорлари одатда овоз бериш йўли билан эмас, балки консенсус орқали (бир овоздан розилигига кўра) қабул қилинади. Сессиялар аро даврда кечиктириб бўлмайдиган ва жорий масалалар бўйича Вакиллар кенгаши қарор қабул қиласди. Ташкilotning ўзга органлари: Савдо ва тараққиёт қўмитаси, Тўлов балансларига нисбатан чекловлар қўмитаси, Газмоллар бўйича қўмита, шунингдек 18 лар маслаҳат қўмитаси. Булардан ташқари, ТССБ-ЖСТ доирасида турли битимлар қабул қилинади (мисол учун Токио раунди, Уругвай раунди).

Музокараларнинг ҳар бир раунди бир неча йиллаб давом этиши туфайли, бундай ҳолларда уларнинг ўз органлари юзага келади.

ТССБ-ЖСТ қароргоҳи Женевада (Швейцария) жойлашган.

## ХУЛОСА

Мустақил Ўзбекистон ўзининг бошқа мамлакат ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларини тобора фаолроқ ривожлантириб бормоқда. Ана шу билан боғлиқ равишда ёш республика учун халқаро ҳуқуқ соҳасида юксак малакали кадрлар тайёрлаш — ўта долзарб масалага айланди. Халқаро ҳуқуқни билиш ва уни ўрганиш, шу билан бирга малакали кадрларга эга бўлиш Ўзбекистонга халқаро муносабатларда ўз манфаатларини юксак савияда ҳимоялаш, шунингдек турли халқаро ташкилотларда ишлаш учун ўз фуқароларини тавсия қилиш имконини берадики, бу давлат обрўсига хизмат қиласиди.

Халқаро ҳуқуқ XX асрда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан анча илгари силжиди, бироқ тақдир тақозоси билан уни ўрганишга бўлган баъзи интилишларга қарамай, мазкур фанга Ўзбекистонда жой топилмади. Бироқ эндиликда буларнинг бари ўтмишда қолиб, бугунги кунда, мустақиллик эълон қилинганидан бошлаб республиканинг олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида халқаро ҳуқуқни ўрганиш бўйича янги курслар тобора фаолроқ жорий этилмоқда. Юридик институт (Тошкент), Давлат иқтисодиёти университети (Тошкент), Давлат шарқшунослик институти (Тошкент) каби олий ўкув юртлари ана шундай курслар ташкил этилган дастлабки олий ўкув юртлари бўлди. 1992 йилда Президентимиз фармони билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети таъсис этилганидан сўнг, тобора фаолроқ ва сабитқадамлик билан «яқин» ва «олис» хорижлик мутахассисларни таклиф қилган ҳолда халқаро

хукуқ бүйича маърузалар курслари ўқила бошлади. Мустақиллик даври мобайнида қатор монографиялар нашир этилиб, халқаро хукуқ масалалариға оид халқаро анжуманлар ўтказилди, диссертациялар муваффакиятли ҳимояланиб, тадқиқот ишлари жадал давом этмоқда. Президент Фармонига мувофиқ барпо этилган истеъдодли ёшларнинг «Умид» жамғармаси 160 нафар илк «қалдирғоч»ларини АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия ва бошқа давлатларнинг нуфузли ўкув юртларига йўллади.

Юқорида айтилганларнинг бари ҳам профессионаллар, ҳам давлат фуқаролари учун ўзларининг асосий хукуқ ва эркинликларидан хабардор бўлиш маъносида зарур.

Кўпгина мамлакатларда халқаро хукуқ асослари мактабларда ўрганилади. Бизда ҳам бунинг вақти етиб келганга ўхшайди. Совет даврида иккинчи даражали фан сифатида қаралган халқаро хукуқ курси ҳозирга келиб республика олий ўкув юртларида асосий фанлардан бирига айланди.

Буларнинг бари яна шунинг учун ҳам қувончилики, республика ўз фаол ҳаракати билан халқаро хукуқни тарғиб этмоқда, шу билан халқаро хукуқий билимларни рағбатлантириш, ўрганиш ва ёйиш ишига баҳоли кудрат улуш қўшиб, бу ҳол БМТ халқаро хукуқининг ўн йиллиги дастурига (1991-1999 й.) ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси 1989 йилнинг 17 ноябридағи 60-умумий кенгашида 44/23-сон резолюцияни қабул қилиб, унда:

1. 1990-1999 йиллар орасидаги даврни Халқаро хукуқ ўн йиллиги деб эълон қилди.
2. Ўн йилликнинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат бўлиши керак деб ҳисобланди:
  - а) халқаро хукуқ тамоийларини қабул қилиш ва хурмат қилишга кўмаклашиш;
  - б) давлатлар орасидаги ихтилофларни тинч йўл билан ҳал этиш восита ва усусларига, жумладан Халқа-

ро Судга мурожаат қилиш ва унга тўлиқ ҳурматли муносабатда бўлишга кўмаклашиш;

в) халқаро ҳуқуқ ва уни кодлаштиришнинг тараққиётини рағбатлантириш;

г) халқаро ҳуқуқни ўргатиш, ўрганиш, ёйиш ва кенгроқ тан олинишини рағбатлантириш.

Мазкур ўқув қўлланмаси -- халқаро ҳуқуққа оид асосий тушунчалар ва институтларни давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда қисқа ва содда шаклда баён этишга бўлган илк уринишлардан биридир.

Кейинчалик халқаро ҳуқуқнинг асосий институтларига тааллукли маълумотларни тўлдириб, кенгроқ қилиб баён этиш кўзда тутилган.

Муаллифлар китобхонларга халқаро ҳуқуқни ўрганишида муваффакиятлар тилайдилар ва эгаллаган билимлари Ватанимиз равнақи ва гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилишига ишонч билдирадилар.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
1. Халқаро ҳуқуқ .....	8
2. Халқаро ҳуқуқда суверенитет .....	10
3. Халқаро ҳуқуқ субъектлари .....	12
4. Халқаро ҳуқуқ манбалари .....	14
5. Халқаро ҳуқуқда эътироф этиш .....	16
6. Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари .....	18
7. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик .....	20
8. Ҳудуд ва халқаро ҳуқуқ .....	23
9. Халқаро шартнома .....	24
10. Халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқ .....	27
11. Халқаро ҳуқуқнинг соҳа ва институтлари .....	29
12. Дипломатия ва консулийк ҳуқуқи .....	31
13. Халқаро ҳуқуқда масъулият .....	33
14. Халқаро муносабатларда куч ишлатиш билан таҳдид солиш ёки уни қўллашдан тийилиш .....	35
15. Давлатлар томонидан халқаро ихтилофларнинг тинч йўл билан ҳал қилиниши .....	37
16. Ҳар қандай ўзга давлат ваколатига кирадиган ишларга аралашмаслик сиёсати .....	39
17. Давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш мажбурияти .....	41
18. Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи .....	43
19. Давлатларнинг суверен тенглиги .....	45
20. Давлат томонидан ўз мажбуриятларининг сидқидилдан адо этилиши .....	48
21. Инсон ҳуқуклари ва асосий эркинликларини хурмат қилиш .....	50
22. Халқаро ҳуқуқда фуқаролик .....	52
23. Кочоқлар ва халқаро ҳуқуқ .....	54
24. Чет элликлар ва халқаро ҳуқуқ .....	56
25. Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуклари ва асосий эркинликлар .....	59
26. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи .....	61
27. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Бош Ассамблея .....	66
28. Ҳаҷфиззик Кенгаши .....	74
29. Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) .....	77
30. Васийлик Кенгаши .....	80
31. Халқаро Суд .....	82
32. Котибият .....	85
33. БМТ нинг ихтисослаштирилган муассасалари .....	87
34. Жаҳон метеорология ташкилоти (ЖМТ) .....	88
35. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) .....	91
36. Жаҳон ақлий мулк ташкилоти (ЖАМТ) .....	92

37. Жаҳон почта уюшмаси (ЖПУ) .....	94
38. Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) .....	97
39. Халқаро денгиш ташкилоти (ХДТ) .....	98
40. Фуқаро авиациясининг халқаро ташкилоти (ФАХТ) .....	99
41. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) .....	101
42. Халқаро молия корпорацияси (ХМК) .....	102
43. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) .....	104
44. Халқаро валюта фонди (ХВФ) .....	106
45. Халқаро электр алоқаси уюшмаси (ХЭУ) .....	109
46. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди (КРХФ) .....	110
47. Таълим, илм-фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО) .....	113
48. Бирлашган Миллатларнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти (ЮНИДО) .....	115
49. Бирлашган Миллатларнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) .....	116
50. Атом энергияси халқаро агентлиги (МАГАТЭ) .....	118
51. Тарифлар ва савдо бўйича бош битим — жаҳон савдо ташкилоти (ТСББ-ЖСТ) .....	121
Хуроса .....	124

## ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

**Раис Абдулҳақовиҷ Тузмуҳамедов  
Равшан Тўлкиновиҷ Ҳакимов**


## **ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ**

*Ўқув қўлланмаси*

*Менежер Б. С. Муслимов  
 Муҳаррир А. Имомназаров  
 Мусахҳиҳ М. Мирмаҳмудова  
 Саҳифаловчи Ю. Сидоренко*

Бичими 54 × 90 1/<sub>16</sub>. Ҳажми 8,0 б.т. Адади 5000 нусха.  
 Буюртма № К-6605.

Тошкент полиграфия комбинати ижара корхонасида чоп этилди.  
 Тошкент, Навоий, 30.



ВЫСШЕ В КНИГАХ  
НАШИЕТ УЧИ